

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
проф. Убайдулла Уватов
Сирожиддин Саййид
проф. Поён Равшанов
проф. Абдурахим Эржаев
проф. Қахрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
ф.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Азизбек Норов

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.

Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилмиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32

Теришга 25.07.2019 йилда берилди.

Босишга 20.09.2019 йилда рухсат

этилди. 25.09.2019 йилда босилди.

Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.

Адади 920 нусха. Буюртма № 677

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш

корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилмиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2019 йил № 3 (37)



2019 йил - Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUNDARIJA

БОШ МУҲАРРИР САҲИФАСИ

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари.....4

ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАЛАРИ

Очил БЎРИЕВ, Соҳибқирон Амир Темур мероси ва
Кеш-Шаҳрисабз алломалари.....10

ХОТИРА АЗИЗ, ҚАДР АБАДИЙ

Поён РАВШАНОВ, Асримизнинг буюк сиймоси.....16
Ғулом МИРЗАЕВ, Қонун - устувор, адолат тантанаси - муқаррар....20

ТАРИХ

К.БЕГАЛИНОВА, Ю.ЭРГАШЕВА, Взгляды Фараби и их значение
в развитии общественной мысли Центральной Азии.....29

Қаҳрамон РАҲАБОВ, Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга кири-
тиши арафасида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви
(1989-1991 йиллар).....35

Шавкат ХОНҚУЛОВ, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Ҳамза Ҳакимзода
Ниёзий педагогик меросининг тарбиявий аҳамияти.....42

Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ, Ўзбек халқ таботатида ишлатиладиган
дори-дармонлар.....47

Тўймурод ХУДОЙҚУЛОВ, Академик В.В.Бартольд асарларида
Бухоро тарихий топонимлари хусусида.....53





ТЕМУРШУНОСЛИК

- Ҳамид ЗИЁЕВ, Соҳибқирон ҳақиқати ёхуд Иброҳим Мўминовнинг жасорати.....59
 Тўлқин ҲАЙИТ, Амир Темурнинг тарихдан олган сабоқлари.....70
 Мўмин АЗИЗОВ, Тасвирий санъатда Амир Темур сиймоси.....77

ТАДҚИҚОТ


- Шухрат БОЙМУРОДОВ, Мустақиллик йилларида ўрта буғинда мутахассислар тайёрлаш аҳволи84
 Усмон МЎМИНОВ, Бухоро амирлигида Ғузор беклигининг тутган ўрни ва аҳамияти88
 Шоира ЖУМАЕВА, Тошкент воҳаси аҳолисининг сув билан боғлиқ анъана ва урф одатлари.....94

РУҲИЯТ СУРАТИ

- Фахриддин ҲАЙИТ, Соҳибқирон йўли, Аёл, Ўз ватани бўлсин, Она тилимга, шеърлар.....100
 Бекзод ЎКТАМ, Муқаррар, ҳикоя.....102

ЖАҲОНИЙ ЖАВОҲИР

- Арслан БАЙЕР, Фарқли дунёлар
 Турк тилидан Мунира Норова таржимаси.....115





MILLIY TIKLANISHDAN - MILLIY YUKSALISH SARI

**"Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти,
халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар
томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз."
Ш.Мирзиёев**

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқдол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, **МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН - МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ** дадил илгарилаб бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар-аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқимиз учун энг улуғ, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт куриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги катта тайёргарлик билан кутиб олинди. У қутлуғ сананинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнатига, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонланди. Дарҳақиқат Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги байрами қалбларимизга шуқуҳ бахш этди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 июлда имзоланган **"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги қарорига мувофиқ мазкур байрам **"Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!"** деган бош ғоя асосида ташкил этилди.

Ҳақиқатан ҳам халқимизнинг ушбу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддас. Мана, 28 йилдирки мустақиллик бизнинг энг муқаддас туйғумиз, буюк неъматимиз, энг олий қадриятимизга айланди.

2019 ЙИЛ "ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги фармонида умумий қиймати **16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига** тенг



лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу асосда юртимизда фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда, замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янги ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

28 ЙИЛ МОБАЙНИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ЎЗБЕКИСТОН НИМАЛАРГА ЭРИШДИ? Совет мустабид тузуми даврида Ўзбекистон ҳақ-ҳуқуқига эга бўлмаган, қарам мамлакат эди. Бугун биз озод, эркин, демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар мамлакатга айландик;

- 28 йил аввал мамлакатимиз жар ёқасига келиб қолган, иқтисодий инқирозга учраган, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлигига асосланган давлат эди. Бугун эса ўз тараққиёт йўлини танлаб олган, ривожланиб бораётган саноат индустриясига эга, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари чиқариб, жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакат;

- мустабид совет даврида ўз ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмаган мустамлака "давлат" бўлсак, бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустақам ўрин эгаллаб бораётган, турли нуфузли халқаро ташкилотларда ижтимоий тараққиётга оид тинчлик-севар ташаббуслари билан тобора эътиборга сазовор бўлиб бораётган, ўзининг мустақил ташқи сиёсатига эга мамлакат сифатида ўз бўй-бастимизни намён этмоқдамиз;

- мустақилликкача биз фақат собиқ "марказ"нинг "қош-қовоғи"га қараб иш тутадиган, мустақил равишда бирор нарсани режалаштиришга имкони бўлмаган, ҳаттоки, уни тасаввур этишга умиди бўлмаган одамлар эдик. Бугун ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига эга, мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштириб бораётган, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига айланаётган мустақил давлатмиз.

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ушбу ғоянинг моҳиятига алоҳида тўхталди.

Ғоят қатта мазмун-моҳиятга эга ушбу маърузада жонажон Ўзбекистонимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва туб бурилишлар, янгиликлар тўла акс эттирилди:

"МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН - МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ" Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида истиқлолнинг 28 йиллиги байрамида **"Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари"** деган эзгу ғоянинг бугунги тараққиёт даврининг устувор шиори эканини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, "Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз, Ислом Абдуғаниевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Рес-



публикасининг давлат мустақиллигини эълон қилган эди.

Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди.

Бугун бир ҳақиқатни катта гурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустақкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган **"Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари"** деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамин.

Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, биз ўз олдимизга қўйган ана шундай мақсадлар сари изчил қадам қўймоқдамиз.

Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнаткаш, заҳматкаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгил қилишдан иборатдир.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуг мақсадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай марраларга фақат тинимсиз, оғир ва фидокорона меҳнат билан эришилади".

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ Сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустақкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан, миришкор фермер ва деҳқонларимиз мардона меҳнат қилиб, кўплаб соҳаларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳам сизларга яхши маълум.

Биз умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик. Мактаб таълимини ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.

"Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Фақат кейинги уч йилда **35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сони 112 тага етди. Буларнинг 13 таси** нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим.



Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда кўплаб янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оилавий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кейинги йилларда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борада Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги, Ногиронлиги бўлган инсонларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш биз учун энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойиҳаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди.

Узоқ вақт давомида ўткир муаммо бўлиб келган аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали катта муваффақият билан ўтказилди. Куни кеча Самарқанд шаҳрида юксак савия ва баланд руҳ билан ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бетақрор мумтоз санъатимизни яна бир марта дунёга намоён этди. Сентябрь ойида эса Қўқон шаҳрида илк бор Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказамиз.

Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани - халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир".

"Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизгин кўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

ҲУҚУҚИЙ ЮКСАЛИШ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича мустақил сиёсатини қатъий давом эттирмоқда ва бу сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда маҳбусларни афв этиш институти жорий этилди. Кейинги уч йилда етти марта афв эълон қилинди. Натижада қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингга яқин маҳбус жазони ўташ жойларидан озод этилди.

Куни кеча афв этиш ҳақидаги яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра жазо муддатини ўтаётган 65 нафар фуқаро афв этилди.

Тасаввур қилинг, ўз уйига, яқинлари бағрига қайтаётган бу инсонларнинг, уларнинг ота-онаси, фарзандларининг қувончи, хурсандчилигини "ойнаи жаҳон" орқали кўрган одам, бу ҳақиқатан ҳам эзгу ва савобли иш эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Мустақиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Жаслиқ қўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани инсонпарвар сиёсатнинг яна бир ифодаси бўлди.



Бу тарихий қадам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуксиз жараён эканини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қарда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намоён этмоқда.

Чет элларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустаҳкамланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган фуқароларимиз учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 156 нафар ватандошимиз - асосан аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлар давом этаётган Суриядан қайтариб олиб келинди ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиш халққа ҳам, Худога ҳам манзур бўлади. Мана шундай эзгу фазилатлар бизнинг бағрикенг халқимизни янада улуглайди.

СИЁСИЙ ЮКСАЛИШ: ТАШҚИ СИЁСАТ. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ҳам фаол ва самарали фаолият олиб бормоқда. Узоқ ва яқиндаги барча давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора кенгайиб, ривожланмоқда.

Аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари билан борди-келди қилишлари учун барча шароит яратилди.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган мулоқотларда фаол иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда, юртимизнинг дўстлари ва ҳамкорларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳаётимизда тинчлик-тотувлик, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб бормоқда. Биз буни барча ислоҳотларимизнинг кафолати, энг муҳим натижаси, деб биламиз.

ДЕМОКРАТИК ЮКСАЛИШ: ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ. Бугунги кунда амалга ошираётган ислоҳотларимиз, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилгани туфайли жамиятимизда очиқлик ва эркинлик муҳити тобора кучайиб бормоқда.

Одамлар ташаббус кўрсатиб, нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчиликнинг дарду ташвишларини ҳал қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганмоқда.

Биласизлар, мен мамлакатимиз бўйлаб жуда кўп сафарларда бўламан. Жойларда, олис туман, қишлоқ ва овулларда бўлиб, янги-янги иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни жорий этишга, одамлар нима билан яшайпти, уларнинг аҳволи, кайфияти қандай эканини яқиндан билишга, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш учун ёрдам беришга интиламан.



Мана шундай очиқ, самимий мулоқотлар асосида бугун халқимиз билан кўп-кўп мураккаб, муҳим масалаларни биргаликда ҳал қилмоқдамиз. Ва бу одамларимиз қалбида келажакка ишонч уйғотиб, уларни янги, улкан марралар сари руҳлантирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу - бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қилиш учун, аввало, бирлик, ҳамжиҳатлик зарур.

Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак. Шунинг учун **"Жаҳолатга қарши - маърифат"** деган фикрда катта маъно бор. Бу гоё фақат диний тарбия билан боғлиқ ишларда эмас, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳар бир масалани маърифат асосида чуқур ўйлаб, халққа ҳурмат билан, такрор ва такрор айтаман, одамлар фикрини инобатга олиб, фақат қонун ва адолат мезонига таянган ҳолда ҳал этсак, эл-юртимиз биздан албатта рози бўлади.

Бугун замон ўзгарди. Энди ҳаммамиз эркинлик, очиқлик, ошкоралик шароитида ишлашга ўрганишимиз лозим. Барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамоқда.

Даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар куни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.

Бизнинг томирларимизда улуг аждодларимизнинг қони оқмоқда. Буюк боболаримизнинг муносиб издошлари ва давомчилари бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга кўшиласиз.

Ўз Ватанини, она халқини равнақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу - жасорат ва мардлик, бу - она юртга муҳаббат ва садоқат, бу - тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.

Шу кунларда ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, барчага намуна бўлаётган юртдошларимизга марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари тантанали равишда топширилмоқда.

Бугун бир фикрни қатъият билан таъкидлашни зарур, деб биламан: Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.

Биз мана шу ёруғ кунлар учун курашиб, жон фидо этган ота-боболаримизнинг ҳаққи-ҳурмати, 33 миллионлик халқимизнинг ҳаққи-ҳурмати, бизга умид ва ишонч кўзи билан боқиб турган болаларимиз, набираларимизнинг ҳаққи-ҳурмати - мустақиллик ва истиқлол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз!

Ўз мақсадларимизга албатта етамиз - келажак буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо етамиз!" ("Халқ сўзи", 2019 йил 1 сентябрь).

Хуллас, **Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида олға сурилган "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН - МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ"** деган эзгу гоёси мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида энг асосий дастурлардан бири бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.



SOHIBQIRON AMIR TEMUR MEROSI VA KESH-SHAHRISABZ ALLOMALARI

**Очил БЎРИЕВ,
ҚарДУ профессори.**

2019 йил 9 август куни қадимги ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз шаҳридаги маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур жамоат фонди, Қашқадарё вилояти ва Шаҳрисабз шаҳри ҳокимликлари ҳамкорлигида "Амир Темур мероси ва Кешлик алломалар" мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Илмий анжуманни Шаҳрисабз шаҳар ҳокими К.Каримов ва ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи директори Х.Файзиевлар табрик сўзлари билан очишди.

Анжуман ялпи мажлисида "Насафлик алломаларнинг ислом динини ривожлантиришдаги буюк хизматлари" (проф. У.Уватов, Республика Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази), "Амир Темур давлати" (проф. А.Аҳмедов, ЎзРФА Шарқшунослик институти), "Амир Темур - йирик саркарда ва буюк бунёдкор" (И.Ҳошимжонов, Қозоғистон Республикаси "Дўстлик" ўзбеклар ассоциацияси), "Қирғизистон ҳудудида Амир Темур ва темурийлар фаолиятига доир сўнгги маълумотлар" (т.ф.н С.Смадияров, Ўш ДУ) маърузалари тингланди.

Анжуман биринчи шўъбаси - "Амир Темур мероси"да (модератор: проф. Қ.Омонов), "Соҳибқирон фарзандлари" (Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси), "Темурийлар даври миниатюра санъатида бунёдкорлик мавзусининг ёритилиши" (проф. А.Мадраимов, ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи), "Темурийлар даврида Ҳиротда кўчирилган нодир қўлёзма" (проф Қ.Содиқов, ТошДШИ), "Амир Темур ва Шаҳрисабз" (Ж.Минолдоров, Қирғизистон халқ шоири), "Буюк саркарда Амир Темур ва Тўхтамишхон жангининг сабаби ва оқибатлари" (т.ф.н Н.Хушвақтов, Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий маданият музейи), "Темурийлар даври ҳужжатчилиги: тили, тузилиши ва расмийлаштириш масаласи" (Проф. Қ.Омонов, ТДШИ), "Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ривожини" (т.ф.н. Х.Файзиев, ЎзРФА Темурийлар давлат музейи), Амир Темурнинг Қарши воҳасидаги фаолияти" (Амирқул Карим, "Олтин мерос" халқаро жамоат фонди), Амир Темур ҳарбий сиёсатида янгича чизгилар" (т.ф.н. О.Раҳматуллаева, ТДПУ), "Миниатюра асарларида Темурийлар ютуқ-



лари" (доцент Н.Гилманова, ТДАҚИ), "Темурийлар даври кутубхоналари фаолияти тарихидан" (А.Шарипов, ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи), "Жаҳон музейларида Темурийларга оид моддий мероснинг ўрганилишига доир" (т.ф.н Д.Қурбонова, Ўзбекистон Ислон цивилизацияси маркази), "Султон Абу Саид Мирзо даврида Темурийлар ва Оққуюнлилар ўртасидаги муносабатлар" (Ф.Авазов, ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи) каби маърузалар тингланди.

Анжуманнинг "Кешлик алломаларнинг илмий мероси" иккинчи шўъба-сида (Модератор: проф.П.Равшанов) қуйидаги маърузалар эшитилди: "Илк ўрта асрларда Кеш тарихига оид баъзи маълумотлар" (проф.М.Исҳоқов, ТДШИ), "Ўрта асрларда Кешда яшаган алломалар" (т.ф.д. Ш.Умаров, Имом Бухорий илмий халқаро маркази), "Шаҳрисабзда XIX аср илм-фанида Темурийлар даври анъаналари бардавомлига доир" (проф.П. Равшанов, ҚаршиДУ), "Амир Темури ва Кеш алломалари" (Т.Ҳайит, Халқаро Амир Темури жамоат фонди), "Абу Ҳафс Насафийнинг "Матла ан-нужум ва мажма ал-улум" асари ўрта аср таълим тизими бўйича муҳим манба" (т.ф.н. С.Муҳаммадаминов, ЎзРФА Шарқшунослик институти), "Кешлик алломаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси" (проф. О.Бўриев, Халқаро Амир Темури фонди Қашқадарё вилоят бўлими), "Шайх ва олим Исмоилхон Фақирий Шаҳрисабзий" (т.ф.н. М.Исмоилов, ЎЗМУ).

Шўъбаларда маърузалар мазмуни замонавий электрон доскаларда намойиш этилди. Қизгин савол-жавоблар ва илмий мулоқотлар тарзида ташкил этилган анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Якуний мажлисда тингланган маърузалар муҳокамасида модераторлар ахбороти тингланди ҳамда билдирилган амалий тавсиялар умумлаштирилди.

Шунингдек анжуман қатнашчилари Шаҳрисабз шаҳрининг диққатга сазовор жойларини, меъморий ёдгорликларини томоша қилдилар. Амир Темури номидаги моддий маданият тарихи музейи ва халқаро мақом музейи экспонатлари ҳамда янги ташкил этилган халқ амалий санъати кўргазмаси билан танишдилар. Халқаро илмий анжуман кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтди.

АНЖУМАНДА ҚУЙИДАГИ АМАЛИЙ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БИЛДИРИЛИБ, АСОСАН МАЪҚУЛЛАНДИ:

- "Насаф ва Кеш алломалари меросини ўрганиш илмий маркази"ни ташкил этиш;
- Қашқадарё алломалари меросини ўрганиш бўйича илмий анжуманни ҳар йилда ўтказиш;
- воҳа алломалари ҳақида буклетлар, рисоалар, китоблар чоп этиш;
- матбуот, ОАВ ларида чиқишлар қилиш;
- воҳа алломалари ҳақида маълумотларни интернет ва таълим муассасалари ўқув дастурларига киритиш;
- воҳа алломалари меросини ўрганиш бўйича ўқув юртларида махсус



курс ва семинарлар ташкил этиш;

- "Қашқадарё воҳаси алломалари меросини биласизми?" мавзусида кўрик-танловлар ўтказиш;

- суҳбатлар, кечалар ва бошқа маърифий тадбирлар уюштириш;

- ўқувчи ва талабалар ўртасида иншолар танловини ўтказиш;

- мазкур соҳа пешқадам олимлари билан учрашувлар ташкил этиш;

- "Қашқадарё алломалари яшаган масканлар бўйлаб" туркумида экспедициялар ўтказиш;

- алломалар хилхоналарини ободонлаштириш ва зиёратгоҳларга айлантириш;

- алломалар зиёратгоҳлари бўйлаб туристик маршрутлар ташкил қилиш;

- алломалар меросини ўрганиш бўйича хорижий олимлар билан ҳамкорлик қилиш.

КЕШ - ШАҲРИСАБЗ ОЛИМУ ФУЗАЛОЛАР ЮРТИ

Ўзбекистон ҳозирги тараққиётининг янги миллий юксалиш босқичида ўтмиш тарихимизни ҳолисона ўрганиш ва кенг тарғиб-ташвиқ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бой меросини тадқиқ қилиш ҳам асосий кун тартибига қўйилди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак" ("Халқ сўзи", 2018 йил 29 декабрь)

Маълумки, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон буюк алломалар юрти ҳисобланиб, бу замин мутафаккирлари жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган. Ренессанс (Уйғониш) даврининг биринчи босқичида (IX - XII асрлар) Турон заминида 3 минг нафардан зиёд таниқли муҳаддислар, жумладан, Насафда 400 нафардан зиёд, Кешда эса 60 нафардан ортиқ алломалар яшашган. Ватанимизда диний ва дунёвий илмлар уйғун тарзда ривожланган.

Марказий Осиё юраги - ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларидаги Қашқадарё воҳаси қарийб 3 минг йиллик тарихга эга бўлиб, Нахшаб, Насаф, Қарши, Кеш, Шахрисабз номлари билан аталган шаҳарлар ва воҳалар минтақанинг энг қадимги масканлари каби боқийдир. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев уқтирганидек: "2700 йилдан зиёд тарихга, қадимий маданият ва цивилизация дурдоналарига эга бўлган Қашқадарё замини бизга Яратганинг марҳамати билан ато этилган бебаҳо ва буюк заминдир. Бу воҳада қадимда Нахшаб, Насаф, Кеш деган буюк шаҳарлар бўлгани, шундай тахаллуслар билан диний ва дунёвий илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз ҳақида соатлаб гапириш мумкин.



Хусусан, Абу Туроб Нахшабий, Нажмиддин Насафий, Сайидо Насафий, Абу Муҳаммад Кеший каби алломалар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

Қашқадарёнинг шонли тарихи ҳақида гап кетганида, ҳеч шубҳасиз, аввало буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизни ёдга оламиз" (Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. Б. 308-309).

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини энг қутлуғ маскан ҳисобланади. Жаҳон маданияти атоқли намояндаларининг зуваласи ҳам ана шу тупроқдан олинган. Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу масканда вояга етишган. Аммо бу юртни бутун жаҳонга машҳур қилган, донгини таратган Соҳибқирон Амир Темур ҳисобланади.

Демакки, кўҳна ва табаррук Кеш-Шаҳрисабз замини ҳам энг қутлуғ маскан бўлиб, жаҳон маданиятига кўплаб буюк намояндаларни етказиб берган. Аввало бу юртни бутун жаҳонга танитган беназир зот Амир Темур (1436-1405) бобокалонимиздир. Муаррих Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" асарида ёзганидек: "Ва Кеш вилояти тавобиъи биланким, қадимдан ҳазрат соҳибқирон ота-атоларида эрди" (Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома.-Т.: "Шарқ", 1997. Б.19).

Ренессанс - Уйғониш даврининг иккинчи босқичи (XIV- XVI асрлар)-Темурийлар Ренессансига асос солган Амир Темур ҳазратлари доимо олиму мутафаккирларга раҳнамолик қилган. Бу ҳақда муаррихлар Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг "Зафарнома"ларида, Ҳофиз Абрўнинг "География", "Зубдат ат- таворих Бойсунқурий", Фасиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг "Мужмали Фасиҳий", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий, Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал- мақдур фи тарихи Таймур" асарларида, Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо "Кундалик"ларида бой маълумотлар мавжуд.

Соҳибқирон салтанатида доимо алломалар эъзозланган, буюк ҳукмдорлар билан маслаҳатлашган. Жумладан, Саъдуддин Тафтазоний, Сайид Шариф Муҳаммад ал-Журжоний, Мавлоно Табризий, Қозизода Румий, Мавлоно Аҳмад, Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазарий, Муҳаммад аз-Зоҳид Ал-Бухорий, Хожа Абдулмалик Самарқандий, Тожуддин ас-Салмоний, Мавлоно Убайд, Мавлоно Абдижаббор, Аҳмад Кирмоний, Низомиддин Шомий, Гиёсиддин Али, Шарафуддин Али Яздий, Ҳофиз Абрў, Ибн Халдун, Ҳофиз Шерозий ва бошқа кўплаб таниқли олимларни ўз ҳимоясига олган ва қўллаб-қувватлаган. Масалан, 1403 йилда Озарбайжондаги Бойлақонда олимлар билан кенгаш ўтказиб, маслаҳатлашган. Амир Темур бобокалонимиз доимо ўз ўғитларида "Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар", нақлига амал қилган.



Исломият даврида илм-фан маркази сифатида "Қуббатул илм ва-л адаб" ("Илм ва адаб гумбази") деган юксак мақомга эга бўлган Кеш-Шаҳрисабз-ни Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган ота юрти сифатида эъзозланган ва шаҳарда кенг қамровли бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Буни ўз кўзи билан кўрган элчи Клавихо ўз "Кундалиги"да муфассал баён этган.

Соҳибқирон фармони билан маҳобатли Оқсарой мажмуаси 20 йил мобайнида қурилган. Шунингдек, шаҳарда отаси Амир Тарағай, тўнғич ўғли Жаҳонгир мирзо қабри устига мақбаралар қурдирган ҳамда ўзи учун хилхона бунёд эттирган. Шайх Шамсуддин Кулол Шаҳрисабздаги энг ҳурматли авлиё бўлиб, Темурбеклар хонадонига жуда яқин киши эди. У отаси Тарағайбекнинг ҳам пири ҳисобланган. Темурбекка Қуръондан кўриб, исм қўйган.

Соҳибқироннинг эътирофича, у ёшлигидан авлиёнинг насиҳатларини олган, салтанатда эришган зафарларига пири туфайли эришган. Шу боисдан Темурбек ҳукмдор бўлгач, пири руҳини ҳурмат қилиб, унинг қабри устига гумбазли мақбарани бунёд эттирган, 1374 йилда отаси Амир Тарағайни қабрини ҳам пири ёнига кўчиртириб, Дор ут-тиловат мажмуасини қурган. Шунингдек, шаҳарда иккинчи меъморий мажмуа- Дор ус - сиёдат ҳам шаклланган.

Муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Кеш -Шаҳрисабз шаҳрида пайгамбарлар, муҳаддислар жуда кўп бўлган. Булар орасида Ҳазрати Имом сифати билан элга танилган Ибн Наср ал-Кеший (ваф. 865 йил) шаҳарнинг жануби-шарқий томонига дафн этилган ва бу хонақоҳ Ҳазрати Имом номи билан аталади.

Муаррих Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"сининг "Соҳибқирон саодатманд Кеш қалъасини солиб, Оқсарой иморатини буюргони" фаслида Кешдаги уч имом ва алломаларни, Кеш шаҳрини тавсифлаган ҳамда Оқсарой мажмуаси қурилиши ҳақида маълумот берган. Кешни "Қуббатул илм вал адаб" (Илм ва адаб гумбази) шаҳри деб атаган. Мазкур асарда Кешда уч нафар аллома: Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн Наср ибн Ҳумайд ал-Кеший(ваф.803), Абу Абдуллоҳ ибн -Абдураҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий (797-869) ва Абу Абдуллоҳ ибн-Исмоил ал -Бухорий(810-875) кабилар яшаганлигини ёзган. Абул Ҳусайн Муслим ибн ибн Ибн Ҳажжож ал-Қушайтирий Кешга келиб Абдураҳмон ибн Ҳумайд ал-Кешийдан сабоқ олганлиги ҳам қайд этилган. (Шарафуддин Али Яздий Зафарнома-Т.,1997. Б.87-89.

Азалдан Кеш шаҳри ва воҳасида кўплаб алломалар умр-гузаронлик қилган. Мавжуд манбаларга таянган ҳолда Кешлик алломалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин: Абу Наср ал-Фатҳ Шаҳриф ибн Довуд ал-Киссий, Усмон ибн Абдураҳмон ибн Наср ас-Сайрафий ал-Кеший, Довуд ибн Юнус ибн Исмоил ас-Киссий, Абу Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ал-Киссий, Абу ибн Яҳё ал-Киссий (ал-Кеший), Наср ал-Киссий ал-Қурайший, Абн Ҳасан



Қуддусиа Сирруҳ, Аҳмад ибн Мусо ал-Кеший, Абу Шакур Солимиий Кеший, Шамсуддин Муҳаммад ал-Ҳаким Кеший, Амир Хусрав Деҳлавий, Султон Саййид Аҳмад Вали - Ҳазрати Башир, Хўжа Абулбарака (Фироқий), Айюб Шаҳрисабзий бин Абулбарака, Мавлоно Сойилий, Лозимий Кеший, Нажми Кеший, Мирзо Голиб, Мавлоно Хожаги Имганай, Ҳаким Шаҳрисабзий, Мир Табиб, Мирзо Абулқодир Бедил, Дўстмуҳаммад ал - Кеший, Мулла Қурбон Хиромий, Фарах Шаҳрисабзий, Жўнайдила Ҳозиқ, Муштоқ Шаҳрисабзий, Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий, Абдулла Раҳмон Гулшаний, Файзуллаҳўжа Равнақий, Исмоилхон Фақирий, Шаҳрисабзий, Нажмиддинхон Асирий (Нажотий), Салоҳиддин Маннон ўғли (Салоҳий) ва бошқалар.

КЕШ ДИПЛОМАТЛАРИ. Ҳожи Муҳаммад ал-Кеший, Мавлоно Жалолдин Кеший, Мавлоно Абдуллоҳ Кеший.

КЕШ ХАТТОТЛАРИ. Мирзо Юнус Шаҳрисабзий, Иброҳим девона, Бобобек Иштибор (домла Бобобек), Мирзо Абдулваҳҳоб, Имомуддин Шаҳрисабзий, Ёрмуҳаммад қори Шаҳрисабзий, Эргаш девонаи Кеший, Зиёвуддин ал-Кеший, Муҳаммад Латиф Кеший, Абдумалик Шаҳрисабзий, Раҳматулло Физзолийи Кеший, Мирзо Абдулқодир Кеший, Муҳаммад Шералибек Шаҳрисабзий, Муҳаммад Обод Шаҳрисабзий Абдулғафур Шаҳрисабзий, Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзий, Абуллабек котиб, Муҳаммад Латиф ва бошқалар.


Хуллас, жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган, буюк Амир Темур таваллуд топган юрт - Кеш-Шаҳрисабз шаҳри ва воҳаси Соҳибқирон ва ворислари даврида ниҳоят гуллаб яшнаган, илм-фан ривожланган ва кўплаб алломалар етишиб чиқиб, дунё фанига муносиб ҳиссаларини қўшишган.





XOTIRA AZIZ, QADR ABADIY

ASRIMIZNING BUYUK SIYMOSI



**Поён РАВШАНОВ,
ҚарДУ профессори.**

Мамлакатни, халқни йўлбошчисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Миллат саркори билимли, донишманд, узоқни кўра биладиган, адолатли ва мустаҳкам иродали бўлган тақдирда, нуфус тинч ҳаёт кечиради, давлат ҳар томонлама юксалиш йўлидан боради.

Буюк Алишер Навоий вақтида "адолатли подшоҳ ҳақдин халойиққа кўрсатилган марҳаматдир, мамлакат учун тинчилик ва фаровонлик сабабидир" деб

кўрсатган эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўтган асрнинг 90-йилларида мазлум, Оқ ва Қизил салтанатларлар исканжасида, қарийб бир ярим аср мобайнида мустамлака истибодидида келган ўзбек халқи ва Ўзбекистон учун чинакамга Аллоҳ таолонинг марҳамати бўлган эди. XX асрнинг 80-90 йиллари собиқ СССР-қурама давлатнинг сўнгги ўн йиллиги бўлиб, сиёсий ва ижтимоий ҳаёт тамомила издан чиққан қалтис бир давр эди. Илғор зиёлилар, ватанпарвар олимлар, шоирлар, адиблар Қизил империяга, гегемон коммунистик партиёга ошкора қарши чиқишларни бошлаб юборган эди. Куч билан тутиб турилган мустамлакалар-республикалар учун асрлар давомидида орзу қилинган мустақиллик ҳаётий ҳақиқатга айлана бошлаганди.

Табиийки, чўкаётган киши хасга ёпишгани каби, зулм салтанати ҳам сўнгги нафасига қадар тарих тақазо этган бу тарихий жараённи тўхтатиб қолишга уринди. Қонлар тўкилди, тўқнашувлар бўлди, аммо, марказдан ажралиб йўлни ҳурликка бурган локомативларни тўхтатиб қолиш имконсиз эди.

Мустақилликка эришиш собиқ иттифоқдош республикалар учун осон кечмади. Айниқса, Марказий Осиёда жойлашган, эндигина озодлик байроғини кўтарган давлатлар учун сиёсий ва иқтисодий, ҳарбий танглик жуда оғир асорат манбаи бўлиб қолган эди. Ўзбекистонда ҳам фитналар, этник тўқнашувлар мустасно бўлмаган, уни уюштирган кучлар юрт сарҳадидан ташқарида эди.

Ислом Абдуғаниевич 1989 йилнинг июнида Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби вазифасига сайланган эди. У, мустамлака Ўзбекистонни 2 йил-у 2 ой бошқарди. Ислом Абдуғаниевич жаҳонда ўз қадимий туркий давлатчилигини тиклаган мустақил Ўзбекис-



тон Республикасини 25 йил, Биринчи Президент сифатида чорак аср олдинга етаклади.

Ислом Абдуғаниевич раҳбарлик ва сиёсий фаолиятига ялпи назар ташланганда, унинг юқорида зикр этилган икки даврдаги саъй-ҳаракатлари, тутуми уйғунлигини, бир-бирини тўлдиришни ҳис этиш қийин эмас.

Мен, бу изчилликнинг сабабиятини бевосита Ислом Абдуғаниевичнинг Қашқадарё вилоятида 1986–1989 йилларда биринчи раҳбар бўлиб ишлаш тажрибалари билан боғлиқликда кўраман.

Мустабид тузумга қарши руҳда бўлган илғор зиёлилар, олимлар, шоирлар, адиблар дедик. 80 йилларда, Совет давлати ўтказган охириги қатағон "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" таҳдид мавсумида бу сиёсатдан норози бўлган, унга қарши тик борган илғор раҳбарлар ҳам бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Республика Давлат план қўмитасининг раиси Ислом Каримов шу мундарижанинг бошида турар эди. Қишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачиликда йиллар давомида эскирган технология билан Марказ юқорига осиб қўйган режаларни бажариш имконсизлигини, янги техника олиб кириш-ислоҳ таклифи Ислом Абдуғаниевич Каримовни оппозициячига чиқариб қўяди. Натижада, у, ўз таъбири билан айтганда "Қашқадарёга сургун қилинади.

Қашқадарё вилояти 80-йиллар бошидан "Салбий ҳолатлар" ўчоғи сифатида "Пахта иши" нинг эпицентрига сунъий равишда айлантирилганди. 1983 йилда, аввал колхоз ва совхозларнинг аграномлари, раис ва директорлари, пахта пунктлари ва заводлар муҳандислари, раҳбарлари, пахта қабул қилувчилари, сўнгра эса ритмик равишда ижроия қўмиталари, партия қўмиталари раис ва биринчи котиблари партиядан чиқарилди, қамоқларга тик қилди. Москвадаги Бутирка турмасида республика, вилоят миқёсидаги раҳбарлар қамоқ азобини тортдилар. Қашқадарёдан шу даврда 700 нафар катта-кичик раҳбар ишдан олинди, ўн минг нафарга яқин киши "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" нинг жабрини тортди.

Қашқадарёда одамларни руҳи бутунлай тушиб кетган эди. 1984–1986 йиллар яъни 3 йил давомида пахтачи деҳқонлар давлатдан бир тийин ҳам маош ололмаганди. Сабаби, давлат режаси уч йил давомида 600 минг тоннадан 300–350 тонна даражасига тушиб қолган эди. Уч йил давомида вилоят давлатдан 700 минг тонна пахта хомашёси қарздор бўлиб қолган эди.

Қашқадарё шу йилларда қатағон ҳукми остида қолган эди. Қишлоқ хўжалигининг илм-фан ютуқларидан ортда қолганлиги, Марказ талабининг эса, йил сари ошиб борганлиги, режаларни бажариш амалда мумкин эмаслиги ишда сунъий нуқсонларни келтириб чиқарган эди. Қўшиб ёзиш аслида Марказнинг реал шароитини ҳисобга олмаслиги туғдирган иллат эди. Ўрмонга ўт қўйилса ҳўлу қуруқ баробар ёнади. Шундай вазиятда қишлоқ хўжалигига илғор техникани жорий этиш истагида бўлган Ислом Абдуғаниевич Қашқадарё вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби қилиб юборилди.



XOTIRA AZIZ, QADR ABADIY

Бу воқеа 1986 йилнинг 27 декабри куни бўлади. Ислом Абдуганиевич Давлат режа қўмитасининг раиси сифатида Қашқадарёдаги аҳволни умумий тарзда биларди. Шароит яхши бўлиши мумкин, бироқ кишиларнинг кайфиятини кўтармай, эртанги кунга ишончни мустаҳкамламай туриб, қандай раҳбар бўлсин, бирор натижага эриша олмайди. Ислом Абдуганиевич ўзидан олдинги вилоят раҳбарини яхши танирди. Сурхондарёда яхшигина обрў қозongan киши эди. Афсуски, Қашқадарёга келиб ишлари юришмади, қолоқлик оқибатлари чуқурлаша бошлади. Уни ҳам шу қисмат ошкора қаршилаётган эди. У бунгача амалиётчи бўлмаган, кабинет, ҳисоб-китоб назарий раҳбарликда пишиган эди. Вилоят, уни бошқариш, икки миллион нафардан ортиқ аҳолини мамнун этиш жавобгарлиги масъулияти жуда залворли эди.

Вилоятни бошқариш-элнинг кўнглини олиш эканлигини у теран ҳис қилган эди. Биринчи котиб бўлган куни ярим тунда Нишон туманидаги 6-совхоз директори Ҳайитмурод Фармонов билан суҳбатлашди. Ҳ.Фармонов шу йили вилоятда ягона режани бажарган хўжалик раҳбари эди. Санаториядан 27 декабрь куни қайтган Ҳайитмурод Фармонов Обком биносида, 4-қаватда янги котиб билан бафуржа гаплашди, унинг саволарига жавоб берди. Саволларнинг биринчиси, "Нима қилсам, аҳоли билан тил топиша оламан?" деган жумлалар бўлган эди. Ҳ.Фармонов, "Ислом Абдуганиевич, кечирасиз кейинги раҳбарлардан халқ безиб қолди, улар "ҳормабор бўл" ўрнига қамайман, кунингни кўрсатаман дейишдан нарига ўтмади. Одамларни кўрқитиш билан ишлашмоқчи бўлдилар, Қашқадарёга бу кетмайди. Элнинг ичига кираман, уларни одам ўрнида кўраман, деган раҳбар, бундай йўл тутмайди. Сиз, масалан, кўп-кўп юрасиз, қишлоқлардан ўтасиз. Элчиликда тўй ҳам бўлади, таъзия ҳам. Мабодо, йўлингиздан бир майитни олиб ўтиб қолсалар, машинадан тушиб, тўққиз қадам майитни кўтаришиб борсангиз, одамлар сизни танийдилар, ҳурмат қиладилар, деган жавобни беради.

Ислом Абдуганиевич тўғри йўлни танлаган эди. Ўзидан олдинги котиб "бугун бунча одам қамоққа олинди", деб керилган бўлса, Ислом Абдуганиевич қишлоқларда, туманларда, фаоллар кенгашларида "Қашқадарё менинг юртим, қашқадарёликлар менинг жигарларим, сизларни яхши кўраман, деб жуда самимият билан айтарди. Бундан қашқадарёликларининг бағри тоғдай кўтарилиб унга, ўзларининг эртанги кунига қаттиқ ишондилар.

Айниқса, Гдьян ва Ивановлар томонидан ноҳақ айбдор қилинган, қамалган собиқ раислар, аграномлар, бригадирлар, директорлар уйларига бориш, жабрдийда оилаларидан хабар олиш биринчи котибнинг обрўсини ошириб юборган эди. Унинг ортидан Қашқадарё вилоятининг нуфуси яқдиллик билан эргашган эди. Муболаға эмас иш бошлангандан 6 ой ўтиб, чўкиб қолган Қашқадарё ўзини ўнглаш йўлига кирган эди. "Режалар бажарилмайди" Ислом Каримов фаолиятига чек қўямиз", деб ўйлаган Республика раҳбарлари қаттиқ янгилишишди. Шунда, ноқулай, аммо билимдан сўзининг устидан чиқадиган, элда ҳурмати баланд бўлган вилоят раҳ-



баридан қутулишининг яна бир йўли ўйлаб топилади. Бу "Бош схема" асосида Бухоро вилоятига Қашқадарёни қўшиб юбориш ва вилоят бошқарувини шу йўл билан тугатиш айёрона режаси эди. Ислом Абдуганиевич бу пайтдатаътилда эди. Хабарни эшитиши билан, бу машъум режанинг асосизлигини далиловчи ҳужжатлар билан Москвага йўл олади. Далиллар ўжар бўлади. Тарихий тажриба 1920 йилдан 1989 йилга қадар Қашқадарё вилоятини неча бор Бухорога қўшиб, округга айлантириб, Сурхондарё таркибига киритиб, яна тиклаб, бекордан-бекорга давлат сармояси исроф қилинганлиги, аҳолининг сарсончилиги, бошқарувнинг заифлигини далолат этган эди. Марказ буни инобатга олишга мажбур бўлади.

Ислом Абдуганиевичнинг билими ўша пайтда Марказни ҳайратга солган эди. Юзлаб далилларни келтириш, қиёслаш, фойда ва зарар таҳлили, вилоят котибнинг журъатлиги, ўз фикрига эга эканлиги унинг буюклик кўприги сари йўли очади. Кўп ўтмасдан, Ислом Абдуганиевич номзодини Ўзбекистон партия марказий қўмитаси биринчи котиблигига мақбул кўрадилар.

Бошқа айтилгани сингари, Ислом Абдуганиевичнинг Биринчи котиб ва Биринчи Президент сифатидаги 27 йиллик раҳбарлик фаолияти Ўзбекистон тарихида бутун бошли бир давр ҳисобланади. Мен Ислом Абдуганиевич билан республика партия марказқўми биринчи котиблигига номзоди ўтган бир пайтда, Қаршида, 1989 йилнинг 14 апрелида учрашганман. Бу ҳақда "Қашқадарё" истиқлол арафасида. 1986-1989" китобимда батафсил ёзганман. Шу учрашувда, яна кейин ҳам, у киши. "Мен ҳам сиз каби ватанпарварман, юртимизни озод кўришни хоҳлайман. Ватан озодлигига Кавказ республикалари каби қон тўкиш йўлидан эмас, Болтиқбўйи республикалари каби дипломатия, тинчлик йўли билан эришишни маъқуллайман" деган эди.

1991 йил июнидан кейин воқеалар ривожини айнан шундай бўлди, Ислом Абдуганиевич яқин келажакни кўра билган, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин бўладиган тажовузларни ҳисобга олгани ҳолда, бутунлай пахтачилик хомашёси базасига ихтисослаштирилган давлатни боқимандачилик асоратидан қутқаришни асосий вазифа деб билган эди. Боқимандачиликдан қутулиш, ўз иқтисодиётини йўлга қўйиш назарияси ва амалиёти эса, Қашқадарёда тажрибадан ўтган эди.

Ислом Абдуганиевичнинг мустахлак республика партия марказқўми Биринчи котиби ва мустақил, ҳур Ўзбекистон давлатининг Биринчи Президенти сифатидаги сиёсий фаолияти уйғунлиги, мутаносиблиги ва бардавомлиги омиллари изчиллиги, келтирилган сабаблар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўттиз йиллик улкан, масъулиятли Ислом Абдуганиевич Каримовни жаҳон давлатлари бошлиқлари орасида алоҳида ўрин эгаллашида, халқнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлишида муҳим аҳамият касб этди.

Ислом Абдуганиевич Каримов асримизнинг унутилмас, улуғ сиймоси, буюк инсонидир.



XOTIRA AZIZ, QADR ABADIY

QONUN - USTUVOR, ADOLAT TANTANASI - MUQARRAR

Гулом МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист.

Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Ушбу ташаббусларнинг замирида **"Жаҳолатга қарши - маърифат"** шiori ўз мужассамини топган.

Давлат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган **"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"**¹ доирасида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан дин ва эътиқодлар эркинлигини таъминлаш борасида самарадор илоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **"Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича мустақил сиёсатини қатъий давом эттирмоқда ва бу сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда"**².

Эл-юртимизга дохил бу инсонпарвар сиёсатнинг ҳаётбахш шабадаларидан яқинда бизнинг оиламиз ҳам хушбахт баҳра олди. Яъни, XX асрнинг 37-50-йилларидаги катта қатагон қурбони бўлган бобом Мирза Тўлаев (ҳужжатларда - Тулляев) ва отам Абдирайим Мирзаевга нисбатан адолат тикланди, ҳақиқат қарор топди.

Гап шундаки, 1905 йили Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Хушвақт қишлоғида туғилган ва 1985 йили шу ерда вафот этган бувам Мирза Тўлаев қишлоқ масжидида имомлик қилгани боис, шу манзилда 1928 йили туғилган ва 2008 йили вафот этган отам Абдирайим Мирзаев эса диндорнинг боласи бўлгани туфайли 70 йил муқаддам ҳар иккисининг шаънига "халқ душмани" деган аёвсиз тамға босилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди кассация инстанциясининг 2019 йил 30 апрелдаги ажримида, жумладан, шундай дейилган: **"Туркистон**

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи/ Халқ сўзи. 2019 йил 1 сентябрь.



Ҳарбий округи Самарқанд гарнизони ҳарбий трибуналининг 1949 йил 9 декабрдаги М.Тулляев ва А.Мирзаевларга нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилинсин. Тулляев Мирза ва Мирзаев Абдирайимларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилсин. М.Тулляев ва А.Мирзаевлар айбсиз деб топилиб, оқлансин".

Аслида, нима бўлган эди? Рус заминида содир этилган 1917 йилги октябрь тўнтаришининг кўланкаси юртимиз осмонига ҳам соя солган даврларда Мирза бувам эндигина бир мучал ёшига етган зукко йигитча бўлган. Қишлоғимиз масжидида сабоқ чиқарган.

Орадан кўп ўтмай, бувамга диний сабоқ берган қишлоғимиз масжидининг имоми Ҳосил махсум (баъзи манбаларда - Ҳол махсум, қишлоғимизга Бешкентдан кўчиб келган) сургун қилиниб, масжид эшигига қулф урилади. Мирза бувам 20 ёшнинг нари-берисида - отамерос мол-мулксиз, янада ачинарлиси, отаси ва йўлбошловчи устозларисиз - навқирон ҳаётнинг аламли чорраҳасида танҳоланиб қолади.

Сўнгра Мирза бувамга Яратгандан илоҳий насиба тегиб, теварак-атрофлардаги мазорларда, авлиёлар зиёратгоҳларида яшаб юради. Кейинчалик қишлоғимиз яқинидаги "Патта" қабристонини масжидида хизмат қилади. Масжид ёнидаги яланг ерларни ўзлаштириб, миришкорлик, бутунги давр тилида айтганда, "фермерлик" билан шуғулланади.

Бувам деҳқончилик қилиб етиштирган дон ҳамда полиз маҳсулотлари ҳисобига нафақат рўзгорини тебратган, балки ночор аҳволдаги қишлоқдошларимизга ҳам саховат қўлини чўзган. Натижада одамларда колхоз тузумидан кўра яқка деҳқончилик афзал, деган фикр қайта шакллана бошлаган. Бувамнинг шўролар олдидаги бор айби шу бўлган, назаримда.

Аммо бувамни колхоз етиштирган галлани ўғирлаб, масжид ҳужрасига яширганликда айблашади. Большевойлар қишлоқ фаоллари иштирокида ўтказган текширувда бу тухмат тасдиғини топмайди. Текшириш натижасида Мирза бувам бугдой эккан пайкал ўлчами билан бу ердан олиниши мумкин бўлган ҳосил миқдори бир-бирига мос келади.

Шундан сўнг колхозга омбор қуришда гиштларидан фойдаланиш баҳонасида "Патта" қабристонини масжиди бузиб юборилган. Ўша қабоҳатга гувоҳ бўлган қишлоғимиз қариялари: "Масжид гиштларини ташиб кетишга бешта от-арава билан келишганди, лекин беш дона ҳам бутун гишт чиқмади. Бу қилмиш ўшанда Худога ёқмаган", деб ҳозиргача эслашади.

Мирза бувам 1927 йили Майрам (Мариям) момомга уйланади. Ушбу никоҳдан 1928 йили отам туғилган. Бувам энди Хушвақт қишлоғидаги қаровсиз қолган масжидни 1937 йили қайтадан очган ва обод қилишга интилган. Қарши, Бухоро ва Самарқанддан харид қилиб, шу ерда тўплаган диний-маърифий китобларини шўро вакиллари бир неча бор ёқиб юборган.

Мирза бувам бетоблиги пайтида, 1949 йил июнь ойида колхозчилар рўйхатидан ўчирилиб, томорқаси ва уй-жойининг бир қисми жазо сифа-



XOTIRA AZIZ, QADR ABADIY

тида колхозга тортиб олинган. Колхозга аъзолик учун топширган мол-мулки ҳам қайтарилмаган. Ўша йилнинг 3 сентябрида Мирза бувам ҳибсга олиниб, аксилнқилобий тарғибот ва ташвиқот олиб боришда айбланган.

Ҳибс қилгани келганлар масжиддаги бир қоп ноёб китобларини хачирга ортиб кетишган. Жиноят иши ҳужжатларида "47 та китоб мусодара қилингани" ҳақида маълумотлар қайд этилгани буни тасдиқлайди.

Яқинда бувамнинг шахсий кутубхонасидан қолган энг охирги китобни арабча имлодан ўзбекчага ўгириб, ўқишга муваффақ бўлдим. Қозонда 1904 йили чоп этилган ушбу китоб "Ахлоқ рисоласи" деб номланган бўлиб, татар маърифатпарвар уламси Қаюм Носирий (Абдулқайюм мулла Абдуносир ўғли) қаламига мансуб экан. Китоб болаларга ёвуз хулқдан сақланиб, эзгу хулқ эгаси бўлиш учун ота-она насиҳати сифатида ёзилган.

Бу китоб, аслида, собиқ совет тузуми учун ҳеч қандай зиёнли бўлмаган, ҳатто бугун ҳам мактабларимиз учун жуда зарур мавзудаги дарслиқдир. Китоб муаллифи Қаюм Носирий ислом дини моҳиятини ҳам, халқлар бирдамлигининг аҳамиятини ҳам баробар улуғлаган йирик зиёлилардан ҳисобланади.

Тарих китобларида Қаюм Носирийнинг номи кўплаб маърифатпарварларнинг устози сифатида алоҳида қайд этилган. Ҳозирги кунда Россияда, Қозон шаҳрида Қаюм Носирийнинг муҳташам уй-музеи ишлаб турибди. Татар маърифатпарварининг айнан Татаристонда чоп этилган китобларини ўқиган бобом эса миллатчиликда айбланган.

Бувам қарийб бир ойлик шафқатсиз терговлар давомида бу айбларни бўйнига олмайди. Шунда янада бешафқат йўл тугилади. Яъни, 1949 йил 1 октябрда отам ҳам ҳибс қилинади. Ўрта табақага мансуб мусулмон руҳонийсининг ўғли сифатида қўлга олинган отамга ва бувамга "дезертирлик" (қочоқлик) айби ҳам қўйилади.

Бунга қадар ота-боланинг иккиси ҳам армияга чақирилмаган. Бувам одатдагидек масжидда, отам эса колхоз даласида ҳибсга олинган. Демакки, ўзлари юборилмаган "ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетишлари, дезертирлик қилишлари" учун уларда имкониятнинг ўзи мавжуд бўлмаган.

Аксинча, шўролар тузуми Мирза бувамнинг отамерос ер-мулкени тортиб олиб, ўзини "қулоқ" қилганидан кейин ҳам бувам ва отамга "ишончсиз элемент" сифатида қарашда давом этган. Бувам ҳатто урушга чақирилмаган. Бу ҳолат бувамнинг диний уламо бўлгани билан ҳам боғлиқдир, балким. Масжид имомининг ёлғиз ўғли совет мактабида тўлақонли таълим олишига атайин панжа орасидан қаралган. Оқибатда отам 7 синфлик маълумот билан қолиб кетган.

Бувам отамни совет армиясига чақирилишидан беркитишга уринмаган, балки ҳатто ўғлининг колхоз ишига жалб этилишига ҳам рози бўлган. Отам кун бўйи колхоз даласида меҳнат қилган, кечқурун томорқада ишлаган. Уруш даврида фронтни галла, мева-чева, полиз маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшган.



Бувам имомлик қилган масжид қишлоқнинг ўртасида, гавжум жойда, ҳамиша эшиклари очиқ бўлган. Шунинг учун бувам гўёки отамни "армиядан қочириб, масжидга яширгани" ҳақидаги даъво ўта мантиқсиздир. Отам ҳам совет армияси чақирувидан ҳеч қачон, тергов ҳужжатларида қайд этилганидек, "фаол беркинмаган".

Отам ҳибсга олинган пайтида ўзи туғилган ва яшаб турган Хушвақт қишлоғининг колхозга қарашли даласида ишлаган, бригадир (айрим ҳужжатларда – звено бошлиғи) бўлган. Онамнинг эслашича, отамни колхоз ғаллазориди дон созуриб турган жойидан олиб кетишган. Иш қуроллари ва олача тўнини колхозчилар кейин уйимизга келтириб беришган.

Бувам 1949 йил 3 сентябрда, отам эса 1 октябрда ҳибсга олинган. Отам ўз отаси ҳибсга олинганидан кейинги салкам бир ой ичида ҳам қаергадир қочиб кетишни ҳатто хаёлига келтирмаган ва колхознинг ишларини бажариб юраверган. Отамнинг ҳибсга олиниши тўғрисидаги қарор чиққан ва отам қўлга олинган сана айнан бир хил.

Шу оддий далил ҳам отамнинг ҳеч қачон, ҳеч кимдан ва ҳеч қаерга қочмаганини кўрсатади. Отамда, одатда, ўша даврда дезертирлик қилган одамларда кузатилган ўз танасига жароҳат етказиш ҳолати аниқланмаган. Бу ҳам отамнинг совет армиясига чақирилишдан қочмаганини тасдиқлайди.

Отам ана шу соғлом қўл-оёқлари билан қанчадан-қанча совет даври қурилишларига ўз ҳиссасини қўшган, каналлар қазган, пахта ва ғалла етиштирган. Ғўза кўсагидан чивиб олинган нам пахтани толага зиён етказмай қуритадиган ускуна ихтиро қилган. Колхознинг янги ўзлаштирилган ерларида пахта етиштирадиган илғор деҳқонларнинг олдинги сафида турган.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Шу тариқа собиқ тузум барҳам топиб, советларнинг ғайринсонийлик, динсизлик ва мустамлакачиликка таянган, инсон ҳуқуқларига зид сиёсат олиб боргани фош бўлди. Истиқлол туфайли эски тузум қурбонларига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилинган "Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги фармонида таъкидланганидек, "Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди".

Президенимиз Шавкат Мирзиёевнинг инсонпарвар сиёсати туфайли Ўзбекистонда инсон, жамият, давлат ҳаётида адолат тантанаси тобора усутувор аҳамият касб этмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган ташаббуси асосида 2018 йил декабрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилинди³.

³ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг А/RES/73/128-рақамли "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси // БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида қабул қилинган. 2018 йил 10 декабрь.



XOTIRA AZIZ, QADR ABADIY

Маърифатпарвар, имон-этиқодли инсонлар бўлгани учун бундан 70 йил олдин номлари қорага чиқарилган бувам ва отамнинг оқланишида ушбу муҳим халқаро ҳужжат ва Ўзбекистонда амал қилаётган адолатпарвар миллий сиёсатнинг руҳи ҳамда эзгу моҳиятидан, Конституция ва қонунларимиз талабларидан келиб чиқилгани шубҳасиздир.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди мазкур жиноят иши материалларини протест ва қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда қисқа муддатда, икки ҳафта ичида кўриб чиққани таҳсинга лойиқ эканини таъкидлаш лозим. Архивдаги ўша давр қонун ҳужжатлари ҳам атрофлича ўрганилиши натижасида суд ушбу жиноят иши юзасидан киритилган кассация протестини қаноатлантириш ҳамда оқлов ҳукми чиқариш учун бир нечта асосларга эга бўлди.

Ушбу асослар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг тегишли аж-римида ўз аксини топган. Шунингдек, суд мажлисига бевосита раислик қилган Ҳарбий суд раиси С.Эшонқуловнинг мақоласида ҳам бу ҳақда атрофлича сўз боради. Қуйида ушбу мақолада қайд этилган асослар тўғрисида кўчирма келтирамиз:

"Биринчидан, жиноят ишидаги айбловлар ўша даврдаги Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми, шунингдек, 14, 125-моддаси "г" банди билан нотўғри малакаланган.

Даставвал, 1949 йилнинг 3 сентябрида М.Тўлаев ҳибсга олиниб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми бўйича "советлар ҳокимиятини йиқитиш, қақшатиш ва заифлатишга ёки айрим контрреволюцион жиноятларни қилишга агитация ёки пропаганда юргизиш, шу мазмунда бўлган адабиётни тарқатиш ёки тайёрлаш ёхуд сақлаш"да айбланган. Аммо жиноят ишида М.Тўлаев мазкур жиноятни содир этгани далиллар билан тасдиқланмаган.

М.Тўлаев қарийб бир ойлик терговлар давомида бу айбни бўйнига олмагани бежиз эмас. У "контрреволюцион агитация ва пропаганда" каби атамани, яъни ўзига қўйилган айблов моҳиятини англаб етмаган бўлса ҳам, ноқонуний равишда ушбу жиноятни содир этганликда айбланган.

Ҳарбий трибунал ҳам айблов билан боғлиқ барча ҳолатларни текширмаган. Натижада М.Тўлаевни айбли деб топиш ҳақида асосиз хулосага келган.

Шундан сўнг ўрта табақага мансуб мусулмон уламосининг ўғли сифатида 1949 йил 1 октябрда ҳибсга олинган А.Мирзаевга ва отаси М.Тўлаевга ЎзССР Жиноят кодексининг 125-моддасига кўра, "рядовой ва кичик бошлиқлар составидаги шахснинг ўз ихтиёри билан икки соатгача давомликдаги отлучкада (яъни бирон жойга чиқиб кетган) бўлиши, биринчи марта қилинганда", "г" банди - "бир суткадан ошиқча чўзилган ўз ихтиёри билан қилинган отлучка дезертирлик деб танилади", деган нормалари асосида айблов қўйилган.

Ваҳоланки, А.Мирзаев совет армиясига хизматга чақирилмаган ва ҳарбий хизматчи бўлмаган. Шундай экан, унинг отаси М.Тўлаев ҳам ҳарбий



хизматчининг дезертирлик қилишига кўмаклашмаганлиги аниқланди.

Бироқ ўшанда А.Мирзаевнинг совет армиясига хизмат қилишдан бўйин товлагани ёки товламаганлиги дастлабки тергов органи ва суд томонидан текширилмаган. Бу борада бирон-бир етарли холис далиллар тўпланмаган.

ЎзССР Жиноят кодексининг 125-моддасини ўз ичига олган иккинчи боби "Ҳарбий жиноятлар" деб номланган. Ушбу бобнинг илк моддаси, яъни 121-моддада ишчи-деҳқон қизил армиясининг ҳарбий хизматчилари ва захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан уларнинг армия сафларида бўлган вақтларида ҳарбий интизомга зид келадиган ҳаракатларни содир этиши ҳарбий жиноятлар деб тушунилиши қайд этилган. Шу маънода, М.Тўлаев ва А.Мирзаевга қўйилган айбловлар ЎзССР Жиноят кодексининг 125-моддаси "г" банди билан нотўғри малакаланган.

Ўз навбатида, ЎзССР Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ, "Ҳар қандай жиноий ҳаракатни бажаришда бевосита қатнашган шахслар - жиноятни бажарувчилар деб саналадилар". М.Тўлаев ва А.Мирзаевга эълон қилинган айбловлар ўша даврдаги Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми, шунингдек, 125-моддаси "г" банди билан нотўғри малакаланганини айтдик. Демак, ҳар икки фуқаронинг 14-модда асосида жиноятни бажарувчилар деб саналиши ҳам қонунга хилофдир.

Иккинчидан, ҳарбий трибунал ҳукмида М.Тўлаев ва А.Мирзаевни ушбу жиноятларни содир қилганликда айбли деб топишда фақат уларнинг ўз айбларига иқрорлиги ҳақидаги кўрсатувлари ва гувоҳларнинг кўрсатувларигагина таянилган.

Хусусан, М.Тўлаев дастлаб унга эълон қилинган айбловларнинг биронтасини бўйнига олмаган. Лекин бир ой давом этган терговдан сўнг ўғли А.Мирзаев ҳам ҳибсга олинганидан хабардор бўлгач, уни ҳарбий хизматдан яшириб қолишга доир айбга иқрорлик билдирган. Шу билан ўғлини ноҳақликлардан сақлаб қолишга интилган.

А.Мирзаев отаси М.Тўлаевнинг тергови бўйича гувоҳ сифатида чақирилган пайтидаёқ барча айбларни ўз бўйнига олган. Кейинчалик ҳам буни инкор қилмаган.

Бунда А.Мирзаев, бир томондан, отасига имкон қадар енгил бўлишини, иккинчи томондан, боқувчиларсиз қолаётган икки оила тақдирини ўйлаган. Чунки А.Мирзаев ҳибсга олинганида рафиқаси 2 ёшли қизи ва 1 яшар ўғли билан, М.Тўлаев қамалганда эса аёли 2 нафар балоғатга етмаган боласи билан боқувчисиз қолган.

Аммо судда М.Тўлаев ва А.Мирзаевнинг ушбу иқрорлиги руҳий-маънавий тазйиқ туфайли экани инобатга олинмаган. Судланувчиларнинг ўз айбларига иқрорлиги мавжуд далиллар мажмуи билан асосланмаган.

Гувоҳлар берган кўрсатувларнинг ишончлилиги ҳам қўшимча далиллар тўплаш орқали текширилмаган. Иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган гувоҳлар доираси аниқланмаган. Шундай холис гувоҳларни чақириб сўроқ қилиш чоралари кўрилмаган.



XOTIRA AZIZ, QADR ABADIY

Ана шу омилардан ҳам яққол кўриниб турибдики, М.Тўлаев ва А.Мирзаев, аслида, ҳеч қандай жиноят содир этмаган бўлиб, улар сиёсий айбловлар билан қатагон қилинган. Оқибатда дину эътиқодида мустаҳкам турган М.Тўлаев - 10 йил, ўғли А.Мирзаев - 6 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган"⁴.

Ҳарбий суднинг ушбу тўлақонли асосларига қўшимча сифатида яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратмоқчимиз. Яъни, ўша давр сиёсий воқелигига бирров назар ташлаш ўринли, деб ўйлаймиз.

Тарихий манбалардан маълумки, немис фашистлари 1941 йили собиқ иттифоққа ҳужум бошлагач, истило этилган ҳудудлардаги ибодатхоналарда коммунистларга қарши тарғиботни йўлга қўйган. Асир олинган совет ҳарбийларидан, диний мансублигига қараб, насронийлар ва мусулмонлар батальонлари тузилган.

Сталинга эса бу урушда ғалаба керак бўлган ва бунинг учун у кўп нарсадан вақтинчалик воз кечишига тўғри келган. Ўшанда Маркс ва Ленин учун эмас, бошқа миллий мафкура учун халқни урушга кўтариш лозим деган гоё расман илгари сурилган. Шунинг учун собиқ совет халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқининг тарихий қаҳрамонларини ва миллий маданиятини эъзозлаш тадбирлари бошлаб юборилган.

Дин масаласида ҳам вақтинча эркинлик берилган. Хусусан, 1943 йили 20 октябрда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси таъсис этилган. Иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозониш учун Ўзбекистонда бир қанча масжидлар очилишига ижозат этилган.

Айрим маълумотларга қараганда, 1943 йили Тошкентнинг халқ орасида "Кўкча" номи билан машҳур бўлган "Шайх Зайниддин" масжидини тиклашга ҳам "марказ"дан рухсат берилган. Уруш тугагач эса, Ўзбекистонга собиқ иттифоқнинг қуроли вазирлик ва идоралари вакиллари ташкил топган комиссия йўлланиб, миллат фаоллари ва дин намояндалари орасидан "халқ душманлари"ни аниқлаб топишнинг навбатдаги қабиҳ жараёни бошлаб юборилган. Отам ва бобом ана шу қатагоннинг гирдобига тушиб қолган.

Академик Акмал Саидовнинг фикрича, ўша даврда миллионлаб кишилар судлов ва носудлов, янада аниқ қилиб айтганда, фавқулодда тартибда тузилган "тройка", "двойка", "особое совешание", "трибунал" каби ғайриконституциявий органлар томонидан турли жазоларга ҳукм этилган. "Бу борадаги фикримиз шуки, нафақат ана шу носудлов органлар чиқарган ҳукмлар, балки уларнинг ташкил этилгани ва фаолият юритганининг ўзи ҳам Конституцияга мутлақо хилоф бўлиб, бунда ҳатто ўша даврнинг ҳуқуқий ҳужжатларига-да таянилмаган"⁵, дейди таниқли ҳуқуқшунос олим.

Собиқ КПСС Марказий комитети сиёсий бюросининг 1988 йил 11 июлдаги "30-40-йиллар ва 50-йиллар бошида ноҳақ қатагон этилганларни ре-

¹ С.Эшонқулов. Ҳарбий трибуналнинг қатагон ҳукми 70 йилдан сўнг бекор қилинди / "Ватанпарвар" газетаси; uza.uz сайти, 2019 йил 31 май.

² А.Саидов. Етмиш йилда рўёбга чиққан адолат / "Куч - адолатда" газетаси, 2019 йил 17 май.



билитация қилиш билан боғлиқ ишларни якунига етказиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида собиқ иттифоқ Прокуратура-раси ва Давлат хавфсизлик комитети (КГБ) маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда қатагон қилинган кишиларнинг ишларини, уларнинг оқловга доир ариза ва шикоятлари тақдим этилмаган бўлса ҳам, кўриб чиқишни давом эттирган. Афсуски, бу жараён отам ва бобомнинг ишларини қамраб олмаган.

Собиқ иттифоқ Олий советининг 1989 йил 16 январдаги фармонида кўра 30-йилларда ва 50-йиллар бошида турли "тройка" ва "коллегия"лар носудлов йўли билан чиқарган қарорлар бекор қилиниб, мазкур органлар қатагонга дучор этган барча фуқаролар оқланган. Ватан хоинлари, жазо отрядлари вакиллари, нацист жиноятчилар, жиноят ишларини сохталаштириш билан шугулланган ходимлар, шунингдек, қотиллик содир этганлар бундан мустасно бўлган.

Аммо истисно этилган ана шу бешта жиноятнинг биттасини ҳам содир этмаганига қарамай, отам ва бобом яна реабилитациядан четда қолганлар.

Собиқ СССР президенти М.Горбачёв 1990 йил 13 августда имзолаган "1920-1950 йиллардаги сиёсий қатагонлар барча қурбонларининг ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида"ги фармон совет давлати сталинизм даврида қатагон қилинган фуқаролар олдида айбдор эканини узил-кесил тан олишнинг ўзига хос ифодаси бўлди.

Фармонга мувофиқ, 1920-1950 йилларда жамоалаштириш муносабати билан деҳқонларга, шунингдек, сиёсий, ижтимоий, миллий, диний ва бошқа шу каби турли сабаблар билан бошқа барча фуқароларга нисбатан қўлланилган қатагонлар гайриқонуний, асосий фуқаролик ҳуқуқларига ҳамда инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига зид экани тан олинган. Бироқ, бу оқлов жараёни ҳам ота-болани яна четлаб ўтган.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Шу тариқа собиқ тузум барҳам топиб, советларнинг гайринсонийлик, динсизлик ва мустамлакачиликка таянган, инсон ҳуқуқларига зид сиёсат олиб боргани фош бўлди. Истиқдол туфайли эски тузум қурбонларига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди.

А.Саидов қатагон қурбонлари бўлмиш отам ва бувамнинг реабилитация қилиниши ва номларини оқлаш учун етарли асослар мавжудлигига ҳам эътибор қаратган. Мана, ўша асослар:

"Биринчи асос - М.Тўлаев ва А.Мирзаев Ватанимизга хиёнат қилмаган, халқимизга қарши бормаган, миллатимиз манфаатларига зиён етказмаган, муқаддас динимизни иснодга қўймаган, шунингдек, одам ўлдирмаган, талончилик ёки босқинчилик қилмаган, инсон ҳуқуқларига тажовуз этмаган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам меҳнаткаш ва ҳалол, содда ва очиққўнгил, иродали ва эътиқодли инсонлар бўлган.

Иккинчи асос - М.Тўлаев ва А.Мирзаев бутун умр эл хизматида ва қишлоқдошларининг ҳурмат-эътиборида бўлган. Мирза бува умрининг



XOTIRA AZIZ, QADR ABADIY

охиригача (1985 йил) Хушвақт қишлоғида яшаб, чақалоқларнинг қулоғига азон айтган, майитларга жаноза ўқиган. Диний маърака-маросимларда Қуръон тиловат қилган. Ўғли Абдирайим бува эса қишлоқ тўйларида ош дамлаб, элнинг дуосини олган, моҳир ошпаз сифатида ном қозонган.

Учинчи асос - М.Тўлаев 1985 йилгача, ўғли А.Мирзаев 2008 йилгача Хушвақт қишлоғига муллалик қилган. Кейинги даврда бу вазифа билан диний идорадан қўйилган расмий вакил шуғуланмоқда.

Тўртинчи асос - Абдирайим буванинг беш нафар ўғли ҳам ҳарбий хизматни ўтаган. Бугун эса неваралари мустақил Ўзбекистон Қуроли Кучлари таркибида белгиланган тартибда ўз йигитлик бурчини ўтаб келмоқда. Оилада ҳарбий хизматдан бўйин товлаган ёки соғлиги бўйича лойиқ топилмаган йигитлар йўқ.

Бешинчи асос - Абдирайим буванинг 7 нафар фарзандидан бугунги кунда 35 невараси, 49 чевараси ва 5 нафар эвараси бор. Уларнинг 21 нафари олий маълумотга эга бўлиб, аксарияти инглиз тили бўйича етук мутахассислар ҳисобланади. Оиланинг ўнлаб вакиллари олий ўқув юртлири, мактабларда дарс беради.

Оила аъзолари орасида, шунингдек, бошланғич синф, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, жисмоний тарбия ўқитувчилари, иқтисодчи, агробиолог, молия-банк соҳаси мутахассислари, авиатехник ва журналистлар, хусусий ва қўшма корхоналар вакиллари, тадбиркорлар бор. Бир қатор навқирон сулола вакиллари мамлакатимиз ва хориждаги турли олий ўқув юртлирида таҳсил олмоқда.

Олтинчи асос - Мирза Тўлаев ва Абдирайим Мирзаевнинг маърифат-парварлиги ва китобсеварлиги оиладаги маърифий тарбияга катта ижобий таъсир кўрсатган. Натижада Гулом Мирзо, Роҳила Мирзаева, Шаҳзод Мажитов, Гўзал ва Малоҳат Ғайбуллаева, Рўёбжон Хушназаров, Моҳигул ва Дилдора Абдирахимова каби қаламкашлардан иборат "Мирзаевлар ижодий сулоласи" шаклланган.

Еттинчи асос - энг муҳими, давлат раҳбарининг инсонпарвар сиёсати туфайли Ўзбекистонда инсон ва жамият ҳаётида адолат тантанаси тобора устувор аҳамият касб этмоқда¹.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 37-50-йилларидаги қатағон қурбони бўлган ота-бувамга нисбатан адолат орадан 70 йил ўтиб ниҳоят қарор топди. Уларнинг жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди кассация инстанциясининг 2019 йил 30 апрелдаги очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди ва аниқ ажримга келинди.

Мирза бувам бу ёруғ оламни тарк этганидан сўнг 35 йил ўтиб ва отамиз - Абдирайим буванинг вафотига 11 йил тўлганда, уларнинг пок номлари оқланди. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган оқилона ва одилона сиёсат талаби шу: мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қиммати ва хотираси олий қадриятдир.

¹ А.Саидов. Етмиш йилда рўёбга чиққан адолат / "Куч - адолатда" газетаси, 2019 йил 17 май.



ВЗГЛЯДЫ ФАРАБИ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ МЫСЛИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Бегалинова К.К. – доктор философских наук, профессор кафедры религиоведения и культурологии КазНУ им. аль-Фараби (Казахстан)

Эргашева Ю.А. – доктор исторических наук, профессор, заведующая кафедрой Истории Узбекистана КарИЭИ

Ключевые слова: Фараби, восточная философия, теологические проблемы, гносеология, профетизм, трактат о взглядах жителей идеального города, центральноазиатские мыслители.

Значительный след в истории мировой науки и культуры оставил видный среднеазиатский философ, ученый-энциклопедист, один из основоположников аристотелизма на Ближнем и Среднем Востоке Фараби, с именем которого связаны высшие достижения восточной философии. Деятельность его приходится на время правления династии Караханидов (X-XII вв.). К этому времени могущество величественной державы – Арабского халифата постепенно падает, процессы распада халифата усиливаются и одновременно с этим укрепляется власть на перифериях. В этих государствах процессы феодализации всех сфер общества проходят особо интенсивно. Развиваются и укрепляются исламские институты. "Роль религии в жизни средневековых мусульманских народов была огромна, – пишет И.М. Фильштинский – Арабомусульманская империя, возглавляемая правителями, которые были не просто политическими, но прежде всего религиозными лидерами, с самого начала сложилась как госу-

дарство теократическое" [1].

Действительно, суфизм в тех условиях выступал одной из форм идеологической оппозиции к господствующей идеологии караханидского общества. Как справедливо пишет В. В. Бартольд, опираясь на средневековых авторов, "...источник говорит о гонении, которому подвергались в то время суфии в перешедшем под власть турок Мавераннахре" [2]. Безусловно, эта противоречивая эпоха наложила определенный отпечаток на творчество выдающихся центральноазиатских мыслителей, к числу которых относится и аль-Фараби.

Абу Наср Мухаммад ибн-Мухаммад ибн-Тархан ибн-Узлаг аль-Фараби (873-950 гг.) родился в округе Фараб (г. Васидж, расположенный при впадении реки Арысь в Сырдарью) в семье, принадлежавшей к высшим слоям тюркской воинской элиты. В пределах Фараба прошло его детство. Здесь с ранних лет он начал жадно интересоваться различными науками. Свободно владел тюркским, арабским, персидским языками. Стремление к удовлетво-



рению своих разносторонних научных и культурных запросов побуждает любознательного юного Фараби покинуть родные места и переехать в столицу Аббасидского Халифата г. Багдад, который был центром культурной и научной жизни халифата. Так начинается Багдадский период в жизни аль-Фараби, очень важный, в процессе которого сложилось его учение о человеке и мире, сформировался он сам как великий учёный и философ.

В Багдаде он интенсивно занимается изучением греческой философии, в частности аристотелевской, пишет свои первые научные трактаты на арабском и греческом языках, серьезно занимается изучением латыни, санскрита и других языков. Получив основательные знания, он переселяется в Сирию и примыкает к суфиям, которые впоследствии сыграют решающую роль в оформлении теоретической системы мыслителя.

Деятельность Фараби энциклопедична, она охватывает многогранный спектр проблем онтологического, натурфилософского, гносеологического, логического и т.д. характеров. Он оставил заметный след в развитии многих наук и является автором более ста шестидесяти научных трудов по различным отраслям знаний – философии, языкознанию, музыке, математике, астрономии, физике, ботанике, минералогии, географии, истории, медицине. Прежде всего Фараби интересовали теоретические основания различных наук, их философский смысл. Много времени Фараби уделял изучению языков и в этом достиг поразительных

результатов. В конце жизни он владел более чем семьюдесятью языками.

Фараби был глубоким знатоком эллинистической культуры. Его комментаторская работа охватывала почти все логические сочинения Аристотеля, его "Этику", "Риторику", "Поэтику", "Метафизику", философские труды Платона. Он также писал рецензии и комментарии на труды о движении небесных тел Птолемея, сочинения о психологии души Александра Афродизийского, на медицинские труды Галена и труды Эпикура, Зенона, Евклида, Порфирия. Комментарий Фараби к "Метафизике" Аристотеля помог Ибн Сине постичь мудрость этой книги. Часто это были не просто пояснения к античным текстам, а парафразы, позволявшие их автору выражать собственные идеи как бы "от имени" авторитетного античного ученого. Важным аспектом творчества Фараби является его историко-философский анализ античного наследия. Особый интерес представляет сопоставление учений Платона и Аристотеля, которым он хотел подчеркнуть не их различие, а скорее сходство, общность стремления к истине, познаваемой с разных сторон. За этот вклад в науку аль-Фараби признали "Вторым учителем" (после Аристотеля) и назвали "Аристотелем Востока".

Будучи средневековым мыслителем, Фараби не мог обойти стороной теологические проблемы, внести свой существенный вклад в разрешение некоторых из них, в особенности проблем, очерченных аш-Шахрастани в "Книге о рели-



гиях и сектах". Ими являются следующие проблемы: "Первое основоположение: божественные атрибуты и единобожие. Оно охватывает проблемы вечных качеств, разъяснение "качеств сущности" и "качеств действия" и того, что необходимо для Аллаха Всевышнего, что возможно в отношении него и что невозможно. Второе основоположение: предопределение и божественная справедливость. Оно охватывает проблемы непреложного приговора (Аллаха), предопределения, принуждения, казнь, желания добра и зла, предопределённого и известного... Третье основоположение: обещания, угроза плена, решения. Оно охватывает вопросы веры, покаяния, угрозы, отсрочивания, обвинения в неверии, в заблуждении, Четвёртое основоположение: откровение, разум, посланничество, имамат. Оно охватывает проблемы добродетели, злодеяния, добродетели. "наилучшего", божественной благодати, непогрешимости в пророчестве, условий имамата: божественное установление по мнению одних или единодушное решение общины по мнению других," [3]. При этом, как утверждают большинство исследователей, истоки теологических доктрин Фараби нужно искать в "Метафизике" Аристотеля. В учении Стагирита Фараби, прежде всего, привлекала его логика. Общеизвестно, что место и значение Фараби в истории арабоязычной философии и средневекового философского мышления в целом определяется тем, что именно он осуществил трансформацию философии Аристотеля, в дальнейшем

наложившим сущностный отпечаток на арабоязычный перипатетизм и воспринятую всеми последующими поколениями мусульманских философов. ",Фараби, воспроизводя учение Аристотеля о первых и вторых сущностях, - пишет Г. Б. Шаймухамбетова, - выражает полное согласие с ним относительно проблемы субстанции, хотя надлежит отметить большую ясность и систематичность, а также факт сохранения и актуализации аристотелевского понимания содержательного, объективного характера категорий в качестве важнейших философских понятий" [4]. В самом общем виде онтогносеология Фараби, зиждется на следующих фундаментальных аристотелевско-неоплатонических принципах: иерархичности в строении бытия и взаимозависимости всех ступеней этой иерархии при очевидном приоритете высшей ступени. Приведём в качестве примера одно из рассуждений Фараби из малоиспользуемого его трактата "Жемчужины премудрости" (или "Геммы премудрости", как его иногда переводят). В 8 параграфе говорится о том, что высшая ступень, называемая им "Необходимо сущее" - Бог - есть такая же сущность, что и мир, Универсум, но только в форме единства, а мир - есть такая же сущность, что и Бог, только в форме множества. Другими словами, по своей сущности они подобны, но по форме различны. Необходимо сущего, т.е. Бога Фараби называет первоначальным источником всякого истечения, причиной существования многообразия. "Существования многочис-



ленны, и вместе с тем они делятся по ступеням в своём множестве. Субстанция (Первопричины) такова, что всякое бытие отсюда исходит, каково бы оно ни было, – совершенное или несовершенное; и также его субстанция такова, что когда все бытия отсюда исходят, в зависимости от своей ступени, и каждое из них получает часть и степень бытия, ему предназначенные, вновь всё начинается с наиболее совершенного; продолжается это посредством того, что менее совершенно, и, таким образом, следует от несовершенного к ещё менее совершенному, завершаясь бытием, вне которого невозможно никакое другое существование и вне которого, следовательно, нет более бытия... Его субстанция такова, что когда бытия исходят из Него, в зависимости от своей ступени, они объединяются, скрепляются и упорядочиваются таким образом, что множества предметов образуют единую систему и становятся как бы единым бытием", – пишет Фараби [5]. И хотя Фараби допускает существование бога в качестве первопричины бытия и перводвигателя, его философия выражает стремление разобраться в сложнейших вопросах познания и бытия. В его учении Бог (Первоначало) и мир неразрывно связаны. В трактате Фараби утверждает, что Бог есть такая же сущность, как и мир, но воплощающая единство; мир же является такой же сущностью, как и Бог, но выражен в множестве. Необходимо сущее первоначало – это вселенная в форме единства. Именно поэтому философ так тщательно исследует состояния бытия, его формы: простые элементы – воздух,

огонь, землю, воду; а также минералы, растения, животных, человека и небесные тела. Тем самым он подчеркивает объективное существование внешнего мира. Его философские взгляды оказали сильнейшее влияние на развитие арабоязычной философии. Как видим, зависимость учения Фараби от аристотелизма и неоплатонизма в решении вопроса о принципах бытия не может вызывать сомнений. Но определяющим всё же остаётся аристотелевское влияние. Как пишет П. П. Блонский, если "Плотин своё учение о материи вполне определённо связывает с философией Платона", то отношение аль-Фараби к материи, к "чувственной очевидности" прямо противоположно [6]. В сущности мысль его движется в русле аристотелизма. Фараби материю рассматривает как самостоятельную онтологическую субстанцию, как реальность, объективно существующую основу материальных предметов. "Первая материя является потенцией всех субстанции в поднебесьи, – пишет он. И далее: –, Форма существует благодаря материи, а материя является субстратом для форм. Формы не существуют сами по себе. Для своего существования они нуждаются в субстрате, Материя является началом и причиной в качестве субстрата форм" [7]. Следует отметить, что согласно учения Фараби, подлинный мир функционирует в прямой зависимости от материи и в очень опосредованной – от Первопричины. На эту особенность онтологии Фараби обращал внимание М.М.Хайруллаев. Характеризуя созданную аль-Фараби форму пантеистического, вернее хо-



листского, истолкования бытия, он считает, что условно её можно называть натуралистическим пантеизмом.

Что касается теории неоплатонизма, то у неё Фараби в основном заимствовал онтологическую систему, согласно которой он выделяет шесть принципов вещей: 1. божественный принцип или первая причина, 2. вторичные причины или небесные сферы, 3. активный интеллект, 4. душа, 5. форма, 6. абстрактная материя. У аль-Фараби так же, как и у неоплатоников, материя занимает самое низшее место в системе мироздания. Но если последние рассматривали материю как нечто пассивное, инертное, порочное начало, то Фараби придаёт ей иные противоположные свойства. Материя Фараби активна, самостоятельна, вечна, она является порождением самой себя. Материя, как и у неоплатоников, является результатом эманации. Эманация, по Фараби, исходит от высших сфер к низшим. Что касается высшей ступени эманации - Бога, то Фараби ему отводил лишь роль "первичной причины" Создателя мира и, лишив его всякой акциденции, рассматривал как безличное абстрактное существо [8]. Как пишет М. М. Хайруллаев, "в системе Фараби Бог настолько отдалён от материи, от природы, что до неё почти не доходит воздействие его мощи и воли, его управление растворяется, обессиливается на промежуточных ступенях, и материя остаётся хозяином самой себя" [9].

Гносеология мыслителя, покоясь на его онтологии, исходит, с одной стороны, из признания Первой причины всего сущего - Аллаха, а

с другой стороны, человек сам является обладателем творческого начала, дарованного ему Богом - разумом. Поэтому при решении гносеологических проблем аль-Фараби отстаивает общую для всех мусульманских течений мысль о космическом "деятельном" или "активном" Разуме. Подобно тому, как мы не можем видеть предмета, пока он не освещён лучами Солнца и света, точно так же человеческий разум бессилён, пока он не озарён искрой мирового активного разума. В космологии аль-Фараби учение о разуме выступает как учение о десяти разумах, в гносеологии как учение о трёх разумах: страдательном, действительном и приобретённом. По Фараби, единство с Деятельным Разумом составляет цель жизни человека. Достичь этого единения возможно с помощью особого вида интеллекта - счастья. Фактически, счастье Фараби почти не отличается от экстаза неоплатонизма. Обе теории покоятся на спекуляции и создают особый вид деятельности, который нас освобождает от страстей чувственности и иллюзии практической жизни. Фарабиевское счастье и неоплатоновский экстаз трудно поддаются психологическому анализу тем не менее каждое из них представляет собой высший акт нашего разума, целью которого является обладание высшим благом. Придя в такое состояние, душа обретает счастье и безграничную радость. Так, Фараби этот процесс описывает следующим образом: "Ты обладаешь в себе, вуалью тела без одеяний. Заставь себя, однако, удалить эту вуаль и очиститься. Тогда ты придёшь, но не обращай внима-



ния на то, что ты встретишь. Если ты страдаешь, ты теряешь, если ты спасёшься, то это рай. И тогда всё замирает в твоём теле, ты кажешься отдалённым бытием и принадле-

жишь духовному миру, где ты видишь то, что не видит никто, слышишь то, что никто не слышит и испытываешь то, что никакое сердце не воображает" [10].

Использованная литература:

1. Фильштинский И.М. Арабоязычная средневековая культура. с.45.
2. Бартольд В.В. Соч., т.2, ч.1. М., 1963. с.235.
3. Аш-Шахрагани. Книга о религиях и сектах. М., 1984. с. 28-29.
4. Шаймухамбетова Г.Б. Арабоязычная философия средневековья и классическая традиция. М., 1979. с.65.
5. Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата. 1970. с.228-229.
6. Блонский П.П. Философия Плотина. М., 1918. с.95-96.
7. Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. 1973. с.84,56.
8. Аль-Фараби. Существо вопросов. // Избранные произведения. М., 1961. С.167.
9. Хайруллаев М.М. Мироззрение аль-Фараби и его значение в истории философии. Т.: "Фан". 1967. с. 199.
10. Аль-Фараби. Жемчужины премудрости. // В кн. Философские произведения аль-Фараби. Лейден 1890 (на нем.яз.)
11. Ал-Газали. Тахафут ал-Фаласифа. Бейрут, 1927. с.30,44 (на араб.яз).
12. Додихудоев Х. Философия крестьянского бунта. Душанбе, 1987. с. 66.
13. Madkour I. La place d al-Farabidans I musulmane. Paris, 1969. p.58.
14. Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. Т.: "Ўзбекистон", 1998. С. 45.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются естественно научные, философские и социологические воззрения видного мыслителя центральноазиатского региона Абу Насра Фараби, с именем которого связаны высшие достижения восточной философии. Раскрываются роль и значение гуманных и прогрессивных в своей основе взглядов мыслителя в развитии мировой науки.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Шарқ фалсафаси ривожланишида ўзига хос ўринга эга буюк мутафаккир Абу Наср Фарабийнинг табиий-илмий, фалсафий ва ижтимоий қарашлари таҳлил қилинди. Мутафаккирнинг жаҳон фанини ривожлантиришдаги инсонпарварлик ва илғор ғоялар билан йуғирилган қарашлари очиб берилди.

SUMMARY

The article analyzes the natural science, philosophical and sociological views of a prominent thinker of the Central Asian region Abu Nasr Farabi, whose name is associated with the highest achievements of Eastern philosophy. The role and significance of the humane and basically progressive views of the thinker in the development of world science are revealed.

(Давоми кейинги сонда)



O'ZBEKISTONNING MUSTAQILLIKNI QO'LG'A KIRITISHI ARAFASIDA IJTIMOY - SIYOSIY VAZIYATNING KESKINLASHUVI

(1989-1991-yillar)

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори, профессор
ЎзР ФА Тарих институти

СССРдаги қайта қуриш жараёни аввалбошданоқ асосан сиёсий соҳани қамраб олган эди. Иқтисодий ислоҳотлар эса оқибатда унга бўйсунувчан аҳамият касб этди. Орадан кўп ўтмай жадаллашиб бораётган сиёсий жараёнлар (ошкоралик, демократия) билан суғ ривожланаётган иқтисодиёт ўртасида катта фарқ кўзга ташлана бошлади. Бу ҳолни кейинчалик пайқанган СССР ва КПСС раҳбарияти тегишли чораларни кўришга кечикди. Мамлакатда иқтисодий аҳвол издан чиқа бошлади¹.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, 1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари қилиб Ислом Абдуғаниевич Каримов сайланди. Ўзбекистон халқи ва янги сиёсий раҳбарият "пахта иши" ва "ўзбеклар иши" тўғрисидаги бўҳтонлар тўхтатилиши ва ноҳақ жазоланганлар қамоқдан озод қилинишини сўраб, Марказга мурожаат қилишди. Шу аснода Ўзбекистоннинг Марказ билан кўз илғамас зиддиятли муносабатлари кескинлаша борди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССРда президентлик бошқаруви жорий қилинди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн иккинчи чақириқ 1-сессиясида депутатлар томонидан И.А. Каримов Ўзбекистон ССРнинг Президенти қилиб сайланди.²

Совет ҳокимияти йилларида коммунистик мафкура Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар сингари ўзбек халқининг ҳам бой ўтмиши ва кўҳна маданиятини тарғиб қилишни хоҳламас эди. Коммунистик элита томонидан совет халқи деган сунъий атама тўқиб чиқарилиб, руслаштириш сиёсати изчил суратда олиб борилди. Ўзбек халқининг кўп асрлик қадимий маданияти, урф-одати, анъаналари бойлиги, унинг чуқур ва мустақам илдизи мавжудлиги Марказдаги ғоявий маддоҳларни доимий равишда чўчи-тиб турди. Шунинг учун ҳам улар ўзбек халқи тарихи ва маданиятини камситиш йўлини тутдилар.

Бироқ 1989 - 1991 йилларда Ўзбекистон жамияти ва ўзбек халқи ўз тарихининг мутлақо янги босқичига қадам қўяр экан, республика жамоатчилиги мудроқ уйқудан турди. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий воқеа-

¹ Қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917 - 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 - 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. -Т: "O'zbekiston" НМИУ, 2019. -Б. 442-459.

² "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 25 март.



ҳодисаларга жон кирди, миллий ўзлик устига ташланган қалин пардалар олиб ташланди. Ўзбекистон жамияти ва ўзбек халқи уйғонди.

Айнан шу йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий воқелик, халқ миллий онгининг кескин равишда ўсиши жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ошириб юборди. Ўзбек зиёлилари (олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, журналистлар) ва талабалари мустақиллик учун курашнинг олдинги сафларида бўлишди. Айниқса йирик файласуф олим, академик Эркин Юсупов (1928 - 2003) ўзининг Москва ва Тошкентда эълон қилинган публицистик мақолаларида Марказнинг гирром ўйинларини кўрсатиб берди. У кейинчалик ёзган хотираларида ўша давр воқеаларини ҳолис ёритишга ҳаракат қилган.³ Истеъдодли шоир ва таржимон, жамоат арбоби Жамол Камол оташин публицист сифатида ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек халқи тарихи, миллат маънавияти тўғрисида ўткир мақолалар ёзди. У матбуотда эълон қилган мақолаларининг бирида ўзбек халқига қарата "Тил - эл номуси, тарих - унинг қомуси" дея ҳайқирди.

Хуллас, мазкур давр айни пайтда жамият аъзоларининг руҳий биқиқликдан миллий ва анъанавий асосларга қайтиш даври сифатида ҳам изоҳланади. XX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошларига келиб, Ўзбекистонда аввал диний ва миллий "миллатчилик" ёрлиқлари ёпиштирилган ва ҳолис ўрганилиши тақиқланган миллий характердаги ижтимоий-сиёсий, фалсафий воқеа-ҳодисалар, тарихий шахслар фаолиятини тадқиқ этишга бироз эркинлик берилди. Натижада ислом дини ва унинг аҳамияти, тасаввуф (суфизм) масалаларига ойдинлик киритила бошланди. Туркистон минтақасининг Россия империяси томонидан босиб олиниши, жадидчилик ҳаракати, Октябрь тўнтариши, Туркистон Мухторияти ҳукмати фаолияти, "босмачилик" ҳаракати, "Ҳужум", совет режимининг қатагон сиёсати ва совет даврининг бошқа масалалари янгича тафаккур асосида талқин этила бошланди. Ўзбекистонда буюк соҳибқирон Амир Темур шахсига муносабат ўзгара бошлади. Ислом уламолари ва ҳадисшунос алломалар Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқалар фаолиятини ўрганишга киришилди. Шунингдек, совет ҳокимияти йилларида қатагон қилинган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Мунаввар Қори ва бошқаларнинг асарлари улар мансуб бўлган ўзбек халқига қайтарилди.

Ўзбекистонда сайлов тизимини демократлаштириш мақсадида 1990 йил февраль-апрель ойларида Ўзбекистон ССР Олий Советига кўп мандатли округлар бўйича эксперимент сифатида биринчи марта сайлов ўтказиб кўрилди. Бироқ яккапартиявийлик тизими шароитида бу янгилик расмиётчиликдан нарига ўтмади. Чунки бу сайловлар Олий Совет таркибини демократлаштиради, аксинча, аввал ишлаб турган Олий Советга нисбатан депутатлар орасида ишчилар, колхозчилар, хотин-қизлар ва ёшлар сони камайиб кетди, аввалгидек давлат ҳокимиятининг олий органи деярли мутлақ

³ Юсупов Э. Зулмат ичида зиё излаб... Хотиралар. 1-китоб. -Чимкент, 2000.380 бет.



партия аъзоларидан иборат бўлиб қолди, депутатларнинг қарийб 95 фоизи коммунистлардан иборат эди. Лекин бу сайловда кўпгина округларда биринчи бор депутатлик мандатига бир нечтадан номзодлар даъвогарлик қилди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистондаги 500 та округдан 174 тасида муқобил номзодлар кўрсатишга йўл қўйилмади. Номзодларнинг ҳаммаси ҳам ўз сайлов платформасини тушунтириб бериш учун бир хилдаги имкониётга эга бўлмади ва ҳоказо⁴.

Шунингдек, депутатлик ваколатларининг тўхтатилиши ва сайловчиларнинг депутатни чақириб олиши тўғрисидаги масала ҳам депутатликка номзодларни кўрсатиш тартиби каби (номзодларни одатдагидек партия комитетлари кўрсатарди) аввалгидек партия комитетлари тасарруфида қолаверди. Лекин сайлов тизимида демократияга амал қилинаётганини кўрсатиш мақсадида матбуот саҳифаларида фақат депутатларни чақириб олиш ҳолатининг ўсиш динамикасини намойиш қилиш билан чекланилди. Ўзбекистонда 1985 йилда турли даражадаги Советлар депутатларидан 1216, 1986 йилда 2877 нафари чақириб олинди. Лекин ваколоти тўхтатилган бу депутатларнинг аксарияти ўзларининг депутатлик бурчларини уддалолмагани ёки сайловчиларнинг нақазинибажармаганлиги учун улар томонидан чақириб олинганлигида эмас, балки пахта иши билан боғлиқ бўлганлиги учун аввал улар тергов органлари томонидан қамоққа олинди, сўнгра эса уларнинг депутатлик ваколоти тўхтатилди.⁵ Марказ буйруғи билан 1988 - 1989 йилларда Ўзбекистон Компартияси МКнинг собиқ биринчи секретари И. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси МКнинг идеология секретари Р. Абдуллаева, Самарқанд вилояти обкомининг 1-секретари Н. Ражабов, Бухоро вилояти обкомининг 1-секретари И. Жабборов ва бошқалар СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати бўлишларига ҳамда депутатнинг дахлсизлик мақомига қарамасдан Т. Гдьян ва В. Ивановнинг тергов гуруҳи аъзолари томонидан ноқонуний равишда қамоққа олинди ҳамда Москвага жўнатилди. Бундай қонунбузарлик 1990 йилда ҳам давом этди.

Умуман олганда, Ўзбекистон сиёсий тизимида 1990 йил баҳорига қадар муҳим бўлган бирорта жиддий ўзгаришлар содир бўлгани йўқ. Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тарихий муҳим ҳужжат - Ўзбекистон ССРнинг "Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилиниши (1989 йил 21 октябрь) бундан мустасно. Қонунга биноан Ўзбекистон ССР ҳудудида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Айни вақтда шу Қонунда кўрсатилганидек, республикада миллатлараро мулоқот тили сифатида рус тилидан эркин фойдаланиш сақлаб қолинди. Бу қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи тарихи ва маданиятини сақлаш, ўзбек тилини чеклашни тўхтатиш, миллий ўзлиқни англашда ҳамда Ўзбекистонда миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолишида катта аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик бу Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

⁴ Ражапова Р. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 - 1993 йиллар). Илмий муҳаррир А.Асқаров. - Т: "Ўқитувчи", 1994. -Б. 342.

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т: "Шарқ", 2000. -Б. 661-662.



Аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн иккинчи чақириқ 1-сессияси республиканинг келажаги учун жуда муҳим ва СССР миқёсида биринчи бўлган сиёсий қарорни - Ўзбекистонда президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимини эгаллаб турган Ислоҳ Каримовни Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти этиб сайлади.

Ўзбекистон ССРда президентлик бошқарувининг жорий қилинишини бир қанча омиллар ва аввало СССРда 1990 йил бошларига келиб умумдавлат сиёсий инқирозининг сезиларли даражада кучайганлиги тақозо этарди. Бу инқироз иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада қилинган ва Марказнинг иттифоқчи республикалар билан давлат алоқаларини янгилашга қаратилган ислохотларнинг барбод бўлиши билан намоён бўлди. 1990 йил мартда Литванинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, Латвия билан Эстониянинг СССР таркибидан чиқишга фаоллик билан ва очиқчасига тайёргарлик кўраётгани унитар ҳамда федератив совет давлатининг ҳақиқий емирилиши бошланганидан далолат берар эди.⁶

1990 йил 11 мартда (СССРда президентлик бошқаруви жорий қилинишидан 4 кун олдин!) Литва Олий Кенгаши Литва давлатини қайта тиклаш ҳақидаги ҳужжатни қабул қилди ва мамлакат Литва Республикаси деб атала бошланди. 17 мартда (СССРда президентлик бошқаруви жорий қилинишидан 2 кун кейин!) Литва Республикаси Олий Кенгаши Литва давлати мустақиллигини тиклаш тўғрисида Қонун қабул қилиб, Литванинг СССР таркибидан чиққанлигини эълон қилди. Хуллас, Литва мустақил давлатга айланди. 1990 йил май ойида эса Литванинг давлат суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилинди.

1990 йил майда Латвия Олий Кенгаши Латвия мустақиллигини тиклаш тўғрисида Декларация қабул қилди ва унинг номи Латвия Республикаси деб ўзгартирилди. 8 майда эса Эстония Олий Кенгаши Эстония Республикасини эълон қилди. Литвадан сўнг 1990 йил май ойида Латвия ва Эстония давлатлари ҳам СССР таркибидан чиққанликларини эълон қилишди.⁷ Балтиқбўйи республикаларидан кейин 1990 йил охири ва 1991 йил бошида Грузия ва Озарбайжон ҳам шундай қилди. Молдова Республикаси (Молдавия)да сиёсий вазият кескинлашиб, бу ҳудудда турли "мустақил республикалар" тузилди.

1990 йил баҳори ва ёзида Ўзбекистонда ҳам халқ оммаси ошкоралик ва демократлаштириш, ўзининг тарихий ўрни ва ҳозирги замонни танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиб, ўзларининг миллий ва маънавий қадриятларини қайта тиклаш, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, жумладан, ўз тақдирини ўзи

⁶ Раджапова Р. и др. История Узбекистана (1917 - 1993 г.). Под общей редакцией А. Асқарова. -Т: Ўқитувчи, 1995. -С. 309.

⁷ Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И., Норматов О. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). -Т "Ўзбекистон", 2011. -Б. 553 -555.



белгилаш ҳамда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Марказдаги иттифоқ ҳокимияти тузилмаларига қарамликдан халос бўлиш ҳуқуқларини амалга оширишдан тобора кўпроқ манфаатдор эканликлари аён бўла борди.

Мана шуларнинг ҳаммаси жамиятда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни илдам ва самарали равишда амалга ошира оладиган, республика фуқароларини давлат йўли билан ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга, аввало, қонун чиқарувчи, ижро қилувчи, суд ҳокимиятларининг аниқравшан ажралиб туриши ҳамда фаолият кўрсатиши асосида Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетига эришиш йўлини шакллантириш асосида⁸ мустақил миллий ўзбек давлатини тузиш чораларини кўра оладиган институт – президентлик бошқаруви институтини яратиш ва ташкил қилишни зарур қилиб қўйди.

1990 йил 4 – 6 июнда КПССнинг навбатдаги анжуманига тайёргарлик кўриш доирасида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг биринчи босқичи ўтказилди. Унда республика янги сиёсий раҳбариятининг шижоати ва ташаббускорлиги яққол сезилиб турди. Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. Каримов *"Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида"* сиёсий маъруза қилди. Унда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масаласи хусусида резолюция қабул қилинди.⁹ Съездда Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб қайта сайланди. Шунингдек, Ш. Йўлдошев Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.¹⁰

И. Каримов маърузасида Ўзбекистон ССРда бозор муносабатларини жорий қилишнинг объектив зарурлиги алоҳида кўрсатилиб, унда шундай нуқтаи назар таъкидлаб ўтилдики, унга мувофиқ бозор иқтисодиётига ўтиш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар мажмуи билан биргаликда амалга оширилиши зарур эди.

Ўзбекистон Компартиясининг мазкур съезди республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларга доир муаммоларининг бутун мажмуини ҳал қилишда муҳим бўлган Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашдан, унинг чинакам сиёсий мустақиллигини таъминлашдан иборат деб ҳисоблади. Бироқ мафкуравий фаолиятнинг яхлит ва барқарор концепцияси Ўзбекистонда ҳали йўқ эди. Шу боис миллий маданиятни қайта тиклаш Ўзбекистон Компартиясининг асосий мафкуравий муаммоси сифатида илгари сурилди. Ўзбек тилини давлат тили сифатида татбиқ қилиш соҳасини кенгайтириш, республикада яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг тилига

⁸ Ражапова Р. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). -Б. 343.

⁹ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 5 июнь.

¹⁰ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 8 июнь.



доир, шунингдек, миллий-маданий талабларини қондириш юзасидан катта ишлар амалга оширилиши лозим эди.¹¹

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди КПССнинг бўлажак XXVIII съезди якунлари бўйича ўзининг яна бир мажлисини ўтказиш, унда республика партия ташкилотининг дастури ва устави каби ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолди.¹²

Ислон Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти республикада юзага келган ижтимоий-иқтисодий таназзулдан чиқиш чораларини мустақил равишда белгилаш йўлидан борди. Шунга кўра, республика халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлади. Дастлаб 1990 йил 31 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советининг "Ўзбекистон ССР ҳукуматининг келгусидаги фаолияти дастури ва Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий, ижтимоий-маънавий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий концепциялари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Сўнгра 1990 йил 16 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллиги ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди ва унда И. Каримов нутқ сўзлади. "Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси"ни тайёрлашга киришилди. Концепция Ўзбекистон Давлат режа қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари билан ҳамкорликда тайёрланди. Шунинг асосида "Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари" лойиҳаси 1990 йил 17 октябрда республика матбуотида умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.¹³ Ўзбекистон аҳолиси бу муҳим ҳужжатни муҳокама қилишда фаол иштирок этди. 1990 йил 29 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бу ҳақдаги қарори қабул қилинди.¹⁴

Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг янги сиёсий раҳбарияти вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқироздан чиқиш учун халқ оmmasига таянган ҳолда иқтисодий ва сиёсий ислохотларни илдам ва самарали қилиб амалга ошириш, аҳолини давлат йўли билан ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигига эришиш асосида ўзбек халқининг миллий давлатчилигини барпо қилиш йўлида ҳаракат қила бошлади. Совет Иттифоқи сиёсий раҳбарияти мамлакатда тобора жиддий тус олаётган вазиятни барта раф қилишнинг ҳам назарий, ҳам амалий йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. 1990 йил 2 - 13 июлда Москвада бўлиб ўтган КПССнинг XXVIII съездида "Инсонпарвар, демократик социализм сари"

¹¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... -Б. 667 - 668.

¹² "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 5, 12 июль; "Правда Востока" 5, 12 июля 1990 г.

¹³ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 17 октябрь.

¹⁴ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 31 октябрь.



Дастурий баёноти маъқулланди.¹⁵ КПСС Устави асос учун қабул қилинди.¹⁶ КПСС бор кучи билан социализм қандай бўлса, шундайлигича сақлаб қолиш учун унинг қиёфасини бегаб (косметик ўзгаришлар қилиб), уни янада жозибадор ва замонавий қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди, бироқ партия жамиятдаги назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилотчилик вазифаларини бажаришдан воз кечишга интилмаслигини таъкидлади.¹⁷

КПСС МКнинг июль пленумида (1990 йил 13 - 14 июль) янги сайланган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси таркибига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И.А. Каримов ҳам киритилди¹⁸ (1991 йил 22 августда И. Каримов баёнот бериб, КПСС МК Сиёсий бюросининг ҳозирги таркибида қола олмаслигини билдирди.)

КПСС МК ва партия олий сиёсий раҳбариятининг белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги ноизчиллиги ва ишдаги жиддий камчиликлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. Каримовнинг КПСС XXVIII съезида сўзлаган нутқида ўз аксини топди ва кескин танқидий оҳангни белгилаб берди. Ўзбекистон делегациясининг партия съезидаги нуқтаи назари иттифоқдош республикалар компартиялари мустақил бўлиши, мамлакатда кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган миллатлараро зиддиятлар ва тўқнашувларни инкор қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги масалаларни қўйишдан иборат бўлди. Ўзбекистон коммунистлари бундай аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли янги Иттифоқ шартномасини шошилиш равишда ишлаб чиқишдан иборат деб ҳисоблади, унда ҳар бир республиканинг суверенитети ва миллий давлат тузилиши қатъий белгиланган бўлиши керак эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш масаласида ўзбекистонликлар уни фақат халқнинг розилигини олгандан кейингина амалга ошириш мумкин, деган фикрни айтди.¹⁹

КПСС XXVIII съезининг қарорлари ва кўпгина бошқа муҳим масалаларнинг ечими Ўзбекистон вакиллари қаноатлантормади. Шу сабабли, илгари ҳам қарор қилинганидек, 1990 йил 7 - 8 декабрда Тошкентнинг Санъат саройида Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда И. Каримов "Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда Ўзбекистон Компартиясини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишга тайёргарлик борасидаги вазифалар тўғрисида" маъруза қилди.²⁰

¹⁵ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 5 июль.

¹⁶ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 8 июль.

¹⁷ "Правда", 17 июль 1990 г.

¹⁸ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 16 июль.

¹⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Б. 673 - 674.

²⁰ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 8 декабрь; "Правда Востока", 8 декабрь 1990 г.



MAHMUDHO‘JA BEHBUDIY VA HAMZA

NAKIMZODA NIYOZIY PEDAGOGIK

MEROSINING TARBIYAVIY AHAMIYATI

Шавкат ХОНҚУЛОВ,

ФарПИИ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси

Таянч сўз ва иборалар: Эски мактаб, Садоий «Фарғона», ҳуррият, устоди аввал, дор ул-айтом, «Нашриёти Беҳбудия», Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

Туркистонда жадидлар ҳаракати асосчиси ва отаси, жаҳонга машҳур бўлган ўзбекнинг ягона жўғрофияшуноси, атоқли жамоат арбоби, буюк исломшунос, улуғ педагог ва ахлоқшунос, юксак дидли журналист Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасида она ватаннинг орзу - армонларидан бири сифатида дунёга келди. Маҳмудхўжа Беҳбудий таълим ва тарбия ҳамда унинг муаммолари тўғрисида бой публицистик мерос қолдирди. Беҳбудий Туркистоннинг келажагини унинг янги кадрларида, мутахассисларида ва ўқимишли ёшларида, деб биларди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир ёзган мақоласида янги тараққиётга жавоб берадиган кадр тарбиялаб етиштириш масаласини қўярди.

Маърифатпарвар олим 1903-1904 йилларда Москва, Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат сафари эди. Масалан Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августида Россия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултой чақирилди. Беҳбудий бу қурултойга чақирилади. Беҳбудий бу қурултойда Туркистонликлар гуруҳини бошқарди ва нутқ сўзлади [1;10].

Беҳбудийнинг илғор педогогик гояларини ёйишда газета ва журналларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Унинг ўзи 1913 йилдан матбуот ишлари билан шуғулланади. Апрельда "Самарқанд" газетасини чиқаради. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, кейин тўрт саҳифа чоп этилган. 45 та сонидан кейин моддий танқислик туфайли чиқиши тўхтаган [2; 222]. Ўша йилнинг 20 августидан у "Ойна" журналинини чиқара бошлади. Журнал "Бошда ҳафтасига бир марта ва иккинчи йилдан эътиборан 15 кунда бир қатла чиқиб, йигирма ой чамаси давом қилди, Кафказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, ва Туркиягача тарқалар эди. Жаҳидларнинг севиқли журналлари эди. Шунинг учун улар томонидан ҳурматланди, севилиб ўқилди"[3; 44-45].

Шу ўринда Беҳбудий ва Ҳамзанинг ижод йўлларига эътибор қаратсак бу икки жаҳид дарғасининг педагогик фаолияти бир-бирига жуда яқин-



лиги кўрамиз. Масалан Ҳамза ҳам ўзининг маърифий ва педогогик гояларини тарғиб қилиш учун "Кенгаш" ва "Ҳуррият"[4; 295], журналларини чиқаради. Журналларда кўплаб ижтимоий - сиёсий ва маънавий - маърифий мазмундаги мақолалар чоп этилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ноширлик, китобат иши ташкилотчиси ва китоб савдоси билимдони сифатида ҳам улкан ишларни амалга оширган.

Жумладан, 1913 йилда хусусий нашриёт очиб, уни "Нашриёти Беҳбудия" деб номлайди. Беҳбудий томонидан Самарқандда оммавий кутубхонанинг ташкил этилиши ҳам Туркистон маданий ҳаётида жиддий ҳодиса бўлган. Кутубхона Самарқанднинг ўша пайтда руслар яшайдиган қисмида жойлашган бўлиб, "Кутубхонаи Беҳбудий", деб аталган. "Кутубхонаи Беҳбудий" кутубхона вазифаси билан бир қаторда, китоб савдосига доир ишларни ҳам бажарган.

Соддароқ қилиб айтганда, бу янги типдаги муассаса кутубхона-дўкон эди. Мазкур муассасага ташриф буюрган ҳар бир киши ўзига маъқул бўлган китобни кутубхонанинг алоҳида фондидан сотиб олган. Жумладан, Беҳбудий бу кутубхона фондларини доимий бойитиб борган. Масалан: "Кутубхонаи Беҳбудий" учун Истанбул, Миср, Қрим, Кафказ, Қозон, Русия ва хорижийнинг манзаралари, иморатлари, кишиларнинг суратлари, турли-туман қолип (клише)лар ва бошқа жуда кўплаб зарурий нарсалар учун саёҳатга чиқади [5; 14-15]. Бу кутубхона фондларида жамланган китобларнинг бир қисмини Беҳбудий 1899-1900 йиллардаги ва 1914 йилги ҳаж сафарларидан келтирган. Қолган китоблар эса "Кутубхонаи Беҳбудий" манзилига Петербург, Қозон, Богчасарой, Боку, Оренбург шаҳарларидан, шунингдек, Эрон, Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Миср, Ливандан юборилар эди. Ўша даврда турли мамлакатлардан бундай китоб савдосини уюштириш осон иш эмасди. Бу кишидан омилкорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, кенг халқаро алоқалар ва катта моддий имкониятларни талаб этарди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу борадаги ҳаракатлари, Бухоро, Тошкент, Фарғона водийсида кўплаб кутубхоналар ташкил этилишига туртки бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўша давр жаҳидларининг фақат айримларигина кутубхона ташкил қилганлар. Булардан яна бири Ҳамза ҳам 1915 йилда Қўқонлик маърифатчилар билан ҳамкорликда усули жаҳид мактаблари учун дарсликлар нашр қилиш, ўқувчиларни Тошкент ва бошқа шаҳарларда босмадан чиққан дарсликлар билан таъминлаш мақсадида "Ғайрат" китобхонаси ташкил этади [6; 296]. Бу китобхонада Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Рисолаи асбоби савод", "Рисолаи жуғрофиям умроний", "Рисолаи жуғрофиям Русий", "Тарихи ислом", Саидрасул Саидазизовнинг "Устои аввал", Мунаввар Қорининг "Адиби аввал", "Адиби соний", Абдулла Авлонийларнинг "Биринчи муаллим", "Иккинчи муаллим" каби дарсликлари ҳам кўп нусхаларда бўлган. Жаҳидлар маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмас эди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бор-



моқ, миллат ва Ватаннинг аҳволдан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин. Мана шу эҳтиёж ва зарурат Беҳбудийни театр ва матбуот сари бошлади. "Падаркуш", шу тариқа вужудга келди. Беҳбудий раҳбарлигидаги Самарқанд труппасининг самарали ишлари тез фурсатда Қўқон, Наманган, Тошкент каби шаҳарларда ҳам труппалар тузилиб "Падаркуш"ни қўя бошладилар [7; 92]. Беҳбудийнинг бу пьесаси кейинроқ Нусратулла Қудратулла "Тўй" (1914), Ҳожи Муин Шукрулла "Эски мактаб ва янги мактаб" (1916), Ҳамзанинг "Заҳарли ҳаёт" (1916) пьесаларини яратилишига туртки бўлди. Бунинг шохиди сифатида Абдулла Қодирий "1913 йилларда чиққан "Падаркуш" пьесаси таъсирида "Бахтсиз куёв" деган театр китобини ёзиб юборғонимни ўзим ҳам пайқамай қолдим" деган эътирофини келтириш мумкин [8; 221]. Бу пьеса асарларида иқтисодий тарбия, жаҳидларнинг маориф соҳасидаги гоёлар, аёллар тенглиги, демократик қарашлар акс этади.

Жаҳидлар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиқлолга таёрладилар. Беҳбудийнинг ташаббус ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофида Ҳалвойи ва Ражабамин қишлоқларида янги мактаблар ташкил этади. Адиб ушбу мактаблар учун "Рисолаи асбоби савод" (1904), "Рисолаи жуғрофияи умроний" (1905), "Рисолаи жуғрофияи Русий" (1905), "Китобат - ул атвол" (1908), "Амалиёти ислом" (1908) каби китоблар яратди ва шулар ёрдамида дарс машғулоти олиб борилди. Бунинг таъсирида Тошкент, Фарғона водийсида янги мактаблар ташкил этила бошладилар. Ибрат, Мунаввар Қори, Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийларнинг номлари тилга тушади.

Жаҳидлардан бири Ҳамза ҳам 1910 йилда Тошкент шаҳрида амалий фаолиятга киришиб, Қашқар маҳалласида биринчи марта усули жаҳид мактаби очади. Бу даврда у Тошкентда Туркистон жаҳидчилик ҳаракатининг раҳбари Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли ва унинг атрофидаги шогирдлари усули жаҳид муаллимлари ака-ука Шокиржон ва Собиржон Раҳимийлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Жумладан 1914 йил Қўқоннинг Шайхул - ислом маҳалласида етим болаларни бепул ўқитадиган "Дор ул - айтом" (Етимлар мактаби) каби мактаблар очади. Мактабда болаларга бир қатор энгил шароитлар яратилганлигини қуйидаги маълумотдан билишимиз мумкин: "Дор ул - айтом"да Хўқанднинг ҳар тарафиндан ўлсун фақир болаларни, шубҳасиз қабул қилинадур, фақат дафтар, қаламдан бошқа китобларгача хатто мактабдан берилладур" [9; 243].

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодий фаолиятига эътибор қаратсак, унинг қарашларида Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлонийнинг одоб-ахлоқ, дин ва ёшларни маънавий - маърифий тарбияси йўлидаги гоёларини қўллаб-қувватлаб, уларни тарғиб қилганлиги сезилиб туради. Шунингдек, Ҳамза ижод фаолияти улардан маслаҳат олган. Масалан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 1915 йилда Муннаввар Қорига ёзган хати диққатга сазозордир: "Ассалому алайкум! Маънавий отамиз ҳазратларина! "Муннаввар Қори-



нинг эса ўз шогирди Ҳамзага меҳр ила ёзилган жавоб хатларидан бирида (1916): "Биродари азизам Ҳамза афанди! Эшон ва бойларнинг "мальун", "жоҳил" "хоин" каби сўзлар ила эмас, қилгон ишларининг ёмонлиги ила кўрсатилса яхши сафатлари йўлида фойдаланса бўлур эди", маслаҳат беради [10; №1231. 1. ҳуж. 2 в.].

Жадидлар, хусусан Беҳбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисоблар эди. Масалан, 1913 йили "Ойна" журналининг биринчи сониди, "Икки эмас, тўрт тил керак мақоласида" Туронзамин фарзанди она тили туркий тилни форс тилини, араб, рус тилларини билиши лозим деб чиқди. Имкони бўлса фаранг тилини (француз тилини) билса яна яхши дейди [11; 23]. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг ҳам Беҳбудий каби янги мактабларда нафақат она тили балки бошқа тилларни ҳам пухта билишга чақириб, шундагина дунёни кўриши ва замон илми билан ҳамнафас бўлишлигини яхши англаб етган. У янги усул мактаб муаллими мана шу хислатларга эга бўлиш кераклигига қатъий қайғурган. Аммо совет даврида Ҳамза каби жадидлар фаолияти хусусидаги маълумотлар сохталаштирилиб, бу борада кўплаб мақолалар чоп этилган.

Масалан, "Ўқитувчи" газетасида "Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг педагогик мероси" [12; Ўқитувчилар] номдаги мақола чоп этилган. Ушбу мақолада "Ҳамза Ҳақимзода эски ва жадид мактаблари муаллимлари кўпчилиги ўз тилидан бошқа тилни билмас, чаласавод, маданиятсиз, баъзан ахлоқсиз кишилар эканлигини, улар болаларга ҳеч нарса ўргата олмасликларини тушунар ва шунинг учун уларни аёвсиз фош қиларди", деган маълумотни учратамиз. Мазкур мақолада ҳам Ҳамзанинг ижод фаолиятини сунъий равишда сохталаштирилганлигини кўришимиз мумкин.

Чунончи, 1914 йилда "Садои Фарғона" газетасида "Жадид мактаблари" да ишлаш учун 2 ўқитувчи кераклиги ҳақида шундай эълон босилади. "Намоз ўқийдиган, ичкилик ичмайдиган, номерларда фахш ишлар қилмайдиган, баччабозлик қилмайдиган икки муаллим керак, яхши вазифа берилур. Адрес идорада" [13; Ўқитувчилар]. Ушбу маълумотдан аёнки, Ҳамзанинг педагогик диди ва маънавияти нақадар нозиклигидан далолат беради. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ижод фаолиятида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маърифатпарварлик йўлидаги ҳаракатларига алоҳида ҳурмат билан қаради. Бунинг исботини унинг Беҳбудий ўлдирилганлиги муносабати билан қайғуриб ёзилган қайдидан ҳам билишимиз мумкин [14; №532. 1в. 1 ҳ].

Ҳамза ўзининг устозлари тажрибасидан фойдаланиб маърифатпарварлик гояларини тарғиб қилишда бошқа тиллардан ҳам самарали фойдаланди. Жадидлар комил инсон – бу, энг аввало, замонавий инсондир. Замонавий инсон эса миллат ва Ватан манфаатларини барча нарсдан устун кўрувчи, маърифатли, диний ва замонавий илмларни эгаллаган тарбияли кишилар ҳисобланишади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий юксак дидли, маданиятли, мулоим ва динга қиттиқ меҳр қўйган жадидлар бўлиб, муаллимлик фаолиятига катта эътибор берган.



Хулоса ўрнида айтиш керакки, жаҳид дарғаларнинг таълим ва тарбия тўғрисидаги, умуман маърифатпарварлик қарашлари шу билан характерлики, улар аждодларимизнинг бу борадаги қимматли фикрларини илғор, замонавий қарашлар билан уйғунлаштирган. Шу боис уларнинг қарашлари ижтимоий заминга асослангани билан ҳанузгача аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. -Т; Маънавият. 1997. 10 бет.
2. Бегали Қосимов. Миллий уйғониш. -Т; Маънавият. 2002. 222 бет.
3. Зиё Саид. Танланган асарлар. -Т; 1974. 44-45 бет.
4. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. -Т; Фан. 1988. 4-том. 295 бет.
5. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. -Т; Маънавият. 1997. 14 бет.
6. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Т; Фан. 1988. 4-том. 295 бет.
7. Раҳмонов.М. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва ўзбек совет театри. -Т; Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1959. 92 бет.
8. Бегали Қосимов. Миллий уйғониш. Т; Маънавият. 2002. 221 бет.
9. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Т; Фан. 1988. 4-том. 243 бет.
10. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи. Ҳамза фонди. № 1231, 1-ҳуж. 2-варақ
11. Ўзбек педагогика антологияси. Т; Ўқитувчи. 2 - жилд. 1999. 23 бет
12. Ўқитувчилар газетаси, 1987 йил 4 апрель
13. Ўқитувчилар газетаси, 1989 йил 18 январь
14. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи. Ҳамза фонди. № 532. 1 варақ. 1 ҳужжат

РЕЗЮМЕ


Мазкур мақолада Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижод фаолиятидаги тарбиявий ғоялари, уларнинг бу йўлдаги ижтимоий-маънавий қарашлари акс этирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье отображены идеи свободы родины в творческой деятельности и социально-духовных взглядах на этот пути Махмудходжи Бехбуди и Хамзы Хакимзода Ниязи.

SUMMARY

In this article, ideas of freedom of the motherland in creative activity and social and spiritual views of Mahmudhoji Behbudi and Hamza Hakimzoda's Niyazi on this path were presented.





O'ZBEK XALQ TABOBATIDA ISHLATILADIGAN DORI-DARMONLAR

Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ,
ЎзР ФА Тарих институти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Таянч сўз ва иборалар: *Девону луғотит турк, ақрободин, туркона, мураккаб дорилар, хаб, шиёф, тарёқ.*

Халқ табобати касалликни олдини олиш ва даволашга қаратилган тадбир бўлиб, тарихан узоқ шаклланиш даврига эга. Халқ табобати этнохўдудий омиллар таъсирида дунё халқлари мисолида турлича кўринишда, усулда ва шаклда учраса ҳам, у учта муҳим асосга таянади: яъни ташхис қўйиш, дори тайёрлаш ва даволаш.

Ўзбек халқ табобати анъаналари ҳам ўзига хос жиҳатлари билан бошқа халқлар табобатидан фарқ қилади. Яъни, табобат шаклан юқоридоғи уч омилга таянса—да уларнинг таркибий қисмлари: ташхис қўйиш усуллари, даволаш йўллари, доривор хом—ашёлар каби ҳолатларда маҳаллий анъана ва урф—одатларнинг бевосита таъсирини кузатиш мумкин. Айниқса, доришунослик соҳасига эътибор қаратилса, уларни номланиши, таркибий қисми, тайёрлаш босқичлари ва қўллаш пайтида маҳаллий иқлим шароити, халқнинг миллий дунёқараш ҳамда ҳудуднинг ўзига хос табиати каби омилларнинг таъсири ҳисобга олинган.

Умуман, табобат анъаналарида доришунослик илми узоқ тарихий даврни босиб ўтган, халқнинг кундалик тажрибалари ва тиб олимларининг илмий кузатувлари остида шаклланиб, ривожлангани билан ажралиб туради. Тиб тарихига назар солинса, доришуносликда ишлатиладиган хом—ашёларни йиғиш, дориларни тайёрлаш усуллари, ишлатиладиган анжомлар, ўлчов бирликлари ҳамда уларни номланиши борасида бир қанча асарлар яратилган. Ушбу асарларни дорининг хусусиятига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин: содда дорилар ҳақидаги китоблар ва мураккаб дориларга бағишланган "Қарободин" ёки "Ақрободин"лар[10:57]. Лекин, табобатга алоқадор бўлмаган асарларда ҳам дори турлари ва уларни номланишига оид маълумотлар мавжуд. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк"[11:85–443] асарида табиблар қўллаган дори ва гиёҳ номларига тўхталиб ўтилган. Уларда, асосан, туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда ўсадиган ёки учратиш мумкин бўлган ўсимлик турлари ифодаланган, жумладан: *эгит* (заъфарондан олинган дори), *ибрук* (сутдан тайёрланган дори), *урумдай* (захарни кесиш учун ишлатиладиган тош), *кўзлук*, *кўзилдурк* (кўз шамоллашида ишлатиладиган дори), *эгир* (қорин оғриғида қўлланилувчи гиёҳ), *чурни* (ошқозонни тозаловчи дори) шулар жумласидан.



XI asrda yashab, ijod etgan bolosoғunlik Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ("Саодатга йулловчи билим") номли китобида доривор ўсимликлар номи билан бирга овқат ҳазм қилиш (*гувориш*), қувват дориси (*маъжун*), сурги дори (*утрум*)[14] каби дори номларини алоҳида қайд этган. Халқ табobati тавсия этадиган дорилар табиий воситаларни қўлланилиши, ножўя таъсирлар келтириб чиқармаслиги, арзонлиги, содда дориларни осон топиладиган хом-ашёлардан тез тайёрлаш мумкинлиги каби жиҳатлари билан ажралиб туради. ЖССТнинг[1:7] маълумотига кўра, дунё аҳолисининг 90%и табиий дори воситаларидан фойдаланади. Шу сабабли кейинги йилларда халқ табobati анъаналари ва доришунослик илмига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Халқ табobatiда қўлланиладиган дориларни бир талай кўринишларда туркумлаш мумкин:

- дорининг таркибига қараб: туркона (содда, таркиби асосан бир жинсли маҳсулотдан иборат бўлади ва тайёрлашда махсус ошхона талаб қилмайди) ва мураккаб дорилар - таркиби бир неча турдаги хом-ашёлдан иборат, қайнатмалар, дамламалар, маъжунлар, хабдорилар, суртадиган дорилар, шарбатлар, кукундорилар, танага қўйиб боғланадиган дорилар шулар жумласидан.

- қўлланилиш усулига қараб: истеъмол қилинадиган (кулча, хаб, бўтқа дори), баданга суриладиган (малҳам), сингдириладиган (шиёфлар).

- дориларнинг кўринишига қараб туркумланиши: қаттиқ кўринишда (хаб), суyoқ кўринишда (дамлама, қайнатма), кукун ҳолатида (талқон) ва х.к.

Халқ табobatiда дориларнинг туркумлашга қадимдан катта эътибор қаратилиб, бу соҳада фаолият юритган Ибн Сино, Исмоил Журжоний, Бадруддн ибн Муҳаммад ибн Баҳром ад-Қалонисий, Абул-Ғозийхон ибн Араб Муҳаммадхон Чингизий Хоразмийлар кабиларнинг асарлари дорилар ва уларнинг хусусиятларига бағишлаб ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Республикамизда табobat ва гиёҳларнинг шифобахш хусусиятларига бағишланган асарларнинг чоп қилиниши аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилаётган бўлса, йиллар давомида халқнинг тўпланган тажрибалари натижасида аксарият содда кўринишдаги дорилар уй шароитида мустақил равишда тайёрланади. Халқ табobati тавсиялари асосида уй шароитида тайёрландиган дори-дармонлардан аксарият ҳолларда дамлама (настой), қайнатма, суртма, малҳам, обзан (ванна), жомча (ванночка), бўқтирма, бозиллатма (компресс), кукун кўринишида бўлади[12:15]. Уй шароитида содда дориларни тайёрланишнинг яна бир сабаби мавжуд гиёҳ ва бошқа зарур маҳсулотларнинг эркин савдо қилиниши ва тайёрлаш учун махсус жиҳозлар талаб қилинмаслигидир.

Мураккаб турдаги дориларни тайёрлаш махсус билим ва шароит талаб қилгани учун бугунги кунда ҳам уларни табиблар тайёрлаб тавсия этадилар. Мураккаб дориларнинг таркиби бир неча тур маҳсулотларни ўзида қамраб олади ва тайёрлаш ҳам бир қанча босқичлардан иборат. Масалан, айрим дориларни тайёр бўлиш муддати жуда узоқ бўлиб, табиблар бундай дориларни "подшолар маъжуни" дейишади. У йигирма йилда тайёр бўлади, қирқ йилгача кучаяди, олтмиш йилдан сўнг кучи пасаяди. Қадимда подшолар ёш табибга шундай дори тайёрлашни буюрган ва қариганда фойдаланишни кўзлаган. Ёки, бу маъжунни табибнинг отаси тайёраб, ўғлига мерос қолдириб кетади ва ўғли дори мароми-



га етгач, ундан фойдаланади[5]. Мураккаб дориларни беморнинг умумий аҳволи, мизожи ва касалликнинг қайси босқичда эканлигига қараб ичиш давомийлиги ва миқдори белгиланади. Табибларнинг аксарияти дориларни ўзлари тайёрлайди ва уни таркибини қаттиқ назорат қилади. Дориларнинг тайёрлаш босқичлари, муддати, таркиби ва қандай касалликларга даво бўлиш хусусиятларига қараб табобатда айримлари мунтазам қўлланса, айримлари аҳён-аҳёнда ишлатилади. Дори-дармонлар ичида энг кўп тарқалгани хапдори, капсула ҳамда шифобахш ўсимликларнинг дамламалари, қайнатмалари, малҳамлари ва ҳоказо[9:244]. Булар, одатда, ичилади, жароҳатга қўйилади.

Табобатда дориларни туркумлашнинг кенг тарқалган шаклларида бири унинг қўлланиш усулига кўра ажратишдир. Дориларни қўллашда мавжуд касаллик инсон танасининг қайси қисмида эканлигига алоҳида эътибор берилади. Ички орган касалликларига истеъмол қилинадиган дорилар кўпроқ берилса, тананинг ташқи қисмидаги жароҳатларга суриладиган дорилар қўлланилади[8].

Қуйида мавжуд адабиётлар таҳлили ва этнографик тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида халқ табобати доришунослигида кенг тарқалган дори номлари ва ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтилган. Халқ табобатида қўлланиладиган дори турлари йирик уч гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилган:

Ичиладиган ва истеъмол қилинадиган дорилар.

Талқон. Баъзан у *кукун дори*, *сафун* деб ҳам юритилган. У анъанавий табобатда энг кўп тавсия қилинган дори тури ҳисобланади[13:52]. Талқон дорилар асосан ичишга тавсия қилинган, баъзи вақтларда турли яраларга сепишга ҳам берилган. Бугунги кунда халқ табобати ёки доришуносликка бағишлаб нашр қилинган адабиётларнинг аксариятида уй шароитида тайёрлаш мумкин бўлган талқон дориларнинг турлари берилган.

Кулча. Бу турдаги дорилар халқ табобатида қадимдан қўлланилган. Бугунги кунда ҳам аксарият табиблар истеъмол қилинадиган дориларни кулча кўринишида тавсия этишади[4]. Ҳатто уни табиблар инсон ҳаётини енгилишига қўймайдиган "юлдуз кулчалар"и деб ҳам атаганлар.

Ийараж – юнонча сўз бўлиб, ўзбек тилида *мослаштирилган*, *тузатувчи* деган маънони билдиради. Бошқа манбаларда *ийараж* сўзи юнонча "муқаддас дори"[2:139] деган маънони билдириши айtilган. Табиблар айрим ҳолларда ийаражни сурги дори сифатида ишлатишади.

Бўтқа дори. Юмшоқ дори турига кириб, асосан ичиш учун қўлланилган. Табиблар кўпинча ёш болаларга ушбу турдаги дориларни тавсия этишади. Сабаб, дорини хаб ёки кулчадан кўра бўтқа кўринишида бўлиши фойдаланишда жуда қулай[6].

Жуваришн– форсча гуваришн сўзини арабча шакли бўлиб, "овқатни ҳазм қилмоқ" деган маъно англатади[2:138]. Ўрта аср манбаларида бу турдаги дорилар эрон ҳақимларининг ихтироси эканлиги айtilган. Жуваришнлар меъданинг ишини яхшилаш ва ҳазмни кучайтириши мақсадида тавсия этилади.

Шарбатлар. Шарқ табобатида кенг тарқалган дори арабча *сируп* (сироп)[15] сўздан олинган. Бугунги кунда шарбатларни ёзда турли шифобахш гиёҳлар ва мевалардан тайёрлаб, йил давомида фойдаланиш имконияти мавжуд. Инсон орга-

низмида суюқлик балансини таъминлаш ва ошқозон, юрак касалликларни даволашда табиблар ушбу воситадан фойдаланишади. Шарбатлар талқон ва қисман кулча дорилар сингари бошқа мураккаб дориларга нисабат уй шароитида кўпроқ тайёрланади.

Арақи (дистиллат) қадимий анъанавий дори тури ҳисобланади. Арақ'-форсча сўз бўлиб, *хайдалган* хушбўй сув деган маънони билдиради. Табиблар арақини тайёрлашда қўшимча ҳид берувчи восита сифатида хушбўй гуллардан фойдаланганлар[5].

Хаб. Хаб дориларни тайёрлашда унинг таркибига кирадиган ўсимликлар айрим-айрим ҳолда янчиб эланади. Сўнгра қайнатилади ва сузилиб, таъм берувчилар таъсирни узайтирувчи моддалар (асал, кунжутмойи, арпа уни) қориштирилади.

Маъжун. Маъжун номи маожин араб сўзининг луғавий маъноси, қорилган ва хамир қилинган дегани. Маъжун дорилар янчиб, эзиб аралаштирилган мураккаб дори тури ҳисобланади ва уни тайёрлаш узоқ муддатни талаб қилади. Тайёрланган маъжун қирқ кунгача алоҳида қўйилади, шундан сўнг ишлатишга тавсия қилинади[13:56]. Маъжун билан жуваришларнинг тайёрлашдаги асосий фарқ бу маъжун таркибига кирадиган дори воситалари майдалаб янчиб эзилади, жуваришда эса йирикроқ қолдириб майдаланади. Маъжунга кўпинча асал қўшилади[7].

Сингдириладиган дори тури.

Шиёфлар (шоффа). Шиёфлар икки хил бўлади. Биринчиси кўз ва бурун касалликларида қўлланиладиган хили, иккинчиси эса ички касалликларда ишлатиладиган турлари. Қандай касалликка қарши қўлланилишига қараб унинг хажми ўзгариб боради. Масалан, Боситхон Шоший – "ички касалликлар учун шиёфнинг узунлиги олти бармоқдан кам бўлмаслиги керак" – дейди.[3:38].

Суриладиган дорилар.

Йиғма. Йиғма дорилар табиб томонидан тўпланган гиёҳларни қисмларининг йиғиндиси ҳисобланади. Масалан: гули, илдизи, меваси ва х.к. Йиғма дори қарийб хом-ашё ҳолатда бўлиб, беморга керакли миқдорда буюрилади. Йиғмалардан асосан содда дорилар тайёрлаш ёки уй шароитида қўллаш мумкин бўлган даволаш усуларида фойдаланилади, яъни ундан қайнатма, дамлама, кукун кибларни тайёрлаш мумкин.

Тарёқ. Унинг келиб чиқиши ҳақида X-XI асрларда яшаган олим Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий "Мафотих ул-улум" асарида *тарёқ* сўзини юнонча "тирийун" сўзидан олинган деб ёзади. Унинг таркибида камида 40-60 тадан ортиқ доривор воситалар бўлганлиги учун кўп касалликларга даво бўлади. Тарёқни узоқ муддатга сақлаш имконияти бўлган ва табиблар кўпинча заҳарланган беморларни даволашда кенг қўллаган. Айниқса, чаён, илон ва шунга ўхшаш чақувчи ҳайвонларнинг заҳарига қарши ишлатилган.

Мураккаб дориларни тайёрлаш учун алоҳида жиҳозлар ва лаборатория (ошхона) зарур ҳама табибдан катта тажрибани талаб қилади. Табиблар доришunosлик илми доирасида изланиш олиб боришганида, аввало ўзига қадар яратилган асарларни ўрганади. Аксарият доригар табиблар олдинги табиблар тавсия



этадиган дориларни такомиллаштиришга ва айрим четдан келадиган хом-ашёлар ўрнини маҳаллий воситалар ёрдамида тўлдириб янгича кўринишга келтирига муваффақ бўлишган. Шунинг учун тиб асарларида бир кўринишдаги дори турларини бир қанча олимлар номи билан аталадиган шакллари мавжуд. Масалан, табобатда маъжунни 160 дан ортиқ турлари бор. Тадқиқотлар жараёнида аксарият табибларнинг дори тайёрлаш учун шахсий ошхоналарга эга эканлигини гувоҳи бўлдик: Бухорода Ато Кенжаев, Самарқандда Салим Абдуллаев, Наманганда "Шарқ табобати" маркази, Қашқадарёда Абдуқаҳҳор Хонназаров шулар жумласидан. Олиб борилган этнографик тадқиқотлар жараёнида юқорида келтирилган дориларнинг аксарияти замонавий табиблар томонидан тайёрланишининг гувоҳи бўлдик. Лекин, баъзи мураккаб дорилар ва тайёрлаш жараёни узоқ вақт талаб қиладиган малҳамларни тайёрлаш билан боғлиқ анъаналарни амалиётда кам учратдик. Замонавий тиббиёт, фармакологияни тараққий этиши ва республикада халқ табобатига расмий мақом берилмагани халқ табобатининг турли йўналишлари қаторида доригарлик илмида ҳам айрим қийинчиликларни юзага келтиради. Табиблар билан бўлган суҳбатлар ва беморлар ўртасидаги сўровномалар асосида таъкидлаш жоизки аксарият табиблар ўзлари қўлайдиган дорилари таркиби ва ишлатиш қоидаларини сир тутадилар. Чунки, табибнинг кейинги фаолияти ва моддий эҳтиёжи шунга боғлиқ. Масалан, беморларнинг фикрича, каттақўрғонлик Б. Эргашев мижозларининг дори ичишини шахсан ўзи назорат қилади ва малҳамни хонадан ташқарига чиқаришга йўл қўймайди. Нурободлик табиб А. Ярмагов тайёрлаган дориси илон захридан иборатлигини айтадию, уни тайёрлаш жараёни, тўла таркиби ҳақида тўхталишни ёқтирмайди. Бу ҳолатлар ҳам мавжуд табобат дорилари ҳақида тўла маълумот тўплашда айрим муаммоларни юзага келтирди.

Гийёҳ қисмларини йиғиш, дори учун ҳайвон аъзоларини танлаш, минералларни топиш ва уларни тозалаш, куйдириш, керакли миқдорини аниқлаш кабилар халқ турмуш тарзи ва табиблар фаолиятида сақланиб қолган. Бугунги кунда ҳам аксарият табиблар доригарлик устида изланишлар олиб боришмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Traditional medicine strategy 2002-2005. - Geneva: World Health Organization, EDM, 2002.
2. Алекперли Ф. Тысяча и один секрет Востока. том II. - Баку: Нурлан, 2008.
3. Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий. I-китоб. Даво тадбирлари. - Т.: «Турон замин зиё», 2003.
4. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Уйчи тумани Ғайрат қишлоғи, 2016 йил.
5. Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти Нарпай тумани Қорасийроқ қишлоғи. 2016 йил.
6. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Алпомиш маҳалласи, 2016 йил.
7. Дала ёзувлари. Сурхондарё қишлоғи Ангор тумани Қорасув қишлоғи, 2015 йил.
8. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғи, 2014 йил.



9. Жураев А. Халқ таботати. - Т.: «Шарқ», 2008.
10. Каримова С. Қарободин-доришунослик китоби // Шарқшунослик. 1993. № 4.
11. Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит турк. 1-том. - Т.: Фан, 1960.
12. Набиев М. Чотқол неъматлари. - Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги номидаги тиббиёт нашриёти, 2004.
13. Собиров Р. Хоразм анъанавий таботатида доривор ўсимликларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш. - Хива: Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2011.
14. Тойжонов К. Таботат гулдастасининг ифорлари // «Тошкент оқшоми». 1994 йил 28 декабрь.
15. Холматов С. Доривор ва зиравор ўсимликлар // tfi.jethost.uz/intranet/Elibrary/Usimliklar/index.htm.

РЕЗЮМЕ


Ушбу мақолада ўзбек халқ таботатида ишлатиладиган дориларнинг хусусиятлари келтирилган. Дориларнинг кўриниши, таркиби ва қўлланилиши ва тарихига оид этнографик материаллар таҳлил қилинган. Шунингдек, халқ таботати доришунослигида ишлатиладиган турли хом-ашёлар борасида ҳам маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описываются особенности лекарственных средств, используемых в народной медицине Узбекистана. Проанализированы этнографические материалы по внешнему виду, составу и истории препарата. Он также содержит информацию о различных сырьевых материалах, используемых в народной медицине.

RESUME

This article describes the features of medicines used in folk medicine in Uzbekistan. Ethnographic materials on the appearance, composition and history of the drug are analyzed. It also contains information on various raw materials used in traditional medicine.





AKADEMIK V.V.BARTOLD ASARLARIDA BUHORO TARIXIY TOPONIMLARI XUSUSIDA

Тўймурод ХУДОЙҚУЛОВ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти Бухоро филиали.

Таянч сўз ва иборалар: Академик В.В.Бартольд, Бухоро тарихий топонимлари, тадқиқот, жой номининг келиб чиқиши, маҳаллий манбалар, жаҳон манбалари.

Таниқли шарқшунос олим, академик В.В.Бартольд илмий меросида Бухоро тарихий топонимлари хусусида бир қатор қимматли маълумотлар мавжуд. Олим асарларида келтирилган маълумотлар Бухоро тарихий топонимларини илмий таҳлил этишда мавзу объекти сифатида белгилаб олинди. Бухоро шаҳридаги жой номларини ҳар томонлама ўрганиш, масаланинг асл моҳиятини очиб бериш каби вазифанинг ўзи мавзу борасидаги тадқиқотларнинг долзарблик аҳамиятини оширади.

Тарихий жараёнларда бир неча бор ташқи таъсирга учраган Бухоро воҳаси топонимларнинг этимологик хусусиятлари ҳам турлича кўринишга эга. Шу сабабли турли-туман жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган Бухоро тарихий топонимларини илмий ўрганиш зарур. Академик В.В.Бартольд асарларини таҳлил этиш орқали Бухоро тарихий топонимларини даврий жиҳатдан таснифлашга ва этимологик хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Тарихшунос В.В.Бартольд ўз асарларида "Бухоро" топонимининг келиб чиқиши билан боғлиқ қарашларни қайд этиб ўтган. Тадқиқотчи Бухоро тарихий топоними тўғрисида дастлабки маълумотлар Хитой манбаларида учрашини таъкидлайган. Бу борада олимнинг қуйидагича фикри мавжуд: "Хитойликлар Бухорони V асрдан бошлаб "Нюми" деб аташган. Бу ном араблар фатҳидан сўнг ҳам учрайдиган маҳаллий "Нумижкат" (Навмижкат) атамасига тўғри келади". Олимнинг яна бир маълумотида Бухоро номи "Бухо" тарзида илк бор хитойлик Сюан Цзян (милодий 630 йилларга тўғри келади) томонидан тилга олингани таъкидланади. Хитойлик сайёҳ Сюан Цзяннинг сўзларига таянган ҳолда В.В.Бартольд қуйидагича фикрни қайд этади: "Эҳтимолки, "Бухар" сўзи санскритча "вихара" - "ибодатхона" сўзининг турк-мўғулча кўринишидир". Олим шунга ўхшаш маълумотни Жувайний¹ ҳам бериб ўтганини таъкидлайди. Бухоро

¹ В.В.Бартольд Алоуддин Отамалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал- Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонкушой" асарига мурожаат этганини таъкидлайди. Бу асар XIII асрда (1260й) ёзилган.



сўзининг луғавий маъноси билан боғлиқ кўплаб қарашларда юқоридагига яқин маълумотларга дуч келамиз. Баъзи тадқиқотчилар Бухоро топонимининг луғавий маъносини "Тангри жамоли", "Оллоҳ назар солган жой" тарзида талқин этишади. Мазкур талқиндаги қарашлар хитойлик сайёҳ Сюан Цзяннинг маълумотлари мазмунига ҳамоҳангдир.

В.В.Бартольд Бухоро топонимининг келиб чиқиши билан боғлиқ бир-бирига ўхшаш маълумотларнинг қадимдан маҳаллий ва жаҳон манбаларида учрашини ва кейинги даврларда ҳам шу тарзда талқин қилинишини ўз қарашларига асос сифатида келтиради. Юқоридаги мулоҳазалардан тушуниш мумкинки, Бухоро топонимининг этимологияси исломгача бўлган даврда шакланган бўлиб, мазмуни кўпроқ "илоҳий жой" маъносини беради деган қарашлар етакчилик қилиб келмоқда.

В.В.Бартольд "Муғлар қасри" номи билан аталган кўча ҳақида маълумотлар келтиради. Олимнинг Наршахийга таяниб айтишича, Бухоро араблар томонидан фатҳ этилгандан сўнг, бой савдогарлар шаҳардан кўчиб қалъанинг шимоли-ғарбий томонида ўзларига 700 та қаср қуришган. Шаҳарнинг бу қисми Сомонийлар даврида ҳам "Муғлар қасри" номи билан аталган. X асрда юз берган ёнғин оқибатида бу кўча йўқолиб кетган. Олим бу жойлар кейинчалик Н.Хаников томонидан шаҳар чизмасига киритилганини қайд этиб ўтган.

Бухоро шаҳрида жойлашган қадимги "Моҳ бозори" номи билан аталган кўча ҳақида В.В.Бартольднинг

қайдлари мавжуд. Тадқиқотчи Наршахийга мурожаат этган ҳолда кўчанинг жойлашган ўрни ва номланиши билан боғлиқ бир қатор фикрларни илгари суради. "Бозор Моҳ масжиди қурилган жойда, ариқ ёнида бўлган. Моҳ бозорида маҳаллий аҳоли вакиллари бут ва санамларни сотиб олишган. Кейинчалик бу жой оташхонага айлантирилиб, одамлар бозор кунлари шу жойда оловга сифинишган". Тушуниш мумкинки кишиларнинг эътиқод шакли жой номининг пайдо бўлишига таъсир этган.

В.В.Бартольднинг маълумот беришича, Бухоро шаҳрининг ўзида иккита ариқ оқиб келувчи жой маҳаллий аҳоли томонидан "Навбаҳор" номи билан аталган. Навбаҳорнинг жойлашган ўрни тадқиқотчи томонидан аниқ кўрсатилмаган. Бу борада олим ўз фаразларига таяниб ариқларнинг йўналиши масалани очишга ёрдам бериши мумкин деб ҳисоблайди. Унга кўра, ариқларнинг бири жануби-ғарбий йўналиш Пойкент томонга, иккинчиси эса жануби-шарққа Қарши йўли томонга қараб оққан. Навбаҳорни Шоҳруд каналининг Жайҳун йўналиши бўйлаб Пойкентга борадиган томондан қидириш мумкин, аммо бу масала чуқур тадқиқотларни талаб қилади дейди тадқиқотчи.

В.В.Бартольд асарларини таҳлил этиш давомида Бухоронинг қадимий жойларидан бири Ромитан ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз. Олим бу жой ҳақида ёзишда Наршахий ва Мақдисийнинг асарларига таянганини айтиб ўтади. В.В.Бартольднинг таъкидлашича, ҳижрий I аср бош-



ларида маҳаллий аҳоли анъанага кўра, кўпгина жойларни Бухородан қадимийроқ деб ҳисоблашган. Бу жумла қадимий Ромитанга нисбатан ҳам ишлатилган. Мақдисий эса Ромитанни "Қадимги Бухоро" (Бухорои ал - қадима) деб атади.

Бухоро аҳолиси орасида тарқалган ривоятга кўра, Ромитан Бухоро вилоятининг пойтахти бўлиб, Бухородан қадимийроқ ҳисобланган. В.В.Бартольднинг қайд этишича, Ромитан Бухородан шимолда 18 верст² узоқликда жойлашган. Ромитан топоними ҳозирги кунда ҳам кенг муомалада. Шу ном билан аталувчи туман жуғрофий ва сиёсий моҳиятини ўзгартирган бўлса-да, жой номининг келиб чиқиши қадимий ҳисобланади.

В.В.Бартольд асарларида Ромитан билан боғлиқ яна бир топоним учрайдики, олим бу ҳақда фикр билдиришда Берунийга мурожаат қилади. Берунийнинг сўзларига қараганда, Ромитан қўрғони рўпарасида Кайхусрав Ромуш қишлоғини қурдиради. Ромуш қишлоғида Бухоро маъжусийларининг Ромуш оға байрами нишонланган. Байрамда маъжусийлар Ромушдаги олов ибодатхонаси атрофида йиғилиб диний маросимлар ўтказишган. В.В.Бартольд таъкидлаганидек, Ромушнинг жойлашган ўрни аниқланмаган.

Бухородан 7-8 фарсах³ шарқда жойлашган яна бир жой ҳақида В.В.Бартольд асарларида маълумот бор. Бу жой араблар томонидан "Тавовис" дея номланган. "Тавовис" арабчадан "товуслар" деган маъно-

ни билдиради. Наршахийнинг маълумот беришича, тавовисликлар бойкишилар бўлиб, ҳар бирининг уйида бир ёки икки ва ундан кўп товуслари бўлган. Тавовис Бухоро ва Қарши шаҳарларидан тенг узоқликда, узун деворлардан ичкарида бўлган Ситняковский тадқиқотлари натижасида Тавовиснинг асл жойи "Шаҳри вайрон" номи билан аталдиган харобалар ўрнида жойлашган дея хулосага келинган. В.В.Бартольд Зимин ва Ситняковскийнинг излаишлари натижасида берган хулосаларига таяниб, ушбу фикрни маъқуллайди. Аммо, "Шаҳри вайрон" Ҳазора қалъасининг қолдиқлари бўлиши ҳам мумкин деган тахмин тадқиқотчиларни бироз ўйлантиради.

Ҳофизи Абрў бу шаҳар XVI асрда ҳам вайрона ҳолатда эканини тасдиқлайди Зимин ва Ситняковский Ҳазора қалъасининг ҳажми "Шаҳри вайрон" ҳудудидан анча катта бўлганини айтишади. В.В.Бартольд манбаларда келтирилган маълумотларнинг аксарияти бу жой кўпроқ Тавовисга нисбатан тўғри келишини ва тадқиқотлар давомида бу фикрлар ўз исботини топганини таъкидлаб ўтади. Академик В.В.Бартольд ўзи билан замондош археологларнинг тадқиқотлари натижасига таянган ҳолда Тавовис жойлашган ҳудуд масаласида якуний хулосага келади.

Қадимги Пойкент ҳақида ҳам В.В.Бартольднинг қайдлари мавжуд, у Пойкент ҳақида ёзишда ҳам Берунийга мурожаат қилади. Беру-

² 1 верст - 1,06 км.

³ 1фарсах (1200 қадам) 8500м га тенг.



нийнинг маълумот беришича, Пойкент Бухородан Хуросонга бориш йўлида жойлашган шаҳарлардан бири бўлган. Пойкент савдогарлар шаҳри бўлиб, шаҳарнинг эгаллаган майдонига нисбатан савдо ҳажми кенг бўлган. Ҳозирда Пойкент шаҳри харобалари сақланиб қолган. 1913 йилда Зимин Пойкент харобаларида тадқиқотлар олиб бориб, қадимий шаҳар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берган.

Пойкент ҳақида фикр билдириш давомида В.В.Бартольд Кемижкатни ҳам қайд этиб ўтади. Унинг таъкидича, Кемижкат ҳудудлараро савдони бошқариб, йўналтириб турувчи қишлоқ бўлган. "Кемижкат номи географик адабиётларда учрамайди ва бу бирор бир номнинг диалектик шакли бўлса керак" - дейди олим. "Яна шундай савдо қишлоқларидан бири Шарғ бўлган. Бу қишлоқ Бухородан 4 фарсах узоқлика жойлашган. Қишлоқнинг номи Чарх бўлиши ҳам мумкин" - дейди В.В. Бартольд.

Бухоронинг ташқи девори дарвозаларидан бирининг номи "Навбахор" бўлган. В.В.Бартольднинг ёзишича, дарвозанинг жойлашган ўрни XX аср бошларида "Мозор" номи билан аталган дарвоза ўрнига тўғри келади. Бу ном Баҳоуддин Нақшбанд яшаган қишлоқ билан боғлиқ. Бу қишлоқ ҳақида фикр билдирар экан В.В.Бартольд асосан В.Л.Вяткиннинг маълумотларига таянади. Баҳоуддин Нақшбанд яшаган қишлоқнинг номи XIV асрга қадар "Қасри Ҳиндувон" номи билан аталган. Фақат, бу улуг авлиёга ҳурмат юзасидан кейинчалик қишлоқнинг номи "Қасри Ори-

фон"га ўзгартирилган. В.Вяткиннинг ёзишича, Ўрта Осиёда Ҳиндувон номи билан аталувчи кўплаб қишлоқлар учрайди. Шу ўринда В.В.Бартольд Самъонийнинг қарашларига таянади. "Балхда "Ҳиндувон дарвоза" маҳалласи бўлиб у ерда Ҳиндистондан келтирилган қул ва чўрилар яшаган. Уларнинг аксарияти ҳақида маълумотлар темурийлар ва унга қадар битилган манбаларда учрайди". Ривоятларга кўра, бу қишлоқларга Темурийлар даврида асос солинган. В.В.Бартольд Истахрийнинг асарларида учрайдиган шунга ўхшаш маълумотни келтиради. "Балхда Ҳиндлар дарвозаси" ва "Яҳудийлар дарвозаси" кўчалари бор. Уларнинг ҳатто, дарвоза рўпарасида тижорат мажмуалари ва ҳеч бўлмаганда савдо расталари бўлади". Шу фикрга муносабат билдириб В.В.Бартольд 1886-йилда ҳам Балхда ҳиндларнинг савдо расталари мавжуд бўлганини таъкидлайди.

В.В.Бартольд Бухоро ва Балхда ҳиндларнинг тарқалишини буддавийлик кириб келиши билан боғлайди. Бу албатта, тадқиқотчининг шахсий фикри. Етарлича асосланмаган бу фикрни қабул қилолмаймиз ва инкор ҳам этолмаймиз. "Қасри Ҳиндувон" топоними билан боғлиқ қарашларни ҳар томонлама асослашга ҳаракат қилган В.В.Бартольднинг изланишларини юқори баҳолаб кейинги давр тадқиқотчилари учун қимматли маълумотлар қолдирган дейишимиз мумкин.

В.В.Бартольд томонидан Бухоро топонимлари алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этилмаган. Олимнинг мавзуга яқин асраларидан Бухородаги жой номлари борасидаги



қарашларини ажратиб олиб таҳлил қилиш мумкин. Шунга қарамасдан, олим илмий меросида Бухоро топонимлари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар ўз савияси жиҳатидан илмий таҳлилий тадқиқотларга объект бўла олади.

Академик В.В.Бартольднинг Бухоро топонимлари борасида қимматли маълумотлари ва изланиш хулосалари қайд этилган асарларини таҳлил этиш натижасида, тарихий жой номларининг этимологияси ва муомалада фаоллиги хусусиятидан келиб чиқиб уч гуруҳга ажратиш мумкин:

а) қадимда пайдо бўлиб шу топоним билан боғлиқ жой ўрни ҳозирда сақланмаган ва муомалада фаол бўлмаган архаик топонимлар;

б) тарихий даврда пайдо бўлган, ўз тарихий ўрнини сақлаб қолган ва ҳозирда тор доирада қўлланиладиган тарихий топонимлар;

с) ўтмишда пайдо бўлган, ўз ўрнини сақлаб қолган ва ҳозирда ўша жойда ҳаёт давом этаётган тарихий-замонавий топонимлар.

В.В.Бартольд асарларини ўрганиш жараёнида Бухоро топонимлари ҳақида баъзида етарлича асосланган, баъзида эса илмий асосланмаган маълумотлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Бу олим томонидан қолдирилган маълумотларни синчковлик билан ўрганишни тақозо этади Олим Бухородаги жой номлари ҳақида фикр юритар экан, маҳаллий ва жаҳон (хориж) манбаларига мурожаат қилганини таъкидлаб ўтади. Айниқса, жой номларининг пайдо бўлиш даври билан боғлиқ маълумотларни қайд этишда, тадқиқотчи ўша топонимнинг пайдо бўлиш даврига тааллуқли манбани ҳам келтириб ўтган. Бу билан В.В.Бартольд Бухоро топонимлари борасидаги ўз фикрларини даврий манбалар орқали далиллашга ҳаракат қилган.

Академик В.В.Бартольд асарларида Бухоро шаҳри топонимлари тарихининг ёритилишини ижобий баҳолаб, келгусида мавзу юзасидан кенг кўламли тадқиқотларни давом эттириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Asqarov A.A., Vuxoroning ibtidoiy davr tarixidan lavhalar. T., 1973
2. Аминов Ф.М., Бухара и русское востоковедение // Молодой ученый. - 2015. 652. - URL <https://moluch.ru/archive/102/23368/> (дата обращения: 10.07.2019).
3. Бухоро Шарқ дурдонаси/ Муаллифлар жамоаси. -Т: "Шарқ", 1997
4. Бартольд В.В. Соч. -Т.II, -Ч.1, -М, 1963.
5. Бартольд В.В. Бухара. Соч. -Т.III, -М, 1965
6. Бартольд В.В.Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., Т.I, М., 1963
7. Бартольд В.В. Бухара. Её памятники и их судьба. -Соч. -Т.IV, -М, 1966
8. Бартольд В.В. Зеравшан. Соч. -Т.III, -М, 1965
9. Бартольд В.В. Сочинения. -Т.IV, -М, 1966.

10. Вамбери А., "История Бухары или Трансоксании" (перевод Павловского, СПб., 1873);
11. Eversmann E., Reise von Orenburg nach Buchara. Берлин, 1823. также Russian Missions into the interior of Asia, Лондон, 1823
12. История Узбекистана в источниках. Составитель Лунин Б.В., Т., «Фан». 1984.
13. Наршахий. Бухоро тарихи, -Т., 1991.
14. Некрасова Е.Г., О нескольких старых планах Бухары. В сб. Из истории культурного наследия Бухары. Вып.10.-Бухара. 2006.
15. Недвецкий А.Г., Правители Бухары. <http://greylib.align.ru/410/a-g-nedveckij-praviteli-buxary.html>
16. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. -Т., 1982
17. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографический очерк). -Т., 1958.
18. Тўраев Ҳ., Бухоро тарихининг илк ўзбекча таржимаси. Имом - Бухорий сабоқлари, 2015/2,
19. Тўраев Ҳ., Маҳаллий ўлкашунослар илмий меросида тарихий топография ва меъморий обидалар.-Бухоро, 2019.
20. Hofiz Tanish Vuxoriy. Abdullanoma. I-II-kitoblar T "Sharq", 1999-2000
21. Шубинский П.П., Очерки Бухары. СПб., 1892
22. Ханьков. Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843
23. Маев Н.А., Бухоро хонлиги очерклари./ тарж. Т: «Фан ва технология», 2012

РЕЗЮМЕ


Мақолада академик В.В.Бартольд асарларида қайд этилган Бухоро тарихий топонимлари таҳлил қилинган. Бухоро топонимлари даврий ва тарихий жиҳатдан тизимли равишда ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются исторические топонимы Бухары, записанные в работах академика В.В.Бартольда. Систематическо рассматриваются топоними Бухарского оазиса со стороны периодичности и историзма.

SUMMARY

The article analyzes the Bukhara historical toponyms mentioned in the works of academician V.V.Bartold. Bukhara toponyms are periodically and historically studied systematically.





SOHIBQIRON HAQIQATI YOXUD IBROHIM MO‘MINOVNING


TARIXIY JASORATI

МУҚАДДИМА

*«Илм эгалланг! - Илм сафарда дўст, ҳаёт йўлларида таянч,
ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дамларда раҳбар, қайгули
кунларда мадакдор, одамлар орасида — зебу зийнат,
душманларга қарши қуролдир»*

Ҳадисдан

Таниқли тарихнавис олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев 1923 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1941-1942 йилларда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. 1946 йилда Тошкент давлат педагогика институти тарих факультетини тамомлаган.



Олимнинг бутун ҳаёти ва илмий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология (1970 йилдан Тарих) институти билан чамбарчас боғлиқдир. У 1946-1949 йилларда мазкур институтда аспирантурада ўқиган. 1950 йилдан умрининг охиригача мазкур институтда кичик, катта, етакчи илмий ходим ва бўлим мудирини бўлиб ишлаган. Шунингдек, 1965-1985 йилларда институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида сидқидилдан фаолият юритган. 1953 йилдан бошлаб ТошДПИда талабаларга тарихдан узлуксиз сабоқ берган.

Ҳ.Зиёев 1953 йилда Москвадаги собиқ Иттифоқ ФА Шарқшунослик институтида «Шарқий Туркистонда 1826 йилги халқ қўзғолони» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Олимга 1964 йилда «XVI - XIX асрларда Ўрта Осиё ва Сибирь» номли салмоқли монографияси учун тарих фанлари доктори илмий даражаси берилган. 1968 йилда эса профессор илмий унвонига сазовор бўлган.

Ҳ.Зиёев ўз илмий фаолияти даврида нафақат Ўрта Осиё республикаларида, балки қўшни Қозоғистон, Россия, Татаристон, Бошқирдистон ва собиқ Иттифоқдаги бошқа мамлакатлардаги жами 25 дан ортиқ давлат архивларида Ўзбекистон тарихи, Сибирь ўзбеклари ҳаёти, Ўрта Осиё ва Россия алоқалари мавзуларида изланишлар олиб борди ва кўплаб ноёб тарихий маълумотларни тўплашга эришди.

Мактаб яратган Ҳ.Зиёевнинг илмий ишлари, асосан Ўрта Осиё, Россия ва Шарқий Туркистон тарихи, XIV — XX асрлардаги Ўзбекистон тарихини ўрганишга оиддир. Олим сўнгги йилларда ҳам Туркистон мустамлака дав-



ри тарихи муаммолари билан боғлиқ самарали илмий тадқиқотлар олиб борган эди. Устоз қуйидаги салмоқли китобларини чоп эттирди: Ўрта Осиё ва Сибирь. Т., 1963; Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. Т., 1965; Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги. Т., 1996; Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII — XX аср бошлари). Т., 1998; Истиқлол маънавият негизи. Т., 1999; Тарих — ўтмиш ва келажак кўзгуси. Т., 2000; Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (энг қадимги даврлардан — XX аср бошларигача). Т., 2003; Ўзбекистон мустақиллиги йўли курашлар тарихи (милоддан аввалги асрлардан - 1991 йил 31 августгача). Т., 2006; Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт сўқмоқларидан лавҳалар. Т., 2008; Амир Темур салтанати ва тақдири. Т., 2013, Ўзбекистон Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даврида. Т., 2012. Амир Темур томонидан Қуръони каримнинг асл нусхасини келтирилиши. Ўзбекистон мадрасалари тарихи. Т., 2009. (Бу ҳақда қаранг: Зиёев Ҳамид - ЎЗМЭ, 4-ж. Т., 2002, 12-б).

Ҳ.Зиёев ниҳоятда сермаҳсул олим бўлиб, 40 дан зиёд монографияси, илмий-оммабоп рисоалари, 400 дан кўпроқ мақолалари, бир нечта ҳикоялар тўпламларини нашр эттирган эди. 40 нафардан зиёд фан доктори ва номзодлари етиштирган, анча тадқиқот ишларига расмий оппонентлик қилган, китобларга масъул муҳаррир бўлган ва тақризлар ёзган. Уч юздан зиёд диссертацияларни синчиклаб ўқиган.

Устоз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» (1989) фахрий унвонига ва «Жасорат» медалига (1994) сазовор бўлган эди.

Домла 2015 йилнинг ёзида вафот этдилар. Устознинг руҳлари доимо шод бўлиб, охиратлари обод бўлсин, деймиз.

Профессор Ҳ.Зиёев ўзининг севимли устози академик И.Мўминовни (1908 - 1974) ниҳоятда ҳурмат қилиб, мустабид тузум даврида миллат жонкуяри сифатида елкадош ва маслақдош бўлиб ҳамкорликда илмий фаолият юритишган эди. Ҳамид домла академик устозига бағишлаб ҳам кўплаб мақолалар ёзганди: Деҳқон ўғли — академик (И.Мўминовнинг 60 йиллигига). — «Тошкент ҳақиқати», 1969 йил 24 январь; Сизга таъзим, устоз (И.Мўминовнинг 60 йиллигига). — «Ёш ленинчи», 1969 йил 24 январь (Ҳаммуаллиф А.Валиев); Илмий рисола. — «Совет Ўзбекистони», 1969 йил 4 январь; Илмий изланишлар натижаси. — «Совет Ўзбекистони», 1970 йил 14 январь; Илмий изланишлар меваси. — «Совет Ўзбекистони», 1970 йил 7 март (Ҳаммуаллифлар Б.Исмоилов, Ҳ.Расулев); Фаннинг моҳир ташкилотчиси. — И.М.Мўминов ҳақида хотиралар. Т.: «Фан», 1977, 111-114-б (рус тилида);

Домланинг «Илмий рисола», «Соҳибқирон ҳақиқати ёхуд И.Мўминовнинг тарихий жасорати», «Икки буюк воқеа: 1370 ва 1391 йиллар», «Амир Темур давлатининг мафкураси», «Тарих — ўтмиш ва келажак кўзгуси» каби ўзбек темуршунослиги йўналиши бўйича сермазмун илмий-оммабоп мақолалари ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотмаган.

Ҳамид домла ўтган XX асрнинг 60-йиллар охирларида устози академик И.Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» (1968) рисоласидаги гоёларни қўллаб-қувватлагани ва ижобий тақ-



риз ёзгани учун устози академик Я.Фулумов билан бирга кўп дакки эшитган эди.

Хуллас, Ўзбекистон истиқлоли жарчиси, ватанпарвар олим ва ғамхўр мураббий, илмий мактаб яратган аллома Ҳ.Зиёев ўзи ёзган сермазмун асарлари орқали халқимиз ўртасида барҳаёт, десак айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бош муҳаррир

Қуйида устоз Ҳ.Зиёевнинг «Соҳибқирон ҳақиқати ёхуд Иброҳим Мўминовнинг тарихий жасорати» номли қизиқарли мақоласи журналхонларга ҳавола қилинмоқда

Мустақиллик ва озодлик шарофати ила ўтмиш тарихни ўрганиш ва оммалаштиришга кенг йўл очилди. Айниқса, Амир Темур фаолиятини ёритиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, бу табаррук зот буюк давлат арбоби, машҳур лашкарбоши сифатида олам узра шуҳрат қозонганди. Аммо улуғ миллатчилик гоёлари билан сугорилган мустамлакачилар Амир Темурни қоралашга ҳеч нарсдан тоймадилар. Бундай тарихни сохталаштиришга қарши кураш ўша мудҳиш совет давридаёқ бошланганди. Бу ниҳоятда муҳим ишга биринчилардан бўлиб таниқли олим И.Мўминов қўл урган эди. Бундай ҳаракат жамоа аҳлини ҳайратга солгани ҳамон эсимда. Чунки қаттиқ назорат ва таъқиб ҳукм сураётган оғир шароитда мустақиллик рамзи ҳисобланган-Амир Темурни "оқлаш" ҳақида ошқора ёзиш ҳазил гап бўлмаган. Бунинг учун ватанпарвар, миллатпарвар ва жасоратли бўлиш зарур эди. И. Мўминов худди шундай олим сифатида ўзини кўрсатди. И.Мўминовнинг "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли" китоби нашр этилганда ниҳоятда эзилган ва хўрланган ўзбек халқида гурурланиш ва фахрланиш туйғулари уйғониб, елкасига офтоб ва кўкрагига шамол теккандек бўлди. Ўз-ўзини англаш ва миллий ҳис туйғулар жўш ура бошлади.

Бу ҳолат коммунистик партиянинг газабини кўзғатиши турган гап эди. Натижада хавф-хатар ва миш-миш гаплар зўрайиб борди. Марказдагилар И.Мўминов ва унинг тарафдорларига қарши курашда одатдагидек айрим мўрт кишиларни ишга солишди, яъни "сопи ўзидан чиқарилди".

Хўш, Амир Темурни "оқлаш" ва унга қарши кураш жараёни қандай кечган эди?

Авваламбор шуни айтиш лозимки, мен ЎзРФА Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва айна пайтда бўлим раҳбари лавозимида ишлардим. Шу боис И.Мўминов мени чақириб деди:

-Энди тарихий шахсларни, биринча навбатда, Амир Темур фаолиятини ўрганиш зарурияти туғилди. Бу масала бўйича институтда қандай ишлар қилинган?



-Афсуски, ҳеч бир иш олиб борилмаган, биласиз, бундай масалани ре-
жалаштиришнинг имкони йўқ, рухсат берилмайди. Менимча, хоҳиш-ирода
ва жасорат бўлса, йўлини топса бўлади.

-Ҳамидулла! Қачонгача ватани ва халқига фидокорона хизмат қилган
давлат арбоблари қораланади. Сизга топшириқ шуки, мутахассислар би-
лан Амир Темур ҳақида илмий иш ёзиш борасида гаплашинг. Қўрқманг-
лар, қувватлаймиз ва ёрдам берамиз.

Очигини айтганда, Иброҳим аканинг бу сўзлари менинг учун гайрита-
бий бўлиб кўринмади. Чунки, у киши билан кўп йиллар мобайнида суҳ-
батларида бўлиб, ўтмиш тарихга меҳр-муҳаббатини ва ватанпарварлигини
яхши билардим.

Бир ҳафта давомида тарихчилар билан суҳбатлашдим, лекин бирор киши
Амир Темур ҳақида иш ёзишга розилик билдирмади.

Марҳум академик Яҳё ака эса менга шундай деди:

-Мен жон деб бу ишни қилардим, лекин қанд ва кўз касаллигимнинг
зўрайиши орқасида имконим йўқ. Агар кимки бу ишни қилса ёрдамимни
аямайман. Бир гапни ҳар эҳтимолга қарши айтай: Амир Темурга ижобий
баҳо берсак, ҳаммамизни миллатчиликда айбашлари мумкин. Менинг учун
буни ҳеч қандай хавфи йўқ, чунки акам халқ душмани сифатида отилган-
дан кейин мени терговга чақиравериш кўп азоб беришган. Бордию мил-
латчиликда айбашса, И.Мўминовни Ш.Рашидовнинг қудаси бўлганлиги
учун сийлашлари турган гап. Бошқа одамларни ким ўз ҳимоясига олади.
Масалан, шахсан Сизни балодан қутқара олади.

-Яҳё ака, мени ўзим асли урушда ўлиб кетадиган одам эдим, лекин
эсон-омон қолиб шу даражага етдим. Сийловга қолган умримни тарих
фани учун қурбон қилишга розиман,-дедим.

-Ҳамма нарсани тушуниб турибман, сизни синаб курай деган эдим.
Сиз ўзингиз танлаган йўлдан кетаверинг, асло қўрқманг!

Мен Иброҳим акага розилик билдирган бирорта тарихчини тополма-
ганлигимни маълум қилдим. Бир неча дақиқа Иброҳим ака ранги оқариб
ва жаҳли чиқиб деди:

-Наҳотки тарихчиларнинг орасидан битта ҳам хўроз топилмаса, бу жуда
уят-ку, ахир.

-Авалло, ўрта аср тарихи бўйича мутахассислар жуда оз, ёшлар эса
совет даври тарихини ўрганишга жалб этилган.

-Биз ўтмиш замон тарихини унутмаслигимиз лозим,-деди Иброҳим
ака.

Кўп ўтмай Иброҳим ака Амир Темур фаолиятини шахсан ўзи ёзишга
аҳд қилганлигини маълум қилди. Бу мени ва бошқа олимларни ҳайратлан-
тирди. Чунки Иброҳим ака партия голавий сиёсатининг бош раҳбари, де-
путат ва давлатнинг ишончли кишиларидан бўла туриб, қораланаётган
Амир Темурни ўрганишга жазм этиши ғалати бир ҳодиса бўлиб кўринди.
Ҳатто, бунга Ш. Рашидовдан рухсат бўлганми ёки йўқмикин, деган фикр-



лар оралаб қолди. Менимча, Иброҳим аканинг ватанпарварлиги, мардлиги ва жасорати устун келган эди. У бир неча ой давомида манбаларни қунт билан ўрганиб, умумлаштириб ишни ниҳоясига етказди. Бу ишга тақризлар ва унинг муҳокамасини уюштириш менга топширилди. Гарчанд иш билан танишган олимларда у яхши таассурот қолдирган бўлса-да, тақризни ёзма равишда олиш қийинчилик билан бўлди. Бироқ, мард олимлар топилди. Иброҳим ака ишни қаерда ва қайси доирада муҳокама қилиш ҳақида фикр сўради. Мен бунга жавобан: "ФА Тарихшунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимларининг кенгайтирилган йигилишида ўтказилса яхши бўларди", дедим. Иброҳим ака аввал бу таклифни маъқуллаган бўлса-да, лекин икки-уч кундан кейин мени чақириб, ЎзФА Президиумининг кенгайтирилган мажлисида муҳокамадан ўтказилишини маълум қилди.

Ниҳоят, 1968 йил 5 май соат 10 да академиянинг биринчи қаватидаги кичик залда президиумнинг кенгаши очилди. Аммо бу йигинга келаётган кишиларни ранги ўчган ва кайфияти паст бўлиб, кўзларида хавотирлик ва қўрқув аломатлари яққол билиниб турар эди. Шу тарзда О.С. Содиқов ҳам кириб келди. Кетма-кет академиклар: А.М. Музаффаров, В.Қобулов, С.Н.Рижов, Ё.Х.Тўрақулов, М.Н.Набиев, С.Х. Сирожиддинов, М.Т.Ойбек, Я.Ғуломов, В.П.Шчеглов; Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари: М.З.Ҳамидхонов, М.К.Нурмуҳамедов, Ш.З.Ўразаев, О.Э.Эшонов, М.Й. Йўлдошев, Р.Ҳ.Аминова, Ю.С.Султонов; фан докторлари: М.М.Хайруллаев, А.А. Аъзамхўжаев, Б.В.Лунин, Ҳ.Ш.Иноятов, Х.С.Сулаймонов, Х.Т.Зарифов, А.Ҳ.Ҳайитметов, Л.И.Ремпель, Г.А.Пугаченкова, Э.Фозилов, Т.Р.Рашидов, О.Д.Чехович, Ф.Абдуллаев; фан номзодлари - М.О.Охунова, С.А.Азимжонов, У.Каримов, Қ.Муниров, К.К.Комилов, А.Т.Муҳаммаджонов, А.Ў.Ўринбоев, С.Мирҳосилов, А.А.Асқаров ва бошқалар кириб келишди.

Мана О.С.Содиқов маъюслик ва эҳтиётлик билан кенгашни очиб, маъруза учун сўзни Иброҳим акага берди. Бу киши ўзига тўла ишонган ва мардонавор ҳолда Амир Темур фаолиятини бирма-бир шарҳлаб, уни машҳур давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар шахс сифатида таърифлади. Маъруза вақтида шу даражада жимжитлик ҳукмрон эдики, агар пашша учса билинарди.

Музокарада Иброҳим аканинг ишини ёқлаб Я.Ғуломов, Ҳ.Зиёев, О.Э.Эшонов, Ш.З. Ўразаев, Ҳ.С.Сулаймонов, Б.В.Лунин, Л.И. Ремпель, Г.А.Пугаченкова, М.Хайруллаев, М.К.Нурмуҳамедов, Р.Аминова ва Ҳ.Ш.Иноятовлар сўзга чиқдилар.

Кенгаш бир оғиздан Иброҳим акани "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тугган ўрни ва роли" китобини чоп этиш ҳақида қарор қилди. Шундан кейин қатнашчиларнинг юзидаги қўрқув ва хавотирлик аломатлари янада кучайиб, зал бир зумда бўшаб қолган. Отабой ака Эшонов Яҳё акага деди:

-Хўп зўр иш бўлди, мен кенгаш жанжалга айланса керак, деб ўйлаган



эдим. Менимча, кенгаш президиум доирасида ўтказилишининг салобати босиб кетдим, ҳеч ким "гинг" дея олмади. Энди, шуни айтиб қўяйки, иккалангиз ҳам "қора хат" га тушдингиз.

-Яҳё ака, -деди Отабой ака,-бугун қурбон бўлишга арзийдиган иш бўлди, қўлларида келса осмонга олиб чиқиб, ташлаб юборсинлар.

Чамаси, бир соатлардан кейин Иброҳим ака мени ўз ҳузурига чақирди.

Маълумки, қанд касаллиги туфайли Иброҳим аканинг рангги ҳамиша ўчганроқ кўринарди, лекин энди у кишининг ранглари қизарган ва кўзларидан нур ёғилиб турарди, кайфияти ниҳоятда баланд эди. Гапнинг очигини айтганда, мен Иброҳим акани бундай ҳолатда биринчи кўришим эди. У дарҳол ўрнидан туриб қўлини мен томон чўзиб кўришгандан кейин, катта муваффақият билан табрикладим.

-Ҳамидулла, - деди Иброҳим ака,-менинг номимдан музокараларга чиққанларига яна бир бор миннатдорчилик билдиринг, айниқса, Яҳё Гуломовдан хурсандлигимни айтинг.

-Бугунги кенгаш, -дедим мен,- тарихга муҳим воқеа сифатида киради.

Иброҳим ака деди:

-Ҳақиқатан ҳам улуг иш бўлди, бироқ у фақат бизгагина емас, балки кенгашда қатнашган химиклар, математиклар, биологлар, ҳуқуқшунослар, шарқшунослар ва бошқа соҳа вакиллари учун ҳам қутлуғ кун бўлди. Уларнинг кенгашда қатнашиб бизни тарафимизда туриши катта мадад ҳисобланади. Кейинчалик Тарих институтида "Амир Темур ва темурийлар давлати тарихи" бўлимини ташкил қилиб уни чуқур ва атрофлича ўрганамиз.

1968 йилда Иброҳим аканинг "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидага тутган ўрни ва роли" деган китоби ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. У кишининг ташаббуси ва бевосита иштирокида "Темур тузуклари" ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари нашр қилинди. Иброҳим ака тарихни сохталаштиришга қарши биринчилардан бўлиб дадил ва ошкора бош кўтарган олим эди.

Амир Темур ҳақидаги юқорида кўрсатилган ишларнинг нашр этилиши бутун республика зиёли аҳлининг ва умуман, жамоани тўлқинлантириб юборди. Кўчада кетаётганимда дуч келган таниш-билишлар табриклашиб, Иброҳим акадан гоётда мамнун эканликларини изҳор қилардилар. Бундан ташқари, менга одамлар кетма-кет телефон қилишиб, Иброҳим акага қойил қолганликларини билдиришар, китобидан топиб беришимни илтимос қилардилар. Тез кунда китоблар сотилиб кетди, аммо унга талаб зўрайиб бораверди. Шу боисдан мен Иброҳим акага китобни қайта нашр этишликни сўрадим. Лекин у киши сабр қилиб туришни айтди. Кўп ўтмай, бир гуруҳ кишилар, хусусан М.Ваҳобов, М.Абдураимов, Р.Набиев ва бошқалар Иброҳим акани Амир Темурни идеаллаштиришда қораладилар. М.Ваҳобов партия фаоллари йиғилишларида ва бошқа жойларда Иброҳим акани қаттиқ танқид қилаверди. Менинг ёки Яҳё аканинг хонасидан Иброҳим акага қарши қилинаётган ҳужумни қай тарзда бартараф қилиш ҳақида фикр юрити-



ларди. Бунда О. Эшонов, М.Қ.Нурмухамедов ва бошқа кишилар ҳам қатнашарди. Яхё ака менга Иброҳим аканинг китобига тақриз ёзишни таклиф қилди. Иброҳим ака эса деди:

-Ҳозир Амир Темур ҳақидаги китобдан фақат Ўзбекистондагина эмас, балки ва Москва бошқа жумҳуриятларда қаттиқ норози кишилар бор. Аиниқса, Москвадаги бир гуруҳ олимлар тўполон қилишяпти. Бу иш аланга оладиганга ўхшайди, тагин Сиз жабрланиб қолманг.

-Иброҳим ака, -дедим мен, - кемага тушганнинг жони бир, деганларидек, биргалиқда курашамиз.

Бу гапимни Яхё ака тўла қувватлади. Шу билан суҳбат тугади. Бир ҳафтадан кейин "Совет Ўзбекистони" газетасининг муҳаррири М.Қориевга тақризни топширганимда бир-икки кундан кейин қўнғироқ қилишини айтди. Қўнғироқ қилиб, ижобий жавоб олдим ва бир неча кундан кейин тақриз "Илмий рисола" номида "Совет Ўзбекистони" газетасида (1969 йил 4 январь) чоп этилди. Бунда китобда қўйилган масалалар ва фикрлар тўла қўллаб-қувватланди.

Дарҳақиқат, Иброҳим ака айтганларидек, китобга қарши ҳаракатлар авжига миғиб борди. Москвада КПСС Марказий Комитети фан бўлимининг ташаббуси билан республикалар тарихчиларининг йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилишда Тарих институти директори М.Охунова ҳам қатнашган эди. У Тошкентга қайтгандан кейин менга деди: "Йиғилишда академик Б.Ғофуров", Ўзбекистонда одамларнинг бошидан минора ясаган золим Амир Темур кўкларга кўтарилиб Ватан қаҳрамонига айлантирилди. Шунингдек, у Шароф Рашидовга телефон орқали бундан ўзини қаттиқ норозилигини билдирганлигини маълум қилибди. Залда ўтирганлар орасида ғалаговур бошланиб қаттиқ "чоралар кўриш ҳақида луқмалар ташланибди". Биласизки, -деди сўзини давом эттириб Мели Охунова, -Иброҳим Мўминовичнинг саломатлиги яхши эмас, мен бор гапни айтсам, оғирлашиб қолишлари мумкин. Шунинг учун сиз ётиги билан тушунтирсангиз яхши бўларди".

Мен бунга рози бўлиб, Иброҳим акага умумий тарзда маълум қилганимда, "Хабарим бор, лекин айтинг. Мелихон олдимга келсин", -деди.

Мели Охунова у кишининг ҳузурида бўлгандан кейин мени чақирди. Кирсам, унинг кўзи ёшланган ва ҳаяжонланган ҳолда ўтирибди.

-Ишқилиб охири, -деди Мели Охунова, -яхшилик билан тамом бўлсинда. Иброҳим ака менга, йиғилишда икки оғиз гапирганингизда жуда ўринли бўларди, деб хафа бўлди. Ахир, ўзингиз ўйланг, мен совет даври бўйича мутахассис бўла туриб, қанақасига Амир Темур масаласи бўйича сўзга чиқишим мумкин эди.

-Гапингиз тўғри, лекин институт раҳбари сифатида умумий тарзда сўзга чиқсангиз яхши бўларди, -дедим.

-Ким билади дейсиз, -деди Мели Охунова, -хаёлда йўқ нарса тўсатдан гапирилгандан кейин ўзимни йўқотиб қўйдим, шекилли.



Хуллас борган сари Иброҳим акага ҳужум зўрайиб борди. Чунончи, А.П.Новосельцевнинг "Вопросы истории" журналида (Москва, 1973, №2), "Литературная газета" да ва М.Абдураимовнинг "История СССР" журналида (Москва, 1973, №5) Иброҳим аканинг китобига қарши мақолалар чоп этилди. Уларда Иброҳим акани Амир Темурни идеаллаштиришда айблашиб, қаттиқ қораладилар. Ваҳоланки, марҳум М.Абдураимов бир вақтлар ўзининг "Темур ва Тўхтамиш" мавзусидаги номзодик диссертацияси ва кейинроқ эълон қилинган бир мақоласида Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида ижобий роль ўйнаганлигини кўрсатиб ўтган эди. Аммо, ўзининг бу фикрини журнал таҳририятидан яширган ҳолда Иброҳим акани қаттиқ танқид ўқига тутди.

Мен дарҳол унга қарши мақола ёзиб Яҳё акага ва Иброҳим акага кўрсатдим. Улар мақолани маъқуллашди. Тахминан икки-уч кунлар ўтгандан кейин Иброҳим ака мени чақириб мақолани Шароф Рашидовнинг рухсатисиз юбормасликни тайинлади. Кўп ўтмай мени Шароф Рашидов қабул қилди. Бу кишига ҳам мақола маъқул тушиб деди:


-Кўриб турибмизки, Амир Темур масаласи бўйича кўтарилган норозилик авжига чиқди. Айтинг-чи, сиз ўз фикрингизда охиригача қаттиқ турсизми?

-Шароф Рашидович, - дедим мен, - ҳар қандай шароитда ўз сўзимда турман, бундан кейин ҳам шундай бўлишига сизни ишонтираман.

-Яхши, ҳозироқ бу мақолани "История СССР" журнаliga юборинг.

-Борди-ю - дедим мен, - шу мақолани академиямиз журналида ёки бирорта газетада ҳам чоп эттирсак қалай бўларкин.

-Бундай қилиш, - деди Шароф Рашидов, - "оловга керосин қўйиш" билан тенгдир. Менимча, Москвада ўша журналда чиққани ҳар жиҳатдан яхшидир.



Мен Шароф Рашидов билан суҳбатлашганимдан кейин англадимки, Иброҳим ака унинг розилиги билан иш юритган. Ўша даврдан унинг ҳолатида, яъни қариндошчилик ва мансаб юзасидан,



Ўзбошимчалик билан Амир Темурни ўрганишга киришиши мумкин эмас эди, албатта. Буни Соҳибқиронга бағишланган китобнинг зудлик билан чоп этилиши ҳам исботлайди.

Мен мақоламни Москвага 1974 йил май ойида юборган эдим, жавобини ўша йилнинг сентябрида олдим. Бу вақтда Иброҳим ака оламдан ўтган эди.

Бу хусусда журнал муҳаррирининг ўринбосари Красильников имзо чеккан ўша жавоб хатида шундай дейилган: "Абдураимов ўзининг Амир Темур ҳақидаги ижобий фикрларидан қайтганлигини ҳеч қачон ошкора маълум қилган эмас. Шу боис, у бу масалага бағишланган адабиётларга танқидий баҳо беришга маънавий жиҳатдан ҳаққи йўқ эди, деб ўйлаймиз. Буни яна шу нарса тасдиқлайдики", "XV-XVI асрларда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан" номли тўпламдаги, асосан Амир Темурга бағишланган мақоласини тилга олмай журналга Иброҳим Мўминовнинг ишини танқид қилиб мақола юборган". Умуман, журнал таҳририяти Иброҳим Мўминовнинг китобидаги Амир Темур буюк давлат арбоби ва моҳир лашкарбоши, фан ва маданият ҳомийси ҳамда қудратли шахс сифатида гавдалантирилганлигини қаттиқ қоралаб, мақоламни босишдан бош тортди. Шунга қарамай, мен иккинчи маратоба уни чоп этишликни сўраб таҳририятга мурожаат қилдим. Бироқ, бу гал ҳам мақоламни чиқаролмасликларини маълум қилишди. Шахсан менинг ўзим М.Абдураимов билан яқин муносабатда бўлмаганман. У тарихга доир кўплаб сермазмун илмий асарларнинг муаллифидир. Шунингдек, у Амир Темур фаолияти ҳақида яхши фикрларни ёзган. Ўзаро суҳбатларда ҳам Соҳибқироннинг хизматларини тан оларди.

М.Абдураимовнинг нима учун тўсатдан "тўнини тесқари" кийганлигининг сабаби том маънодаги илмий баҳс эмас, балки кўпроқ айрим кишининг айби билан юзага келган шахсий адоватларнинг маҳсули бўлган эди. Бундан ташқари, ўша даврдаги совет тузуми "сувни лойқалатиб" туришдан ўта манфаатдор эди.

Иброҳим ака ҳеч вақт айрим раҳбарларга ўхшаб, кишининг нуқсонини ва ишидаги камчилигини рўқач қилиб, у ёки бу муаллифни кўпчиликнинг ҳузурида дилини сиёҳ қилмас эди. Борди-ю, камчилик ва хатоларни кўрсатиш лозим бўлса, муаллиф ва институт раҳбарини ҳузурига чақириб танқид қиларди. Умуман олганда, Иброҳим ака у ёки бу илмий ишнинг камчилигидан фойдаланиб, шовқин-сурон ва жанжал кўтаришга йўл қўймаган. У менга шундай деган эди: "Ўзингизнинг фарзандингизни қандай эҳтиёт қилсангиз, илмий ишлар қайси даражада ёзилишидан қатъий назар, шунчалик эҳтиёт қилинг. Унинг сифатини яхшилашга холис ва ўртоқларча ёндашинг, ишни илмий кенгаш мажлисига камчиликларни тузатиш лозимлигини унутманг. Шундай қилинса, одамлар ўртасида аҳилчилик сақланади".

Фурсатдан фойдаланиб, Иброҳим аканинг фаолияти ва фазилатларига диққатни жалб этмоқчиман. Чунки улар бошқалар учун ҳам ниҳоятда иб-



ратлидир.

Мен Иброҳим ака билан 1955–1956 йилларда, яъни Тарих институти-нинг директори лавозимида ишлаганларида яқиндан танишганман. Мен у вақтларда институтнинг "Янги тарих" бўлимида катта илмий ходим сифатида ишлар эдим. Гапнинг очигини айтганда, мутахассислиги файласуф бўлган кишининг Тарих институтига бошлиқ қилиб тайинланиши бизларни таажжублантирганди. Бироқ вақт ўтиши билан бу фикрнинг қанчалик асосизлигига шунчалик кўп ишондик. Иброҳим ака ўзининг софдиллиги, ишбилармонлиги ва камтарлиги билан намоён бўлди. У айрим директорларга ўхшаб вақтларини кўпроқ бекорчилик билан ўтказадиган ва турли йўллар билан катталарнинг биқинига суқулиб кирадиган "содиқ кишиларга эмас", балки ҳалол ва меҳнатсевар ходимларга таяниб иш юритарди. Натижада, анча ўпирилган Тарих институтида муҳим ўзгаришлар кўзга ташланди. Аммо, кўп ўтмай Иброҳим ака Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти вазифасига сайланди. Шундан кейин ҳам у одатда бўлганидек, Тарих институтига умумий раҳбаргина эмас, аксинча, шу институтнинг ҳақиқий жонкуяри бўлди.

У кишида фақат олимлик эмас, балки ватанпарварлик, ташкилотчилик, ишбилармонлик ва бағрикенглик сингари олий фазилатлар мавжуд эди. Аини бир пайтда, Иброҳим ака ўта камтарлиги ва мурувватлиги билан ажралиб турарди.

Иброҳим ака ўзи эгаллаб турган лавозимнинг ниҳоятда муҳимлиги ва масъулиятлилигини яхши англаб, ижтимоий фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилди. У менинг мутахассислигим файласуфлик деб, ўзини четга олмай, тарих, фалсафа, адабиёт, тилшунослик ва шарқшунослик фанларига доир илмий ишларни тайёрлаш ва нашр этишга алоҳида аҳамият берарди, у ёки-бу иш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирарди.

Хуллас, Иброҳим аканинг хонаси одатдагидек, буйруқбозлик, дўқ-пўписа, майда-чуйда гаплар ва умуман, расмиятчилик ҳамда юзакичилик маконига эмас, балки том маънодаги илмий ижодхонага айланган эди. Бу ерда институт раҳбарларидан ташқари, кўплаб бўлим мудирлари, илмий ходимлар, докторантлар, аспирантлар ва оддий кишилар бўлишиб, ижодларига барака ва дардларига малҳам топганлар. У кишининг қабул хонасидан одам аримас эди. Булар бежиз бўлмаган, албатта. У кўплаб фан докторлари ва номзодларини етиштиришга улкан ҳисса қўшди.

Маълумки, Иброҳим ака ўзбек ҳалқининг бой маъданий меросини жуда қадрловчи шахс сифатида донг чиқарган эди. Беруний, Ибн Сино, Форобий ва бошқа буюк олимларнинг асарларини чоп этишда ва юбилейларини ўтказишдаги илмий ва ташкилий ишларини ҳеч қачон унутилмайди. Унинг бевосита кўрсатмаса билан Тарих институтида "Ўзбекистон маданияти тарихи" бўлими очилди. Бу бўлим зиммасига ўтмиш ва ҳозирги замон маданиятига оид барча соҳаларини ўрганиш ва оммалаштириш вазифаси юкла-



тилди. Аммо, Иброҳим ака вафотидан кейин бу иш сусайиб кетди. Иброҳим ака қадимий ва ҳозирги замон шаҳарлар тарихини ўрганиш учун институтда "Шаҳарлар тарихи" бўлимини ташкил қилди. Бу бўлим Иброҳим аканинг масъул муҳаррирлигида икки жилдди "Самарқанд тарихи", "Бухоро тарихи" ва "Хоразм тарихи" сингари китобларини чоп этди. Сўнгра Тошкент, Андижон Қўқон ва бошқа шаҳарлар тарихига доир асарлар яратилди.

Иброҳим ака туфайли Тарих институтида "Иккинчи жаҳон уруши тарихи", "Суғориш тарихи" ва "Тарихшунослик" бўлимлари юзага келиб, кўплаб илмий ишлар қилинди.



Умумий хулоса шуки, Иброҳим аканинг Амир Темур ҳақидаги китобига қарши ҳужумлар ва уни бартараф қилиш ҳаракати умумлаштирилганда 1969 йилдан то 1974 йилгача, яъни у кишининг вафотигача давом қилди. Бу машаққатли йилларда Иброҳим ака устидан Марказга кўплаб имзоли ва имзосиз хатлар юборилди. Ҳатто улар орасида 50 йил аввалги Иброҳим акани "булғашга" қаратилган туҳмат сўзлар ҳам мавжуд эди. Иброҳим акани айниқса, адолатсизлик ва туҳматлар руҳида ёзилган хатлар соғлигини ёмонлаштира борди. Кунларнинг бирида Иброҳим ака менга деди: "Сиз кўрасиз шундай вақтлар келадики, Амир Темурни кўкларга кўтариб буюк шахс сифатида қадрлайдилар". Буни қарангки, унинг бу башорати ҳозирда кўз ўнгимизда рўёбга чиқиб, Амир Темур ва мустақиллик ва эркинлик рамзи сифатида қадр-қиммати ўрнига қўйилди.

Иброҳим Мўминов умрининг охиригача ўз Ватани, миллати равнақи учун кучини ва билимини аямади. У ватанпарварлиги ва илм-фаннинг чинакам фидойиси сифатида шуҳрат қозониб, миллатимизнинг миллий ҳис туйғулари ва сиёсий онгининг ўсишига катта ҳисса кўшган эди. Шубҳасиз, унинг кўрсатган жасорати ва матонати ҳеч қачон унутилмайди. Айниқса, Мустақиллик даврида унинг асарлари жуда асқотиб, миллий гоямиз ёлқинларини тўлдиришда яқиндан ёрдам бермоқда».



AMIR TEMURNING TARIXDAN OLGAN SABOQLARI

Тўлқин ҲАЙИТ,

Халқаро Амир Темур жамоат фонди раисининг ўринбосари.

Соҳибқирон Амир Темур аниқликни яхши кўрадиган, сўзнинг гавҳарини ишлата оладиган зот эди. Сўзимизнинг исботи сифатида, унинг "Тузуқлари"га бир назар солган киши рисоланинг узоқ ҳамду сано билан эмас, аниқ фикрлар билан бошланганига гувоҳ бўлади, яъни "тузуқлар"нинг биринчи китоби "Кенгашлар ва тадбирлар" билан бошланган бўлса, иккинчи китобнинг бошиданоқ масала аниқ қўйилгани билан диққатга сазовордир. Чунончи *"салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин"*, деб битилганки, бу сўзларнинг бугун бизга ҳам тегишли эканлиги билан катта аҳамият касб этади.

Муҳтарам ўқувчим!

Ўтган сафар "Темур тузуқлари"да ўн икки тузуқнинг аҳамияти ҳақида сўз юритган эдик. Сизлардан жуда кўп хатлар олдик, кўп қўнғироқлар бўлди. Масалан, Қўқонлик Рустам ака деган киши: "Темур тузуқлари"да ўн икки рақами, ўн икки тузуқ ҳақидаги шарҳни ўқиб, муаллифдан миннатдор бўлдим, фарзандларим ҳам ана шу мақола туфайли бу рисолага қизиқиб қолдилар, деб ёзган.

Миннатдорлик билан ёзилган бундай мактубларнинг ҳар бири ўзига хос, аммо имконият чекланганлиги боис уларнинг барини бир йўла шарҳлашга имконимиз йўқ, лекин бизни эътибор билан кузатган ва ўз фикрларини баён этган барча журналхонларимиздан хурсанд эканлигимизни чин дилдан изҳор этамиз.

Тарих борасида сўз юритар эканмиз, сўз бошиданоқ шуни қайд этиш лозимки, орамизда ҳамон ўзларининг тор тушунчалар билан ёшларни чалғитаётганлар, тарбия ё ҳалокат, ё юксалмоқ эканлигини унутаятган кимсалар борлиги эътиборимиздан четда қолмайди. Жамият ишлари ўйинчоқ масала эмас, у юксак онг, беқиёс тафаккур ва нозиклик билан ёндашишни талаб этади. Хизмат тақозоси билан кўплаб ижодий сафарларда бўлишга тўғри келганда, доимо бўлмаса-да, баъзан айрим тор тушунчали кимсаларнинг: "Тарих, тарих дейсизлар, ош-нон берармиди?!" деган эътирозларини чидаб эшитишга ҳам тўғри келади. Албатта, ақлли одам ҳеч қачон бунақа юзаки савол бермайди. Аммо орамизда битта ана шундай тор тушунчали кимса бор экан, бунга безътибор бўлмоқлик ҳам мумкин эмас.

Тарих - инсониятга берилган жуда йирик фанлардан бири бўлиб, у орқали одамзод ўзлигини, бу дунёда нима учун яратилганини, қандай яшаш кераклигини англайди ва ўтмиш сабоқлардан хулосалар чиқариб, тўғри



яшашида ундан қўлланма сифатида фойдаланади.

Бутун дунё ҳукмдорлари, зиёлилари, адиблари, иқтисодчилари, олимлари ҳам тарих булоқларидан куч олиб, янги қарашларга эга бўлиб, ҳаётларини тўғри изга соладилар. Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихга бўлган ўзгача муносабати ҳам биз учун яхшигина сабоқ бўла олади ва айтиш керакки, у зотнинг "Темур тузуклари" ҳаётда ўз исботини топган энг яхши тарихий далиллар, танбеҳлар ва насихатлар, яъни ҳар биримизга сабоқ бўлоладиган тарихий ҳужжатлардир.

Амир Темурнинг ёшлик йиллариданоқ тарихий асарларни, ҳукмдорлар ва мамлакатлар, салтанатлар тарихини, эртак, дostonларни кўплаб ўқиб, ёд олиб, қалбига абадий муҳрлаганини ва улардан жиддий сабоқлар олиб, хулосалар чиқариб, олдида кўндаланг бўлган муаммоларини ҳал этишда ўринли фойдаланганини яхши биламиз. У чиндан ҳам, ҳали ўсмирлик пайтиданоқ адолатсизлик ва макр, дўстга хиёнат ҳамиша инсонга фожиа олиб келишини чуқур англаб етди, идрок эта билди ва шу боис ҳам, "бошга қилич келганда, ростини гапирмоқ ва ўз ваъдасида турмоқ мардлик» эканлигини тушунди. Масалан, амир Ҳусайн макр йўлига кириб, унга нисбатан хиёнат қилмоқчи бўлганда, уни бу йўлдан қайтаришни ўзининг дўстона бурчи, деб билди ва адашган қалбга чақмоқ сатрлар, шеърийят яхшигина сабоқ бўлиши ҳис этиб, унга қуйидаги мазмунда туркий байт битиб жўнатди:

Ёрга еткур, сабо, ким макр қилмишдир манга,

Қилди эрса кимга макрин, қайтадир бир кун анга.

Амир Темур хабар берадики, "бу хатим амир Ҳусайнга бориб етгач, кўп хижолат бўлди ва мендан узр сўради". (Темур тузуклари), Т., "Шодлик нашриёти", 46-б.).

Шу ўринда ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеани қистириб ўтмасам бўлмайди. Гап шундаки, гоҳо дўстим деган кимсаларнинг хурмача қилиқларини кўриб, ич-ичингиздан ранжийсиз. Бир куни ўзини дўппа-дуруст зиёли санаган кимса билан наҳорги ошда бўлдик. Қадрдон дўстларидан бири уни кўриб, беҳад суюнди ва у билан кучоқлашиб, самимий сўрашди, сўнг иккаласи биздан узоқлашиб, нарироқ кетишди. Дўсти кулранг қалпогини тескари кийиб олган, кўзи тушганлар истеҳзоли кулиб қўйишаётган эди. Наҳотки, дўстининг шу аҳволга тушганини сезмаётган бўлса, дея ҳайрон қолдим ва эртаси учрашганимизда, шу ҳақда сўраганимда, унинг истеҳзо билан кулиб: "У ярамасни одамларга майна бўлсин, деб индамай қўя қолдим" деган гапини эшитгач, ундан тамом кўнглим қолди.

Ҳаёт, турмуш шундайки, инсон ҳаёти ҳеч қачон бир хилда кетмайди, қувончли кунлар билан бирга ғам-изтиробли, ташвишла лаҳзаларнинг ёнма-ён келиши ҳам янгилик эмас. Маънавияти бутун одамгина дўсти, биродари ташвишга тушиб қолганда, ёрдам қўлини чўзади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам дўсту биродарини, умуман, инсон зотини қадрига етувчи зотлардан бири эди. Шу боис ҳам, у зотнинг амир Ҳусайнга бўлган муносабати борасида жуда эҳтиётлик билан қалам тебратмоқ керак, акс ҳолда, биз ҳам ганимлар сингари юзаки фикрларга ўралашиб қолиб, чалкашлик-



ка йўл қўйишимиз аниқ. Юқоридаги тарихий фактнинг ўзи ҳам у зотнинг кимлигини исбот этувчи аниқ тарихий манба. Аммо кўрамизки, амир Ҳусайн макр йўлидан қайтмади, ҳатто Қуръони каримни ўртага қуйиб, ўзаро дўстлик ҳақида қасам ичган бўлса-да, ўз куёви бўлмиш Амир Темурни маҳв этишдек гаразгўйлик ниятини амалга оширмоқни кўзлади.

"Қудачилик - минг йилчилик" деган гап бор. Амир Темур у билан яқин дўстона муносабатда бўлиш учун жуда кўп саъй-ҳаракат қилди. "Қариндошлик ҳурмати учун Балх ва Ҳисори Шодмон вилоятларини амир Ҳусайнга тортиқ этдим, - деб ёзади у зот "тузуклари" да. - У эса бу эҳсону мурувватимни назарига илмай, мени маҳв этишга қасд қилди" (Ўша манба, 47-б.).

Ҳаётда йўл иккитадир, олижаноблик билан яшасанг, нури бўстон сари юрасан, макрга ўтсанг - сени жарлик кутади: амир Ҳусайннинг инсофсизлиги, адолатсизлиги ҳаддан ошди, қурслиги ва ёмонлиги учун ҳатто ўзининг амирлари ундан юз ўгирдилар. Хутгалон ҳокими амир Кайхусравнинг инисини сабабсиз қатл эттирди ва оқибатда ўзига хавfli душман орттириб олди. Ва гувоҳи бўламизки, амир Ҳусайнни айнан шу амир Кайхусрав охири укасининг хуни учун қатл этди.

Қалам шундай нарсаки, агар уни қўлда тутган киши маънан етук бўлмаса, макр йўлига ўтиб, оқ қоғоз бетини ҳам гуноҳларга тўлдириши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам, Соҳибқирон "тузуклар" ни битар экан, гоҳо ўз айбларини ҳам четлаб ўтмаган, яъни йўл қўйган хатоларини очиқчасига тан олиб, оқ қоғознинг покиза бетларига тарихий ҳақиқатни аниқ нақш этган.

"Талайгина пасткаш, разил одамлар борки, давлат душманларини яхши-лаб, унинг жонфидойларини ҳийлакорлик ва маккорлик билан хароб этадилар, макру сотқинлик билан салтанат қўрғонига путур етказмоқ пайида бўладилар... Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда, эътиборли амирларимдан саналган амир Аббосга ҳасад қилиб, душманлик кўргизиб, унинг ҳақида бўлмагур гапларни айтдилар. Натижада, гапларини текшириб кўрмасдан газаб устида амир Аббосни ўлимга маҳқум этдим. Охир-оқибатда уларнинг амир Аббос ҳақида хиёнат этганларини англадим ва қилган ишимдан ўкиниб, пушаймон бўлдим".

Амир Темур бу воқеадан бир умрлик хулоса чиқарди ва бундан сўнг ҳеч қачон ёмонларнинг сўзига ишониб, бирорта кимсанинг бурнини қонатганини кўрмаймиз. Ва лекин бизни олис тарих яна ўйлантириб қўяди. Бегуноҳ амир Аббоснинг оҳи узоқларга етганга ўхшайди. Мирзо Улуғбекдек буюк олимга макр йўли билан қўл кўтарган кимсанинг исми ҳам Аббос эди. Шунини ўйлаганда, тошу тарози яна ўз посангисини босмадими, деган хаёлга борасиз, демак, оқсоқол тарих бизга кўп нарсаларни ўргатади, унга тез-тез мурожаат этиб туриш эса, ўзимиз, фақат ўзимиз учун кони-фойдадир, дегингиз келади.

Гап шундаки, эски тузум даврида Амир Темур шахсига нисбатан бўлар-бўлмас тўхмат тошлари отилиб, номига нуқул қора бўёқлар чапланди, ҳатто унинг муваффақиятларига қаттиққўллиги сабаб бўлган, деган зўраки сабаблар ҳам рўкач қилинди. Ваҳоланки, у зотнинг ўзи зулм бор жойда



салтанат тик турмаслигини алоҳида таъкидлаб, эслатиб ўтган. Узоққа бормайлик, ҳозирги кунда ҳам раҳбар ёмон бўлса, ҳамма ундан юз ўтиради. Агар тарихий маълумотларга, манбаларга суяниб, фикр юритадиган бўлсак, Амир Темур салтанат ишларида ҳам, ўз амирлари ва навкарларига нисбатан ҳамиша адолатли бўлган. Масалан, Шайх Нуритдин, Амир Сайфиддинбек ёки Шоҳмалик умр бўйи у зотнинг ёнида туриб, садоқат билан хизмат қилдилар. Айниқса, Шоҳмаликни у зот ёшлиқдан тарбия этиб, оддий навкарликдан йирик лашкарбоши ва раҳбар даражасигаача кўтарди. Амир Темур учун икки ўртада адолат ва ишонч, қадр-қиммат, ўзаро ҳурмат, мардликни тан олиш, кишининг иши ва муомаласига қараб баҳо бериш энг муҳим тамойиллар ҳисобланарди. Бу ўринда ҳам қизиқ воқеани келтириб ўтиш лозим, деб ўйлайман ва бу манба давримиз катталари ва ёшлари учун ҳам энг яхши сабоқ, дегим келади.

Гап шундаки, пулнинг юзи иссиқ, кўпгина кишилар ана шу иссиқ "нонни" ҳуда-беҳуда қўлдан чиқаришни истамайдилар, "келганида босиб қол" қабилида яшовчи олғирлар ҳар замонда топилади. Амир Темур ёзадики, "Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари молия ишларидан хиёнат қилсалар" қўйидагича иш тутмоқ лозим:

биринчидан, агар ўзлаштириб олган маблағи маоши миқдоридан ошмаса, мазкур маблағ унга инъом ўрнида қолдирилсин;

иккинчидан, агар молия вазирларининг ўзлаштириб олган маблағи икки баравар ортиқ бўлса, маошидан ушлаб қолинсин;

учинчидан, агар уч баравар ортиқ бўлса, ҳаммаси салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинсин.

Эътибор беринг, бирон жойда фалон дурра урилсин, осилсин, деган гап йўқ. Гап инсон тақдири, етук мутхассис, ўз соҳасининг билимдони ҳақида боряпти, "хато қилиш айб эмас, уни тўғриламаслик айб". Амир Темур қўл остидаги ҳар бир фуқаро, ҳар бир ходим ҳақида ана шундай назокат ва донолик билан ўйлар ва ҳукм чиқаришда ўлим жазосини эмас, тарбия йўлини кўзлардики, бу нарса юқоридаги қарашларида ҳам ўзининг яққол аксини, исботини топган.

Лекин орадан асрлар ўтиб, буюк Турон давлати парчаланиб, яна мустамлакачилар асоратига тушгач, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар ҳақида ўқиб, билиб, тепа сочингиз тикка бўлиб кетади. Ўз юрти озодлиги учун ватан ҳимоячиларига бош бўлган Дўкчи Эшон дорга осилиб, оёғи тагида қазилган чуқурга ташланиб, мурдаси устидан неча арава оҳак тўкилганига нима дейсиз?! Ҳўқанди шарифда қонуний Туркистон Мухторияти ағдалиб, шаҳар аҳолиси уч кун давомида қиргинбарот қилингани, ҳатто армани дашноқилари бешиқдаги болаларни милтиқ учларига илиб, ёриб ташлаб, ҳомиладор аёлларнинг қоринларини бурдалаб, одамзод кўрмаган ёвузликларни амалга оширганликларини нега айтмаслигимиз керак?! Йўқ, биз ҳеч қачон кишиларни ёвузликка чақирмаймиз, аммо бугун ҳам одамларни огоҳликка чақаришни, ёшларимизни, ота-онамиз, бува-бувиларимизни, жонажон Ватанни осойишта сақлашни ўзи-



мизнинг бурч ва масъулиятимиз, дея идрок этар эканмиз, тарихий сабоқлардан хулоса чиқариб, ёвуз кучларга қарши туришни, эзгуликни тараннум этишни энг олий вазифамиз, деб биламиз. Чунки ҳар бир чин ўзбек ана шундай олижаноб яшашни истади ва шунинг учун доимо адолатни ёқлаб туради. Унинг буюк фарзанди Соҳибқирон Амир Темур ҳам бир умр жангу жадаллар ичидан адолат қидирди ва "куч - адолатда" деган шоирни олға сурди, яъни куч топган ҳукмдорлар кўп эди, унга адолатни фақат бизнинг улуг ҳукмдоримиз бирлаштира олди, шу боис дунё тарихчи олимларининг кўпчилиги унинг ана шу эзгу ишларини ҳамиша ёқлайдилар ва ардоқда тутадилар. Хуллас, у зотнинг молия вазирлари борасидаги қарашлари ҳам биз учун жиддий бир ибратдир.

Мавзуни давом эттириб, айтиш керакки, шу биргина хато Амир Темурни сергак торттирди ва кейинги ишларида "етти улчаб, бир кесиш"га одатланди. Айниқса, бу борада тарихий далилларга суяниб, тўғри хулосалар чиқара билди. Масалан, вазирлар ҳақида сўз юритар экан, Соҳибқирон қуйидаги тарихий воқеани ибрат тариқасида тилга олади.

"Чигатойхоннинг бир вазири бўлган экан. ўаразгўйлар уни "ҳазинадан бир неча минг олтин ўғирлади", деб арз қиладилар. Хон айбдорни ҳузурига чақариб: "Сен назари паст одам экансан, мендек подшога вазир бўлатуриб, ҳазинамдан зўрга шугинани ўзлаштрибсан, холос", - дея койиган бўлибди уни.

Хоннинг бу дипломатияси иш бериб, оғир жазо кутган вазир танбеҳдан уялган ва давлатининг ҳаммасини ҳазинага келтииб топширган экан. Бу билан Амир Темур нимага ишора қилмоқда? Одам дегани дунёталаб бўлади, ана шу хатоси туфайли уни тирикликдан мосуво этиш, дорга тортиш, қатл этиш шарт эмас, яъни Амир Темурнинг фикрича, билиб-билмай хато қилиб қўйган вазирларни шундай уялтириш керакки, улар алал-оқибат ўз хатоларидан пушаймон бўлиб, давлатга фойда келтирсинлар.

Амир Темур қора кўнгилли, зоти паст, бадхулқ вазирлар ҳақида тўхталар экан, улардан узоқроқ бўлишни маъқул деб билади ва айнан шундай вазирларнинг найранглари туфайли давлату салтанатнинг тез инқирозга учрашини алоҳида таъкидлаб ўтади ҳамда бунга мисол сифатида (Ўша манба, 103 -б.) тарихий воқеага мурожаат этиб, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низомулмулкни мартабасидан туширганини эсга олади. Чиндан ҳам, тарихий воқеалар кўрсатадики, Низомулмулқдан сўнг унинг ўрнига золим бир киши вазир этиб тайинланган ва ўша кимсанинг қабих ишлари, нафси бузуқлиги касофатидан салтанат бинноси емирилган эди.

Тарихни беш қўлдай яхши билган Амир Темур шунга ўхшаш яна бир воқеани ҳам тилга олиб ўтган. 1242-1258 йилларда ҳукмронлик қилган сўнгги аббосий халифа Мустаъсим Билоҳ золим Ибн Алқамийни ўзига вазир этиб тайинлаб, жуда янглишган. Яхшилиқни билмаган мазкур вазир Ҳулогухон билан тил бириктириб, халифа Мустаъсимни қўлга олиб, қатл эттирган эди.

"Шуларни эътиборга олиб, асли тоза, насли пок, улуг зотлардан бўлган,



яхши равишлик кишилардан топиб, вазир қилинглар", - дея маслаҳат беради Амир Темур.

Демак, бу тарихий мисолларни тилга олган Амир Темур дейдики, мамлакат ҳукмдори ҳам ва энг қуйи поғонадаги амалдорлар ҳам тарихни яхши билишлари керак. Чунки дунёда янгиликнинг ўзи йўқ, ҳар етмиш йилда дунё турланиб, янгиланиб туради ва тарихий воқеалар замон бирла такомиллашиб, қайтадан янги кўринишда такрорланади ва тарихни яхши билганлар эса қуюқ туман, кучли ёмғир, тинимсиз дўл пайтида ҳам келажакни ёп-ёруғ, аниқ-тиниқ кўриб турадилар.

"Яна эшитганманки, - деб ёзади Амир Темур, - Али ибн Лақатийхалифа Ҳорун ар-Рашиднинг вазири эди. Ундан Тангри таолонинг бандаларига кўп наф етарди. Кунлардан бир куни у ўз ихтиёри билан вазирликни тарк этмоқчи бўлибди. Ўшанда дин пешволаридан бири унга шундайдеб ёзибди: "Бу ишни ташлашни ўйламагин, чунки бу мартабада туриб, халққа етказаятган ёрдамнинг ва нафнинг бутун ишларингу ҳаракатларингнинг энг олийсидир". (Ўша манба, 106-б.).

Амир Темур тарихий воқеалардан хабар бериб, яна ёзаганки, ҳазрати пайгамбаримиздан: "Сиз набий ва расул этиб юборилмаганингизда, қайси иш билан машғул бўлардингиз?" - деб сўраганларида, у зот: "Султонлар хизматида бўлишни ихтиёр этиб, Тангри таолонинг бандаларига фойда ва яхшилиқ етказардим", деб жавоб қилган эканлар.

Ана шу тарихий сабоқлардан хулоса чиқарган Соҳибқирон Амир Темур мўғуллардан бўлмиш Туғлуқ Темурхон юртга босиб келганда, халқи учун, айнан ўз халқи учун унинг ўғли Илёс Хожага вазирлик ҳамда сипоҳсолорлик қилишга рози бўлган эди. "Тангри таоло бандаларига ёрдам қилганимдан бўлса керак, Аллоҳ таоло мени салтанат мартабасига етказди", - дея таъкидлаб ўтган ҳукмдор. (Ўша манба, 106-б.).

У зот тарихий воқеалардан ибрат олиб, жуда кўп эзгу ишларни амалга оширганки, агар уларнинг барини бирма-бир санасак, яна битта китоб юзага келиши аниқ. Сўзимизни яна битта ибратли воқеа билан мухтасар қилсак, ҳар жиҳатдан фойдали бўлади, деб ўйлайман. Чунки гап яна инсон тақдири ҳақида борар экан, амир Аббос воқеасидан сўнг жуда эҳтиёткор бўлиб қолган Амир Темур ўзининг ўнг қўли бўлган Ийгу Темурни ҳасадчилар сиртмоғидан қўтқариб қолишда ҳам аниқ тарихий далиллардан ўринли фойдаланган эди.

Дашти Қипчоққа, Ўрусхонга қарши юборган энг ишончли амири Ийгу Темур зафар билан қайтгач, унга давлат рамзлари бўлмиш - туман (лашкар), туғ, байроқ ва ноғора бериб, уни давлатига шерик, маслаҳатчи вазир этиб тайинлайди. Бироқ ҳасадчилар: "Ўрусхоннинг улусини талон-торож қилиб, мол-мулкни ўзиники қилиб олди", дея иғво қиладилар. Бу туҳматларни эшитгач, аввалига Амир Темурнинг ундан кўнгли совиб, унга нисбатан яхши фикрлари салбий томонга ўзгаради. Инсон-да, кўнги деган олам бирда қиш бўлса, бирда- баҳор, табиати бўқаламундир. Аммо ҳукмдор милодий 590 йилги воқеани, Баҳром Чўбин қиссасини эслаб, Ийгу



Темурни ҳасадчилар чангалидан қўтқариб олиш йўлини топади.

Амир Темур эсга олган воқеа қарийб 900 йил олдин содир бўлган эди.

Тарихдан биламизки, милодий 590 йиллардағарбий турк ҳоқони Шабба уч юз минг аскар билан Сосонийлар сулоласи шаҳаншоҳи Ҳурмуз ибн Нуширвон (579-590) устига лашкар тортади. Ҳукмдор Ҳурмуз ўз вазири ва сипоҳсолори бўлмиш Баҳром Чўбинга уч юз йигирма минг аскар бериб, ҳоқонга қарши урушга йўллайди.

Баҳром Чўбин шаҳаншоҳнинг ишончини оқлаб, ганимни пароканда қилди ва ғалаба қозонди ҳамда қўлга киртилган ўлжанинг ҳаммасини Ҳўрмузга жўнатди. Аммо ҳасадчилар унинг мажлисида бош кўтариб: "Баҳром ўлжанинг ката қисмини ўзига олиб қолди, ҳатто ҳоқоннинг қимматбаҳо тошлар билан безатилган қиличи ва тожини, жавоҳирлар қадалган этигини ҳам ўзлаштириб олди", дея тухмат қилдилар.

Бундан ғазаб отига минган Ҳўрмуз воқеанинг аслини сўраб-суриштирмасдан Баҳром Чўбинни хоинликда айблайди ва унга аёллар ёпингичи, бўҳов ва кишан юборади. Бу уни саройдан сазойи қилинганлиги ҳақидаги огоҳлик белгиси эди. Баҳром Чўбин юборилган нарсаларни танасига илиб, саройга келади ва йигилганлар олдида шу аҳволда кўриниш беради. Саркардалар ва оддий сипоҳийлар бу ҳолни кўриб, Ҳўрмузга таъна-дашномлар ёғдиришади. Тез орада сипоҳ Баҳром Чўбин билан иттифоқ тузиб, Ҳўрмуз саройига бостириб келиб, уни тахтдан туширади ва ўрнига Хусрав Парвизни ўтқаздилар.

"Мен бу воқеадан сабоқ олганим сабабли, сипоҳимнинг таънаю дашномларига қолиб кетмаслик учун амир Ийгу Темурни ҳузуримга чорладим; сарой ходимлари ва халқни тўплаб, мажлис қурдим. Ўрусхон улусидан ўлжа қилиб олган бутун мол-мулкни бир ерга тўплаб, амир Ийгу Темурга ва у билан қилич чопган баҳодирларга ҳамда сипоҳийларга инъом қилдим".

Гувоҳи бўлганингиздек, Баҳром Чўбин билан боғлиқ олис тарихий воқеа Амир Темурни кутилаётган алғов-далғов ва инқироздан сақлаб қолди. Тарих - ойна, деб беҳуда айтмайдилар. Тарихни яхши билган раҳбар адашмайди, хатога йўл қўймайди; талаба эса келажак ҳаёти учун ундан жуда катта илм ва сабоқлар олади ҳамда ўз Ватанига бўлган муҳаббати мустаҳкамланиб, гурури юксалади; айниқса ёш авлод - болалар ва ўсмирларнинг тарихий воқеалардан, ўзлари севган эртак, дoston ҳамла тарихий асар қаҳрамонликларидан қабул этадиган, қалбларига жойлайдиган ҳис-туйғулари эса алоҳида аҳамиятга эга.

Демак, тарих одамзодга берилган шунчаки оддий фан эмас, балки битган-туганмас хазинадир. Дарвоқе, хазина деганда, уюм-уюм олтину жавоҳирлар ва тахлам-тахлам пулларни тушунамиз, аммо тарих ундан ҳам буюк ва бебаҳодир. Ўз фарзандларимизнинг иургак қалбларини ана шу буюк хазина нурлари билан мунаввар этсак, улардан барака топишимиз, ўзгалардан "отанга раҳмат!" деган миннатдор сўзларни эшитишимиз тайин.



TASVIRIY SAN'ATDA AMIR

TEMUR SIYMOSI

Мўмин АЗИЗОВ,
фахрий журналист.

Дунёда кўп шахслар, саркардалар яшаб ўтишган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси ҳам ўзларидан яхши ном қолдиришмаган. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг муборак номи эса улкан давлат арбоби, машҳур саркарда, бунёдкор, илм-фан ва маданиятнинг ҳомийси сифатида тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Хорижий тадқиқотчи олимлар ҳазрат Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳаларига оид юзлаб илмий асарлар яратганлар. Шоиру ёзувчилар буюк зот ҳақида жуда кўплаб шеъррий драмалар, қисса ва романлар ёздилар. Амир Темур сиймоси жаҳон адабиётининг йирик вакиллари Йоханн Волфганг Гёте, Хорхе Луис Борхес, Иван Бунин, Эдгар Аллан По асарларида талқин қилинди.

Амир Темур сиймоси Европадаги қатор мамлакатлар театр саҳналарида тараннум этилган. Хусусан инглиз драматурги Кристофор Марло томонидан ёзилган "Соҳибқирон Темур" трагедияси 1587-1587 йилларда Лондонда саҳналаштирилган. Амир Темур ҳақида биринчи опера Италияда Маре Антон Зиани томонидан 1689 йилда ёзилиб, Венеция театрида қўйилган. Яна бошқа опералар Лондон, Париж, Гамбург театр саҳналарида намойиш этилган.

Таниқли олим, профессор, ўз

асарлари билан темуршуносликка салмоқли ҳисса қўшаётган Акмал Саидовнинг таъкидлашича, оламшумул шахс бўлган бу улуг зотнинг ҳаёти, фаолияти қарийб олти асрдан буён бутун дунё олимлари, адиблари ва санъат намоёндаларининг эътиборини тортиб келмоқда. Ҳозиргача Шарқ тилларида 1000 дан зиёд, Европа тилларида 500 дан ортиқ асарлар яратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Сарой солномачилари Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдорлигидан умрининг охиригача кечган воқеа-ҳодисаларни, ҳарбий юришларини ёзиб боришган. Ҳазрат Соҳибқироннинг буйруғи билан битилган икки тарихий асар ҳам бор. Бири, Гиёсиддин Алининг "Рўзномаи газовати Ҳиндистон" бўлса, иккинчиси Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асаридир.

Аммо Амир Темур ҳазратлари ўз суратини чизишини рассомларга тақиблаган. Ҳолбуки, XIV аср охири, Амир Темур давлатига асос солинган даврга келиб, машҳур оlima, академик Г. А. Пугаченкованинг ёзишича, Мовароуннаҳрда тасвирий санъатнинг ранг-тасвир тури шаклланиб, унинг маркази Самарқанд бўлган эди. Буюк жаҳонгир забт этган мамлакатлардан олиб келган олим у фузалолар, моҳир усталар,



хатотлар қаторида мусавирлар ҳам бўлган. Бағдодлик рассом Абдулхайё Амир Темур буйруғи билан устахона бошлиғи этиб тайинланган.

Амир Темур бобомиз ислом шариятига қатъий амал қилувчи, дину диёнатли инсон эди. "Аллоҳни ёки инсонни тасвирлашдан ўзингизни асранг, дарахтлар, гуллар ва жонсиз нарсаларни чизингиз" дейилган ҳадиси шарифни яхши билгани учун мусавирларга ўзини тасвирлашга изн бермаган. Шу боис унинг даврида қўлёзма китобларни жонли нарсалардан холи бўлган миниатюра ранг тасвири билан безаш расм бўлган эди.

Китоб санъатида миниатюра XII-XIII асрда пайдо бўлиши, унинг дастлабки намуналари Бағдод билан боғлиқ. Бироқ араб дунёсининг исломга содиқ мусулмон доираларида миниатюра рад этилганлиги сабабли унинг ривожланиши Шарққа – Эрон, Хуросон, ва Мовароуннаҳрга қараб силжиди. XV асрга келиб миниатюра санъатида мусавирлар муайян мазмун билан боғлиқ асарлар яратишга киришдилар. Айнан шу аср бошларидан юз тузилишидан шахсини аниқласа бўладиган миниатюралар ҳам пайдо бўлди. Уларда тасвирланган инсонлар миниатюралар яратилган вақтда ҳаёт бўлишган эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари ёзилганидан буён беш ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида у қайта-қайта кўчирилган, турли Шарқ ва Ғарб тилларига ҳам тўла ва қисман таржима қилинган ва бир неча марта нашр этилган. Уларнинг кўпчилигида миниатюра асарлари илова қилинган.

Академик Г. А. Пугаченкованинг

"Среднеазиатские миниатюры" ("Ўрта Осиё миниатюралари") асарида 17 та миниатюра илова қилинган. Улардан иккитаси 1628 йилда Самарқандда кўчирилган Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридан олинди, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ миниатюралардир. Миниатюралардан бири "Темур ва Тўхтамиш аскарлари ўртасидаги жанг" деб аталади. Миниатюрада Амир Темур жангни кузатаётган ҳолатда тасвирланган. Шарқ миниатюрасида шаҳвоний саҳналар камдан-кам кузатилади, чунки бу исломнинг маънавий-ахлоқий тамойилларига кўра қораланган. Шунга қарамай, баъзи миниатюралар мусавирлар бу таъқиққа амал қилишмаган. "Зафарнома"даги "Темур маъшукаси Дилшод билан" миниатюраси бунга мисол бўлади. Миниатюрага рассом бу саҳнани тунги боғда тасвирлаган. Олтин ранг пардалар бироз кўтариб қўйилган ва гулдор кўрпачалар тўшалган, уларнинг ёнида чиройли идишлар, шамдонлар қўйилган кўшқда севишганлар висол огушида. Бугдой мағиз, қора соқолли Темур, оч рангли гўзал Дилшодни бағрига босмоқда. Четдан уларни хизматкор илжайиб кузатяпти.

Абдуллоҳ Хотифийнинг 1568 йилда ёзилган "Темурнома" асари "Темур қабулида" миниатюраси билан зийнатланган. Ҳазрат Соҳибқирон кошинлар билан безатилган айвондаги тахтда ўтирибди. Вақт ўтиши билан Соҳибқирон юзи тасвири ўчиб кетган, бироқ узоқ ўтмишда яшаб ўтган бобокалонимиз сурати аниқ чизилгани эҳтимолдан йироқ. Атрофда гулзор, дарахтлар қийғос гуллаган, гиламда меҳмонлар ўтири-



шибди, мусиқа асбобларидан ёқимли оҳанглар таралмоқда. Хизматкорлар шароб ва таомлар келтиришмоқда.

"Зафарнома" асарини турли йилларда кўчирилган нусхаларида ҳам миниатюранинг турли мактабларига оид тасвирий санъат асарлари учрайди. "Амир Темур Мовароуннаҳр тахтида" ва "Балхда қабул маросими" кабилар ана шулар жумласидандир. Улардан бири 1436 йилда Шерозда, иккинчиси 1467-1468 йилларда Ҳиротда ишланган.

Ҳозир Балтимордаги Жон Гаррит кутубхонасида сақланаётган "Амир Темур шаҳзодаларни қабул қилмоқда" номли олтин суви юритилган қоғозга сиёҳ билан чизилган 22x15 см.ли ўлчамдаги миниатюра бор. Расмда Амир Темур нақшли тахтда ўтирибди. Шаҳзодаларнинг қўлларида турли совға-саломлар. Унда қилич-қалқон, камон, ўқ-ёйлар билан безатилган от ҳам тасвирланган. Маросим боғда гуллаган дарахтлар, гуллар, кўм-кўк ўтлар оғушида ўтказилмоқда. "Амир Темур қўшинлари Смурна қалъасини забт этмоқда" асари эса Балтимордаги Жон Хопкинс университетига тегишли. У юқорида тилга олинган миниатюрадан бироз кичик. Унда 1402 йилдаги жанг тасвирланган. Бош қўмондон Амир Темур от устида жангга раҳбарлик қилмоқда. Унинг лашкарлари камон, найза, қиличлар билан қуролланган.

Ҳазрат Соҳибқирон сиймосини яратиш ғарбий Европа тасвирий санъатида ҳам кўзга ташланади. Миниатюралардан фарқли ўлароқ Ғарб мусаввирлари ўз асарларини мой-бўёқдан фойдаланиб, матода, шунингдек, графика усулида ҳам яратганлар.

Тарих фанлари номзоди Д. Қурбонованинг гувоҳлик беришича, Париждаги миллий кутубхонада Амир Темур тасвири туширилган тўртта расм бор. Италиян рассоми мўйқаламига мансуб биринчи суратда Соҳибқирон флоренциялик олийжаноб дворян кўринишида тасвирланган. Немис мусаввири улуғ зотни герман императори қиёфасида чизган. Учинчисида инглиз лорди, француз рассоми асарида эса Франция қироли Карл VI га ўхшайди.

Амир Темурдек оламшумул тарихий шахс голланд рассоми Рембрандт Хармес Ван Рейн ижодидан ҳам четда қолмаган. Буюк мусаввир кўплаб автопортрет ва портретлар туркумини яратган эди. У Бобурийлар даври ҳинд миниатюраларидан фойдаланиб, Амир Темурни Умаршайх Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, унинг фарзанди Ҳумоюн ва невараси Акбар даврасида чизган. Рембрандт бу асарни тасвирий санъатнинг графика усулида яратган. Шундай бўлса-да, унинг ҳазрат Соҳибқиронга бағишлаб чизган сурати тарихий ва бадиий ноёб тасвир ҳисобланади.

Украинада яшаган поляк миллатига мансуб мусаввир Станислав Хлебовский ҳам Амир Темур мавзуга мурожаат қилган. Унинг 1878 йилда яратган асари "Боязид Амир Темур тутқунлигида" деб номланган. Тарихдан маълумки, усмоний турклар ҳукмдори Йилдирим Боязид 1402 йил 20 июлда Анқара ёнида Амир Темур билан бўлган жангда енгилиб, асир тушади. Картинада Боязид зиндонда алоҳида ҳужрада худди қафасда яшаётгандек ҳолатда ўтирибди. Уни кўришга Амир Те-



мур келмоқда. Боязиднинг қафасда тасвирланиши, албатта, тарихий ҳақиқатга зиддир. Амир Темур бобомиз маҳбусни қафасга солмаган, аксинча унга илтифотлар кўрсатган. Асир олинган ўғлини озод қилган. Боязид вафот этганида қайгуриб, уни ҳурмат-иззат кўрсатиб, дафн этишни буюрган. Француз олими ва адиби Люсьен Кереннинг фикрича, душманлар атайлаб бундай ёлгонлар тарқатиб, Амир Темур ҳақида салбий фикрлар туғдиришга ҳаракат қилишган. Бунга ишонган айрим тарихчи ва адиблар, шунингдек расомлар буюк Соҳибқиронни қора бўёқларда тасвирлашган.

Тарих фанлари доктори Убайдулла Уватов томонидан арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1992 йилда нашр этилган ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" асарининг биринчи жилди дастлабки саҳифасида Темур бобомизнинг сурати берилган. "Ҳиндистон тарихи" асаридан олинган бу суратни расом И. Мородан чизган. Суратда ҳазрат Соҳибқирон юз-кўзи кўпроқ ҳинд рожаларига ўхшаб кетади. Кийим-кечаклари ҳам ҳиндларга хос тасвирланган. Узун, чўзинчоқ қора соқол қўйган, "Сомон йўли" китобига ҳам Амир Темур сурати илова қилинган. Лекин у бизнинг тасаввуримиздаги бобокалонимизга сира ўхшамайди. Соҳибқироннинг ўнг қўлида найза, қиличи ҳам бор. Расмни номаълум ҳинд рассоми чизгани учун уни ўз миллатига хос қиёфада тасвирлайди. "Google" интернет сайтида "Амир Темур суратлари" намоиш этилмоқда. Улар жуда кўп, турли мамлакатлар мусавирлари томонидан портрет жанри-

да чизилган расмларда Соҳибқирон портрети турли қиёфада тасвирланган. Бундай ранг-баранглик Амир Темур сиймосини тасвирий санъат аҳллари турлича, ўзига хос тарзда идрок этганликларини кўрсатади.

Таниқли ҳужжатли фильмлар ижодкори Малик Қаюмов "Соҳибқирон билан учрашув" номли хотираномасида 1941 йил июнида Амир Темур мақбарасида Темур ва темуррийлар қабрлари қандай очилгани ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. У бу нохуш воқеани киноленталарга туширган. Москвадан келганлар орасида СССР Фанлар академияси Моддий маданият институтининг илмий ходими М. М. Герасимов ҳам бор эди. Антрополог олим Амир Темурнинг бош суягини ўрганиб чиқиб, ўз усули бўйича буюк аждодимизнинг қиёфаси акс этган бюст ҳайкалини яратади. У Соҳибқирон ҳазратларини юз-кўзини қўрқинчи, салкам ёввойи қиёфада тасвирлаган.

Ҳолбуки, Амир Темур бобомиз қай суратда бўлганлиги тарихий асарларда баён қилинган. Шарафуддин Али Яздийнинг 1424-1425 йилларда ёзган "Зафарнома" асаридан қуйидаги иқтибосни келтирамыз: "Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди, пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор, кучи жасурлигидан қолишмасди, оч қизил ранг жонлантириб турарди, елкалари кенг, қовургалари узун, мускуллари кучли эди, узун соқол қўйиб юрарди."

Ҳазрат Соҳибқиронни яхши кўрмаган, буни 1436-1437 йилларда ёзган "Амир Темур тарихи" асарида очиқ баён этган араб муаррихи Ибн Арабшоҳ эса шундай таърифлаган:



"Темур баланд қадди, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, гоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, бугдой-ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўгон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолга етган, серсоқол... эди". Кўриниб турибдики, икки муаррихнинг таъриф-тавсифи бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Темур бобомиз қиёфасини ишонарли тасвирлашган.

М. М. Герасимов Амир Темур ҳазратлари сиймосини ҳақиқатдан йироқ, советлар сиёсати, унинг империячилик, ўз таркибидаги бошқа республикалар халқларига беписанд муносабатда бўлишига асосланган мафкураси талабларидан келиб чиқиб тасвирлангани очиқ-ойдин кўриниб турарди. У бу масалада анча эътироз ҳам эшитгани ҳам ҳақиқат. Замондошларининг сақланиб қолган гувоҳликларига қараганда, Герасимов Амир Темурнинг қайта тикланган биринчи марта тақдим этилган сиймосини олий раҳбарлик тасдиқламади, Темур ўзбек, Чингизхон авлоди эканлигидан келиб чиқиб қайта ишлагани тавсия қилишди, уни мўғул қиёфасида тасвирлашга мажбур бўлдим, деб бир неча марта айтиб ўтган.

Ўтган аср 70-йиллар бошида Шаҳрисабз шаҳрида янги автовокзал биноси фойдаланишга топширилди. Унинг йўловчилар кутиш зали чап томонидаги девордан ҳамманинг диққатини жалб қиладиган рассом мўйқаламидан чиққан картина жой олди. Кутиш залига кирган ҳар бир киши картинага унинг меҳригиёси

бордек боқар, олдида анча вақт тўхтаб томоша қиларди. Матода мойбўёқ билан ишланган бу расм орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам каминанинг хотирасида яхши сақланиб қолган. Хушсурат, тож кийган, эгнига чиройли чакмони ўзига ярашган ҳукмдор тахтда ўтирибди. Унга ажнабий элчи олиб келган мактубни сарой мулозими узатмоқда. Европа ва бошқа мамлакатларга хос либосдаги кишилар қўлларида совгалар тутганлари ҳолда қабулга навбат кутишмоқда. Устига қоплар ортилган туялар чўккалаб олишган. Ишончим комил эдики, тасвирдаги тахтда ўтирган ва элчилар ҳамда хорижий савдогарларни қабул қиладиган инсон Амир Темур бобомиз эди. Сурат тагига уни Мельников чизганлиги ҳам ёзилган эди. Собиқ Иттифоқ даврида Амир Темурга нисбатан салбий муносабат мавжуд бўлган шароитда буюк бобокалонимиз сиймоси туширилган картинанинг одамлар қадами узилмайдиган жойда бўлиши ажабланарли эди. Истиқлолдан сўнг автовокзал биносига савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашди, унинг янги биноси шаҳар чеккасида қад ростлади. Машҳур картинанинг қаерга олиб кетилгани, унга ким эгалик қилганлиги номаълумлигича қолмоқда. Уни қидирув-суриштирув ҳаракатларим натижа бермади.

Мустабид тузум даврида Амир Темур шахсига нисбатан қилинган ноҳақлик ва бўҳтон Ўзбекистон мустақил давлатга айланиб, дунё ҳамжамияти қаторидан муносиб жой олгач, барҳам топди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов Соҳибқирон Амир Темур та-



валлудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида тарихий фармони қабул қилди. 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Бу хушхабар ҳур диёримиз шоиру ёзувчилари, драматурглар, барча ижод аҳлига илҳом бағишлади. Улар буюк бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган назмий ва насрий, сахна асарлари яратишга киришдилар. Тасвирий санъат намояндалари ҳам қўлларига мўйқалам олишиб, ижодий ишга шўнғиб кетдилар.

Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми профессор Малик Набиев ҳазрат Соҳибқироннинг сиймосини яратишни умр бўйи орзу қилиб келган эди. Таниқли мусаввир бу шарафли ишни амалга ошириш фурсати келганидан мамнун бўлиб ишга киришди. Бунинг учун у, аввало Амир Темур бобомизни ташқи қиёфаси баён этилган Шарафуддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳнинг асарларига мурожаат қилди. Бундан ташқари, буюк зот мансуб бўлган барлос қавми одамларига хос юзкўз тузилишини, миниатюра асарларида акс эттирилган темурийлар суратларини ўрганиб чиқди. Ҳозир бизу сиз ўқув юртларию идораларда, музейларда бошқа жойларда ҳар кун кўриб турадиган Амир Темур портрети машҳур мусаввир Малик Набиев мўйқалами билан ишланган. Улуғ бобомизга боққанимизда ундаги миллатимизга хос қиёфа, жисмоний тузилиши, самимият ва меҳр тўла нигоҳ, ақл-заковат ва донолик уфуриб турган сиймосини кўрасиз.

Ҳозир пойтахтимиз Тошкентда от устида, Самарқандда тахтда ва Шаҳрисабзда куч-ғайратга ва юк-

сак орзуларга тўла йигитлик даври акс этган ҳазрат Соҳибқироннинг қад ростлаган муаззам ҳайкаллари Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Илҳом Жабборов томонидан яратилган. 1996 йил 18 октябрда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланиши муносабати билан пойтахтимиз Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Музейда мамлакатимиз ва хорижий давлатлар рассомлари томонидан чизилган Амир Темур ҳаётининг турли лавҳаларини акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари ҳам намойиш этилмоқда. Улар билан яқиндан танишиш учун 2016 йил кузида Шаҳрисабздан Тошкентга бориб музейга ташриф қилдим. Музей ходими Абдураҳим Мансуров билан бирга музей залларини айландик.

Музейнинг бош залига киришим билан кўз олдимда Амир Темур бобомиз ўз мулозимлари билан ўтказётган мажлис-машварати тасвирланган улкан деворий сурат намён бўлди. Бу суратни С. Қорабоев, Т. Болтабоев, С. Камолов, Х. Назаровдан иборат "Санойи нафиса" гуруҳи рассомлари яратишган. А. Мансуров мени ҳазрат Соҳибқирон тасвири чизилган йигирмага яқин тасвирий санъат асарлари билан таништирди. Уларнинг деярли ҳаммаси юртимиз рассомлари ижодига мансублиги қувончлидир.

Рассом З. Фахриддиновнинг экспозицияга "Амир Темурнинг Самарқандга кириб келиши" ва "Амир Темур" картиналари қўйилган. Рассом А. Алиқулов ўз асарида Соҳибқирон ва Тўхтамишхон ўртасида



бўлиб ўтган жангини тасвирлаган. Амир Темур М. Нуриддинов чизган полотнода давлат рамзи - байроқни қабул қилмоқда. Экспозицияларда портрет жанрига тааллуқли асар ҳам бор. "Амир Темур падари бузруквори Тарагай Баҳодир билан", "Амир Темур Хожа аҳмад Яссавий билан" каби расмлар шулар жумласидандир. Музейда Амир Темур ҳазратлари сиймоси чиннида акс эттирилганлигининг ҳам гувоҳи бўлдим. Чиннисозлик билан ҳайкалтарошлик ҳамда ранг-тасвир бир-бири билан омухта, уйғун ҳолда ишлангани учун ажойиб асарлар вужудга келган.

"Санъат" журналининг 1999 йил 12-сонида "Амир Темур тасвирли гилам" мақоласи билан танишиб чиқдим. Унда ёзилишича, бу гилам Тошкентдаги хусусий коллекциялардан бирида сақланади. У Эрон (Жанубий Озарбайжон вилояти)да XIX аср охири ва XX аср бошида тўқилганга ўхшайди. Гилам илмий адабиётларда қайд этилмаган. Ҳажми 220x134 см. Асоси ва арқоғи пахтадан йигирилган, патли жун ҳам ишлатилган. Анилин (нил бўёқ)дан бўёқлар ва табиий рангли жунлардан фойдаланилган.

Гилам чизмаси миниатюра ранг-тасвири усулида бажарилган. Амир Темур гилам марказида баланд тахтда ўтирган ҳолда тасвирланган. Улуғ Зотнинг ўнг қўлида қалқон, чап қўлида қилич. Ҳукмдорнинг боши тепасидаги тўртбурчакли жимжимадор лавҳада араб имлосида "Амир Темур Кўрагоний" деган ёзув бор. Бобокалонимиз Ҳинд-Европа юзқиёфаларига хос тарзда ифода этилган. Ҳукмдор атрофида беш сарой аъёнларининг ҳам тасвири берилган.

Дарвоқе, Темурийлар тарихи давлат музейида қўй терисидан улуғ саркарда Амир Темур иштирокидаги жанг манзараси тасвирланган картинага ҳам кўзим тушди. Уни рассом Ф. Раҳматуллев моҳирона ишлаган. Рассом - ўймакор З. Ҳайдаров эса буюк аждодимиз суратини тут ёғочига ўйиб тасвирлаган.

Чет эл ва мамлакатимиз тасвирий санъат намояндалари томонидан яратилган ранг-баранг асарлар улуғ саркарда ва давлат арбоби, оламшумул сиймо Амир Темурга юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси ва темуршуносликка қўшилган муносиб ҳиссадир. Бу соҳадаги ижодий изланишлар бардавом бўлиши шак-шубҳасиздир.





MUSTAQILLIK YILLARIDA O'RTA BOG'INDA MUTAKASSISLAR TAYYORLASH ANVOLI

Шухрат БОЙМУРОДОВ,
*Қарши мухандислик иқтисодиёт институти
ўқитувчиси.*

Таянч сўз ва иборалар: *кадрлар сиёсати, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта бугин.*

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларининг ечими таълим-тарбия жараёни, жумладан, кадрлар сиёсати билан ўзаро чамбарчасдир. Мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти фуқароларимизда юртимизнинг иқтисодий ва маънавий ривожини учун онгли равишда фаол иштирок этишга ундовчи билим, ижтимоий ва маънавий сифатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бошқача айтганда, бу тараққиёт давлатимиз ва миллатимиз келажаги бўлган ёшларимизнинг интеллектуал, маънавий имкониятларининг юксак даражада юзага чиқишини, ривожини таъминловчи таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ярата олишимиз билан боғлиқ.

Истиқлолнинг илк йилларидан мамлакат таълим тизимида мавжуд ҳолатнинг таҳлили шундан далолат берар эдики, кадрлар тайёрлаш жараёни республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермас эди. Чунончи, XX асрнинг сўнги йилларидан тобора авж олаётган глобаллашув жараёни ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон каби ёш давлатлар олдида жиддий муаммоларни қўйди. Ушбу муаммолар, биринчи навбатда, мамлакат интеллектуал салоҳиятининг шаклланиши, яъни кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзгариши билан боғлиқ эди. Биринчи Президентмиз И. Каримов таъкидлаганидек, "таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга ... аён бўлсинки, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас"¹.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳунар таълими тизими ҳам ислоҳ қилинди. Чунки ҳунар билим юртлари ишчи кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида, иқтисодий

¹ Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. - Т., 1999 - Б. 161.



қийинчиликка қарамасдан, республикадаги мавжуд ҳунар-техника билим юртлари сақлаб қолинди ва янгилари ташкил қилинди.

1991 йилда мавжуд база асосида 9 та олий ўқув юрти шу жумладан ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида 3 та, дорул-фунун, 4 та умумтехника факультети худди шунегдек олий ўқув юртлари ва техникумлар бозор иқтисоди шароити учун зарур бўлган қатор мутахассисликлар очилди. Жумладан техникумларда кадрлар тайёрлашнинг таркиби яхшиланиб 26 та ўқув юртида 15 та мутахассислик шу жумладан 6 та техникумда 0108- "Тижоратни ташкил этиш" мутахассилиги бўйича кадрлар тайёрлаш бошланди.²

Таълим тўғрисидаги қонунга асосан ўрта махсус таълим йўналиши бўйича бизнес мактаблари, кичик ва ўрта мактаблар учун касб-ҳунар курслари очилди, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислар (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит, менежмент мутахассислари ва ҳ.к.) тайёрлашга киришилди.

Аммо таълим тизими фаолиятини тубдан ўзгартирмасдан туриб кутилган натижага эришиб бўлмас эди. Маълумки, олдинги даврларда (Ўзбекистоннинг умумиттифоқ тақсимотида тутган ўрнига, яъни хомашё етказиб боровчи базаси эканлигига қараб) Ўзбекистонда турли ихтисосликка эга бўлган кадрлар тайёрлашга қаратилган билим юртлари етарли даражада ташкил қилинган эди. Республика иқтисодиёти умумий ўрта таълим ва (асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ) касбий билимларга эга бўлган кадрлар билан керагидан ортиқча таъминланган эди. Лекин улар янги шароитларга мос бўлган, айниқса бизнес соҳасидаги билим, малакага етарли даражада эга эмас эди. Шу билан бирга, шакланган ўзлуксиз таълим тизими янги шароитларга мослашиб боришига қарамасдан, ҳудудлар, тармоқлар ва корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига, умуман иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришига, кичик бизнеснинг ривожланишига ҳисса қўшадиган ёлланувчи ва иш берувчи мутахассисларни тайёрлашда ожизлиги сезилиб борди.

Айни вақтда, собиқ Иттифоқ даврида ташкил қилинган ҳунар-техника билим юртлари ночор аҳволда эди. Ўзбекистон Биринчи Президенти И. Каримов ҳунар-техника билим юртларига баҳо берар экан, шундай деган эди: "Уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан қараганда, моддий-техника базасининг ночорлиги, улар бераётган билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган жуда тор ихтисос-мутахассислиги, шу билан бирга, тарбиячи ўқитувчилар малакасининг пастлиги, бу билим юртларининг умуман бутунги кун талабига жавоб бермаслиги барчамиз учун аниқ бўлиши керак, деб ўйлайман"³. Шунинг учун ҳам республикада ўрта махсус таълим тизими ва ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган янги

² Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта Махсус таълим вазирлиги ишнинг якуналари ҳамда 1992 йилдаги вазифалари ҳақида -Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта Махсус таълим вазирлиги коллегия қарори 31 январ №1\1 ЎЗМДА фон№ р2653 руйхат№1 йиғма жилд№6460 варақ №17).

³ Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 333.



турдаги ўқув юрларини ташкил қилиш, мавжуд ўқув юрларининг моддий-техник базасини, ўқув йўналиши ва ихтисослигини тубдан янгилаш борасида бир қатор ишлар қилинди.

Ўрта буғинда мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашнинг сифатини яхшилаш, таъсирчан назорат қилиш, ўрта махсус таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида давлат-ижтимоий назоратнинг асосий кўриниши сифатида 1991 йилда Давлат инспекцияси-9 та, Олий таълим вазирлигининг ўрта махсус ўқув юрлари бошқармаси-5 та, қишлоқ хўжалик вазирлигининг ўқув юрлари бошқармаси-4 та, соғлиқни сақлаш вазирлиги ўқув юрлари бошқармаси-5 та, Автотранспорт вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Сув хўжалиги вазирликларида-1 тадан ўқув юрларида шаҳодатлаш ўтказилди. Жумладан Марғилон режа-иқтисод, Бухоро матлубот, Каттақурғон режа-иқтисод техникумлари Ангрен тиббиёт билим юрти, Тошкент 2-шаҳар тиббиёт билим юрти, Термиз қишлоқ хўжалик ва Гагарин режа-иқтисод техникумлари Тошкент ҳисоб-бухгалтерия техникуми, Нукус қишлоқ хўжалики ва Тошкент кооматлубот техникумлардир. Лекин таълим тизимидаги ислохотларнинг дастлабки босқичида ҳунар-техника билим юрларини ислоҳ қилиш борасида қилинган ишлар ҳали етарли эмас эди. Амалга оширилган ишларда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Масалан, ҳунар-техника билим юрлари негизида юзага келган янги ўқув масканлари кўп ҳолларда шошма-шошарлик билан, етарли моддий-техник ва молиявий имкониятларга эга бўлмасдан ташкил қилинди. Янги йўналишдаги ўқув масканлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрланмади. ўқув юрларининг номи ўзгаргани билан педагог ходимлар эскича билим, эски ўқув воситалари билан қолган эди. Бўларнинг барчаси ҳунар-техника таълим тизимида туб ўзгаришларнинг самарадорлигига таъсир қилмай қўймади.

Ислохотларгача бўлган таълим муассасаларидаги ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан фойдаланилмас эди. ўқув дастурлари мафкўравий қарашлардан холи этилмаган, уларда маънавий ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик билимлар берувчи фанларга етарли ўрин берилмай келаётган эди.

Бундан ташқари, бу соҳадаги камчиликлар, замонавий ва тараққий этган давлатлар таълими даражасидан орқада қолиш, халқ таълими, махсус ҳунар таълими ўртасида қандайдир ўзилиш борлиги яққол сезила бошлади. Бу ҳақда И.Каримов алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган мингминглаб ўсмирлар иш топа олмай, ишга жойлашолмай овора бўлиб юрибди... 9-синфни битирувчилар 455 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 250 мингга яқини 10-синфда ўқишни давом эттиради... 100 мингтаси махсус ўқув юрларида касб ўрганар экан. Қолган 100 мингдан ортиқ ўсмир



кўчада қоляпти"⁴. Шунинг учун ҳам республика раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб таълим соҳасига, ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берди.

Хуллас. Мустақилликнинг дастлабки йилларида кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва, энг муҳими, таълим тизимини ислоҳ қилишда энг мақбўл, шароитимизга мос келадиган йўлни танлашимиз кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири эди. Бунда таълим соҳасидаги мавжуд ҳолатни, эришилган даражани нафақат сақлаб қолиш, балки ўтиш даврида уни модернизациялаш бош вазифалардан бири ҳисобланар эди. Натижада, ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида, жумладан, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ислоҳотлар жараёни чуқурлашди.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. - Т., 1999 - Б. 161.
2. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 333.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта Махсус таълим вазирлиги ишнинг яқунлари ҳамда 1992 йилдаги вазифалари ҳақида - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта Махсус таълим вазирлиги коллегия қарори 31 январ №1\1 ўЗМДА фон№ р2653 руйхат№1 йиғма жилд№6460 варақ №17).

РЕЗЮМЕ


Истиқдолнинг илк йилларидан мамлакат ўрта махсус таълим тизимида мавжуд ҳолат, кадрлар тайёрлаш жараёни республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

Современная ситуация в системе среднего образования страны с первых лет независимости, процесс подготовки специалистов по анализу демократических изменений в республике.

RESUME

The current situation in the secondary education system of the country from the first years of independence, the process of training specialists in the analysis of democratic changes in the republic.



⁴ Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: ўзбекистон, 1998. -Б.11.

*Илми ким воситайи жоҳ этар,
Ўзини-ю халқни гуфроҳ этар.
Алишер НАВОИИ*



BUXORO AMIRLIGIDA G'UZOR BEKLIIGINING TUTGAN O'RNI VA

AHAMIYATI

Усмон МЎМИНОВ,
ҚарДУ «Ўзбекистон тарихи»
кафедраси ўқитувчиси.

Таянч сўз ва иборалар: : *Бухоро амирлиги, Қашқадарё воҳаси, Гузор беклиги, Қарши беклиги, Китоб беклиги, Яккабоғ беклиги, Шеробод беклиги, Насаф вилояти, темир йўл.*

Бухоро, Қарши, Термиз савдо йўлининг бўйида Гузор шаҳри текис даштлар ва тоғ чегарасида барпо этилган бўлиб, бу жойда шаҳар типдаги манзилгоҳ анча қадимги даврда пайдо бўлган. Илк ўрта асрлар давридаёқ Нахшаб ва Кеш билан бирга Жанубий Суғднинг муҳим вилояти ҳисобида Гузор алоҳида ажралиб туради.

XIII аср бошларида Гузор воҳаси ҳам мўғуллар ҳужумига дучор бўлган. XIV асрнинг 2 -ярмида Амир Темур марказлашган давлатга асос солганда Гузор муҳим иқтисодий, ҳарбий ва савдо марказига айланган. Мазкур шаҳар Соҳибқирон учун муҳим стратегик қароргоҳ сифатида роль ўйнаган. Муаррих Шарафуддин Али Яздий Соҳибқиронни мўғул истилочиларига қарши курашда Хузор вилоятининг номини қайд этган.

Муаррих Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (1498-1551) ўзининг "Тарихи Рашидий" (1541-1544) асарида ёзади: "Ҳазрат Соҳибқирон унинг мулозимлари бўлиш бахтига эришган юзлаб отлич аскарлар билан тонгда йўлга чиқиб, Хузорга этиб келишди. Эл-улус Ҳазратнинг келганидан хабар топиб, унга таъзим қилиб, ер ўпиш бахтидан баҳраманд бўлишга шошилди. "Хузор ва Кеш лашкарини тўпланг!" деб буйруқ берди ва Хожа Салимборини олдинги сафга қўйди. У шавкатли лашкар билан бирга Жигдаликка қайтиб кетди, у ёққа эсон-омон етиб бориб, жойлашган пайтида Баён сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммад етти қўшин лашкар билан келиб унга қўшилди. У ерда улар етти кун тўхташди. Шунингдек, у ерга амир Ҳусайн ўз лашкари билан ҳамда Ҳазрат Соҳибқирон Қаҳлағада қолдирган лашкар ҳам келди. Дашти Кўлакда улардан айрилиб, ўз элига кетган Шер Баҳром ҳам қирқ уч кундан сўнг Хатлон лашкари билан келиб буларга қўшилди. Амир Ҳусайн ва Соҳибқирон бутун лашкарлари билан у ердан кўчиб, Хузорга томонга юз бурдилар. У ерда улар Хожа Шамсиддиннинг муқаддас қабрини зиёрат қилиб, унинг пок руҳидан ҳиммат ва мадад сўрашди, бир-бирларига ваъдалар бериб, қасамёдлар қилиб, дўстлик ва иттифоқлик ришталарини маҳкамроқ боғлаб, барча иш ва ҳаракатларда яқдил бўлишга аҳд қилдилар[1].

XVI асрда Ғузор Темурийлар билан Шайбонийлар ўртасидаги курашда ўзига хос ўринда турган.

XVI аср бошларига оид манбаларда, хусусан, "Бобурнома"да Қашқадарё воҳасида Кеш ва Насаф вилояти билан бир қаторда Ғузор вилояти ҳам қайд этиб ўтилади[2].

Умуман олганда, Ғузор Бухоро амирлигининг ғарбий ва шарқий қисмларини боғловчи муҳим савдо йўлида жойлашган шаҳар бўлиб, хонликнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

XIX -XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси тўртта иқтисодий туманга бўлинган.

1. Шарқий Қашқадарё - Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ бекликларининг текислик ва тоғ олди қисмлари.

2. Ўрта Қашқадарё ёки Чироқчи беклиги ҳудуди.

3. Жануби-шарқий Қашқадарё ёки ўзур беклиги ерлари.

4. Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги Қарши воҳаси ерлари.

Жануби-шарқий Қашқадарё ёки Ғузор иқтисодий тумани аҳолиси сув манбаларининг суғорма деҳқончилик ривожини учун етарли эмаслиги сабабли кўпроқ лалми деҳқончилик билан шуғулланган. Ичимлик суви асосан қудуқлардан олинган .

Қаршидан 45 верст жануби шарқда Ғузор беклигининг маркази Ғузор шаҳри жойлашган бўлиб, унинг географик ўрни Ҳисор тоғ тизмасининг ғарбий ён бағридаги адирларга тўғри келади[3].

Бухоро амирлигининг шарқий минтақаларида Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор, Чироқчи, Бойсун, Шеробод бекликлари жойлашган бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида ушбу бекликлар орасида Ғузор беклигининг мавқеи анча баланд бўлган. Бунда, асосан, бекликнинг географик жиҳатдан қулай ерда жойлашгани катта ўрин тутган.

Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши Термиз каби йирик шаҳарлардан ўтаётган савдо йўлларининг Ғузор беклиги ҳудудида тутташиши натижасида бу ер амирликда шарқий ва ғарбий ўлкалар ўртасида кўприк вази-фасини ҳам ўтаган.

"Ғузор амирликда энг кўзга кўринган шаҳарлардан бири бўлиб, савдо-сотиқ муносабатлари юқори чўққига кўтарилганлиги билан катта аҳамиятга эга. Бу беклик амирликнинг ғарбий шарқий вилоятларини бир-бири билан боғлаб турганлиги манбаларда келтириб ўтилган"[4:62].

Ғузор беклиги Бухоро амирлигининг савдо-сотиқ маркази бўлиши билан бирга, у ғарбий истеҳком ва плацдарм вази-фасини ҳам ўтагани ҳолда, амирликнинг жанубий вилоятларини бошқариб турарди.

XIX аср ўрталарида бухоролик савдогар Абду Жалил тўқсабо Ғузор қўй бозорида ҳар ҳафтада 10-15 минг қўй сотиб олиб, Бухоро шаҳридаги 400 гўшт дўконини гўшт билан таъминлаган. Ҳар бозорда 1,5-2 минг бош қўй сотилган. Қўйлар Сурхондарё, Ҳисор, Тожикистон, Туркменистон, Қозогистон, Афғонистон, Эрондан олиб келтирилган ва кўтара савдо орқали сотилган. [5]

Йирик ҳунармандчилик маркази Ғузор шаҳрида тўқимачилик учун за-



рур бўлган хом ашё-жун, калава иплари нафақат воҳа, балки қўшни Қарши, Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд, Термиз шаҳарларига етказиб берилган. 1897 йилда бир сотня (юзлик) казак отряди Термиз дарёси олдига келтириб қўйилган, 1900 йилда эса амир подшо ҳукуматининг талаби билан, чегара истеҳкомлари қуриш учун Сурхондарё қуйи оқими атрофидан 10 минг десятина сугорилмайдиган ерни ажратиб берган. Бу ерда, Паттакесар қишлоғи ёнида Термиз шаҳри қурилиб, унга ҳамма турдаги қўшинлардан иборат гарнизон жойлаштирилган. Гузор беклиги зиммасига бу янги истеҳкомларни мустаҳкамлашда ёрдам бериб туриш ҳам юклатилган эди.

XIX асрнинг охири чорагида Бухоро амирлигида 23 та катта шаҳар бўлган. Шу шаҳарлардан бири Гузор [4:62] шаҳри эди.

Бу шаҳар ҳарбий аҳамиятга эгаллиги ва мустаҳкам қўрғондан иборат эканлиги билан бошқа шаҳарлардан тубдан фарқ қилиб турган. Бухоро амирлигида бошқа бекликлар билан бир қаторда Гузор беклигининг ҳам ҳарбий салоҳияти катта бўлган. XIX аср охирида рус ҳарбий зобитлари Келифдан Гузор ва Қаршига ўтувчи йўллар ҳақида маълумотлар беришган. Қўхитанг қишлоғида Келиф-Гузор йўлидаги ягона бозор бўлган ва сўнг йўл Шерободга ўтган [6:194-195].

Рус-афгон чегарасига олиб борадиган йўл бешта беклик: Китоб, Шаҳрисабз, Гузор, Ҳисор ва Қўрғонтепадан ўтиб, жамики ҳарбий ҳаражатлар ушбу йўллардан тушган фойда эвазига қопланган. Бу йўл Бухоро ва подшо Россияси учун ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, муҳим стратегик ўрин тутган.

Рус-афгон чегарасида вазият ўзгарган ҳолатларда Шеробод, Қарши, Шаҳрисабз, Ҳисор, Сарой, Кўлоб, Фарм бекликлари билан бирга ўзур беклиги ҳам Термиз ва Карки гарнизонлари учун заҳира вазифасини ўтаган [6:194-195]. Бундан ташқари жанубий вилоятларда юз бераётган воқеалар, қўзғолонлар Бухоро амирлигидан келган янги ҳарбий кучлар кўмагида бевосита Гузор беклиги томонидан бартараф этилган. Жанубий бекликлардаги ижтимоий ва сиёсий аҳволни шу ердан кузатиб борилган.

Гузор беклиги (вилояти) қуйидаги амлокликлардан иборат бўлган: Кичик Ўра, Катта Ўра, Ҳаршак, Авфон, Иккинчи Катта Ўра, Иккинчи Ҳаршак, Эскибоғ, Гармистон. XIX аср охири XX аср бошларида Гузор вилояти амлокликлари: Афгон, Гармистон, Кришак, Эскибоғ, Жартепа, Ўрам-Калон, Танги-ҳарам Ўранғурд.

Амлокликлар бир нечта қишлоқлардан иборат бўлиб, уларга амлоқдор раҳбарлик қилган. Қишлоқларни эса маҳаллий аҳоли томонидан сайланган ва бек томонидан тасдиқланган оқсоқоллар бошқаришган. Тожиклар яшайдиган қишлоқларни арбоб, ярим ўтроқ чорвадор аҳолисини эса элбегилар идора қилишган.

Жанубий бекликлардан йиғиб олинган солиқлар Гузор беклиги орқали Бухоро амирлигига жўнатиб турилган. Шунинг учун ҳам Гузор беклигини бошқариш Бухоро амирининг энг ишончли кишилари, асосан тахт ворислари бўлган ўғиллари зиммасига юклатилган эди.

Манбаларда келтирилишича, Бухоро амирлигининг Чоржўй, Қабодиён, Нурота, Кармана, Зиёвуддин, Китоб, Яккабоғ, Қарши бекликлари сингари,

Гузур беклигини ҳам тахт ворислари бошқариб келганлар[7].

Мисол тариқасида шуни келтириб ўтиш лозимки, 1867-1868 йиллар Гузур беклигини Бухоро амири Музаффарнинг тўнғич ўғли Абдумалик бошқарган бўлса, 1871 йилда амир Музаффархон 13 ёшли ўғли Саидакрамхонни ўзурга ҳоким этиб жўнатади. Унинг ўғли Султонхон Гузур тўраси бўлиб, 1914 йилдан Чироқчи беклигига ҳокимлик қилган, кичик укаси Мубинхон Гузурга тўра этиб тайинланди. Мубинхон Гузурнинг сўнги ҳокимидир. Гузур беклиги ҳамisha Бухоро амири назорати остида бўлиб, бу ҳудуддаги ишлар амир томонидан қузатиб борилган. Гузур беклигини маҳаллий аҳоли Тура деб келган.

1878 йилда Гузур беклигида бўлган рус элчиси генерал Столетов ўз кундалигида: "Гузур беклиги Бухоро амирлиги тасарруфида бўлиб, уни Бухородан юборилган амир ўғиллари бошқарган. Ҳозир Гузур беги Бухоро амирининг ўғли Акрамхондир"[8] деб маълумот келтирган.

Гузур беклигининг жойлашган ўрни катта ҳарбий аҳамиятга эга эканлигини яхши тушуниб етган рус ҳукумати бу бекликка ўз эътиборини қаратган. 1892 йилда Бухоро-Термиз шаҳарлари ўртасида темир йўл қурила бошлаганда бу йўлни Гузур-Шаҳрисабз бекликларигача узайтириш режаси ишлаб чиқилган. Шу даврда Гузур беклигида Қарши ва Шаҳрисабздан кейин учинчи бўлиб почта алоқа тармоғи ишга туширилган.[9].

1913 йил июнь ойида Гузурдан Термиз шаҳригача 207 км масофада иккита кузатув маскани бор эди. Бу кузатув масканининг бири Гузур шаҳрида, иккинчиси эса Шерободда бўлган. Чунки бу ерларда почта-телеграф идоралари жойлашган бўлиб, кузатув учун қулай ҳисобланарди.

Йўл назоратчилари Самарқанд, Бухородан Термиз шаҳрига ўтаётган давлат хизматчиларини от ва озиқ-овқатлар билан таъминлаб турганлар.

1912 йилда муҳандис Ковалевский Когон станциясидан Қарши, Керки, Келеиф, Термизга борадиган, Қаршидан Гузур, Китобгача шоҳобчаси бўлган, умумий узунлиги қарийб 585 чақиримдан иборат темир йўлни қуришга амирнинг розилигини олган.

1912 йил 15 июнда Бухородаги Россия империясининг агенти А.С.Самов Туркистон генерал-губернатори Самсонов Александр Васильевичга қуйидаги мазмундаги хабарни юборади: "Мен сизга шуни маълум қиламанки, амир муҳандис Ковалевскийга Гузур-Китоб йўли қурилишига кетадиган барча харажатларни ўз зиммасига олганлигини билдирди"[10:1].

26 сентябрда комиссия Қарши-Гузур-Китоб шаҳарлари ўртасида қурилажак темир йўл лойиҳасини кўриб чиққан.

Немис муҳандиси капитан Шульининг ҳисоб-китобларига қараганда, Қарши-Гузур-Китоб йўли қурилишига кетадиган маблағ шу ўлкалардан олинадиган фойда эвазига тез кунда ўзини қоплаган ва йўл қурилишига кетган харажатлардан ташқари 220 минг сўм фойда ҳам келтирган.

Бухоро шаҳридан Қарши-Гузур-Китоб шаҳарларигача 114 километр узунликдаги темир йўл қурилиш ишлари 1912 йилда бошланиб, 1915 йилда фойдаланишга топширилган[10:1].

Темир йўл ишга тушгач, 1912 йил Гузурга темир йўл вокзали ва темир



йўл ходимлари учун махсус турар жой биноси қуриб битказилган.

Қарши-Гузор-Китоб темир йўли қурилиши ишлари ниҳоясига етгач, йўл Ўрта Осиё темир йўли билан туташтирилган. Натижада Гузор беклигидан Россияга пахта толаси, мева қоқи, пилла ва бошқа хомашё моллари ни кўплаб ташиб кетиш анча жадаллашган.

Гузор темир йўли ишга туширилиши натижасида бу ерда божхона хизмати ҳам пайдо бўлган. Мазкур божхонада беклик ҳудудидан олиб ўтиландиган ва шу ердан четга чиқариладиган товарлар рўйхатга олинган. Шу тариқа Гузор беклиги нафақат Бухоро амирлиги, балки подшо Россияси учун ҳам эътиборли ҳудудлардан бирига айланган.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, шунини хулосада таъкидлаш лозимки, Гузор беклиги XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан муҳим ўринга эга беклик сифатида алоҳида салмоққа ва аҳамиятга эга бекликлардан саналган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. - Т., "Шарқ", 2010, 77-78 бетлар.
2. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Т., "Юлдузча", 1994, 47-бет
3. Ҳасанов А. Гузор воҳаси ўрта асрларда.-"Тафаккур зиёси", 2018 йил 2-сон, 32-бет.
4. Логофет Д.Н. В горах и равнинах Бухары. СПб., 1913. С. 62.
5. Саидов М. Гузор тарих сарҳадларида. - Т., 2003. Б. 49-50.
6. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. - Т., "Akademiya", 2008. Б. 194-195.
7. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. - СПб., 1909. С. 13-31.
8. Саидкулов Т. Социально экономическое и политическое положение Самарканда на кануне его присоединения к России. - Т., 1967. С. 27.
9. Логофет Д.Н. История завоевания Бухарского ханства. С. 228.
10. ЎзРМДА. №4-3. Жамғарма №1. Иш №448. 1-варақ.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Гузор беклигининг Бухоро амирлигида сиёсий-иқтисодий савдо-сотиқ ва ҳарбий стратегик аҳамиятга эга эканлиги тарихий манбалар асосида ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

На основа историческая источников в этой статье освещается положение и торгово-экономическое и военно-стратегическое значение Гузарского бекства в составе Бухарского эмирата.

SUMMARY

In this article, the trade and military strategic importance of kingship Guzar in the Bukhara Emirate was provided on the basis of the source.



TOSHKENT VOHASI AHOLISINING SUV BILAN BOG'LIQ AN'ANA VA URF-ODATLARI

Шоира ЖУМАЕВА,
Тошкент вилоят давлат Чирчиқ педагогика институти
докторанти.

Таянч сўз ва иборалар: дарё, зардуштийлик, Тянь-Шань, цивилизация, Ардвиг-Судра, қурбонлик, маросим, урф-одат, поклик, ислом дини, сув ресурслари, экомаданият, этнология.

Сув сайёрамиздаги барча тирик организмлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тирик мавжудотларнинг муҳим таркибий ва зарурий қисми ҳисобланади. Ер юзининг 70%ни сув ташкил этса-да, фақатгина 1% истеъмол учун яроқли бўлган чучук сувдан иборат. Олимларнинг ҳисоблашича, ҳар бир одам умри давомида 35000 литр ичимлик сувини истеъмол қилади. Одам сувсиз тўрт кунгача яшаши, овқатсиз эса бир ойдан уч ойгача яшаши мумкин. Сув-ҳаёт манбаи бўлганлиги сабабли унинг аҳамиятини инсонлар қадимдан англаб, уни илоҳийлаштиришган.

Дунёнинг барча халқларида сув билан боғлиқ ўзига хос диний қарашлар, асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган афсона ва ривоятлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистоннинг ҳудуди табиий-географик шароитида суғорма деҳқончилик кенг тарқалиши сабабли сувга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб, бу ўз навбатида ўзбек халқи турмуш тарзида сувни муқаддаслаштириш ва у билан боғлиқ кўплаб урф-одатларнинг шаклланишига замин яратган.

Географик жойлашувига кўра, Ўзбекистон ҳудуди тоғли ва тоғ олди зонаси (20,5%), суғорма ерлар зонаси (18,2%) ва қолган ҳудудлар бепоён дашт-яйлов ерларга бўлинади [1].

Тошкент воҳаси ғарбдан Тянь-Шань шарқдан Угом, Писком, Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган бўлиб, бу тоғлар бағридан оқиб чиқувчи irmoқлар Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълумки, Тошкент воҳасининг антропоген ландшафти ва табиий географик шароитининг қулайлиги сабабли одамзот унинг ҳудудини қадимги тош даврдан бошлаб (Кўлбулоқ, Обираҳмат, Хўжакент) ўзлаштирилган [2].

Қадимги цивилизациялар каби Чирчиқ дарёси ҳавзасида ҳам воҳа аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, мил.авв. III-II асрлардан дарё этаклари ва ҳавзаларида аҳолининг турар-жой масканлари қад кўтариб, улар воҳа давлатчилигининг илк куртаклари ниш олишига асос бўлган [3]. Ижтимоий ва иқтисодий ҳамда этномаданий ҳаёт ўзининг янги поғонасига кўтарилиб, бу жараёни илк



темир даври аҳолисининг турмуш тарзида намоён бўлишини Бургулик маданияти мисолида кўришимиз мумкин. Дастлаб чорвачилик билан шуғулланган аҳоли, табиий суғоришга асосланган деҳқончиликда катта ютуқларга эришадилар. Суғорма деҳқончилик, боғдорчилик Тошкент воҳаси аҳолисининг асосий машгулотларидан бирига айланиб, сувга бўлган эҳтиёжни ортишига сабаб бўлади. Минг йиллар давомида тўпланган бой тажриба маҳаллий аҳолининг мураккаб сув хўжалиги тартиби ва техникасини яратиш, уни ташкил қилиш ҳамда амалда жорий этиш йўлида муайян анъанани юзага келтирган эди.

Ўтган асрда бундай ишларнинг жонли гувоҳи бўлган муаллиф ўз мулоҳазаларини қуйидагича изоҳлайди: "Ўрта Осиёнинг ҳар қайси қишлоғида ирригация тизими сув орқали ҳаммага ҳаёт бағишлаши билан қон томири тизимига тамомила ўхшаб кетади. Турмушда сув ана шундай эҳтиёт қилинган. Сув бор жойда бойлик, экинзорлар, полизлар, боғ-роғлар, бир неча қадам узоқлашсангиз қақраб ётган дашти биёбонни кўришингиз мумкин" [4].

Сув иншоотларини қуриш, тозалаш ва таъмирлаш ишлари кўп маблағ ва кучни талаб қилган. Шу сабабли ариқ ва каналлар қозиш ишлари умумий ҳашар орқали амалга ошириш бароборида, сувдан фойдаланиш юзасидан ўзига хос диний ва ахлоқий қадриятлар шакланган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган илк диний қарашлардан бири зардуштийликда тўрт муқаддас унсурлардан бири сув ҳисобланган.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто" кишиларни ер ва сувдан унумли фойдаланишга, уларни ифлосланишдан сақлашга, экинни суғорганда сувни тежашга чақирган. Унда деҳқон экин суғоришга, ҳар бир деҳқончилик билан шуғулланадиган киши бир белкурак кенглик ва чуқурликдаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлиги, сув тақсимлаш билан қоҳинлар шуғулланиши қонунлаштирилган эди. Зардуштийлик динига кўра тобут ва жасад билан боғлиқ кишилар (ўлик ювувчилар) бутун умр нопок ҳисобланиб, улар олов, сувдан, муқаддас буюмлардан 30 қадам узоқликда бўлиши, яъни яқинлашмаслиги шарт бўлган.

Зардуштийликда сув ҳосилдорлик, тўкинлик ва фаровонлик манбаи ҳисобланиб, Ардвиге Сура сув ҳомийси сифатида улуғланган. Ардвиге Сура "Авесто" илоҳиёт тизимида юқори нуфузга эга аёл ибтидосига мансуб бўлиб, Амударё маъбудаси деган илмий фаразлар ҳам мавжуд [5].

Сув тошқинлари, сел ва қурғоқчилик инсонларга жуда катта талофатлар келтирган. Шу сабабли ҳам инсонлар томонидан сувга бағишлаб қурбонлик келтириш маросими кенг тарқалган. Археологларнинг фикрига кўра, инсоният тарихида бундай маросимлар палеолит ва мезолит даврида амалга оширилган [6]. Бугунги кунга қадар сақланиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида XX асрнинг 70-йилларида Оҳангарон водийсидаги Кандирсой тошқинини бартараф этиш учун Қорасув дарёси қирғоқларида кексалар томонидан ҳўкизни сой қирғоғида сўйиб, унинг қонини сувга оқизишган, калласига дуо ўқиб, тўлқинлар қарига улоқтирар, танаси бўлак-ланиб Еруби бувага ("Авесто"даги осмон сувлари худоси Эр-Ҳубби бўлса

керак) бағишлаб худойи ўтказишган [7].

Бундай қурбонлик келтириш маросими туркий халқларда кенг тарқалган. Жанубий Қирғистонда қурғоқчилик вақтида кексалар масжид ёки ариқ атрофида йиғилиб, "Джеер Суу"га атаб қорамол сўриб, худойи қилиш маросими ўтказилган [8]. Олтой халқларида эса дарёга тўқ кулранг отни қурбонлик қилишган [9]. XIX аср 90-йилларида Ўшдаги Оқ-бура дарёсига одамни қурбонлик қилишганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Аммо бу маълумот ўрганишни талаб қилади, лекин Хоразмда Амударё сувини каналларга қўйишдан олдин миробни сувга ташаб, олиш одати бўлган [10]. Қадимги туркий халқлар сувнинг илоҳий ва ҳалоскорлик қудратига қаттиқ ишонишган. Улар сувни инсонни ҳар қандай офат, бахтсизлик, ҳатто ўлимдан ҳам ҳимоя қилади, дея тасаввур қилишган. Туркийларнинг дунёқарашда сувжон, руҳ, боқийлик тимсоли, абадий тириклик рамзи ҳисобланган [11].

Гарбий Помирда эса баҳорги қурғоқчилик даврида сувга қурбонлик келтириш учун қишлоқ қариялари томонидан аҳолига билдирмасдан эски қабрдан бош суягини олиб, кўмир ёрдамида тирик одам қиёфаси чизилган. Сўнгра бош суяги дарё ёки булоқ бошига кўмишган. Элшунос И.Муҳиддинов фикрига кўра, бу одат қадимда худолар ва сувга одамни қурбонлик қилишнинг бугунги кунга қадар сақланиб қолган кўринишидир [12].

Элшунос олим Г.П. Снесарев сувга сиғиниш, қурбонлик келтириш исломдан олдинги эътиқодий қарашлар билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтган [13].

Тошкент воҳасида баҳор ойларида ёгингарчилик кам бўлиб, дарё сувлари камайиб кетганда маҳаллий аҳоли томонидан "Суст хотин" маросими ўтказилган. Бу маросимни Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, тожикларда ёмғир чақириш маросими - обошакон деб номланиб, катта қўғирчоқ-ашағлон ясаб, устидан сув қўйишган ва қишлоқ аҳли йиғилиб, қўшиқ орқали ёмғир сўраб, дарё бўйига боришган [14].

Тошкент воҳасининг сув билан боғлиқ қарашларида булоқлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Даволаш ҳусусиятига эга, таркибий тузилмасига кўра фарқланувчи булоқ сувлари аҳоли томонидан қадимдан муқаддас ҳисобланиб, зиёратгоҳларга айлантирилган. Мазкур булоқларнинг вужудга келиши бўйича халқ орасида турли ривоят ва қарашлар мавжуд.

Пискент ва Олмалик ҳудуди чегарасида жойлашган "Қирққизбулоқ" шифобахш чашма сувининг вужудга келиши қадим замонларга бориб тақалиб, халқ орасида кенг тарқалган ривоятга кўра, бу ерда гўзал қирқ қиз кўл бўйида дам олиб ўтирганда шум ниятли кишилар бостириб келишади. Қизлар ўзларини ҳимоя қилиш учун сувга отишади [15]. Ернинг қирқ жойидан сув чиқиб, қизлар булоқларга айланишади. Шуниси ажойибки, булоқ сувлари кимёвий таркиби ҳар хил бўлиб, ҳар бири алоҳида касалликлар учун шифо ҳисобланади. Қирққиз булоққа асосан хотин-қизлар зиёратга келиб, келинлар сув бўйида фарзанд кўриш учун тилак қилиб кетади.

Совет даври мафкураси таъсирида ўтган асрнинг 80-йилларида бу жой



ўқувчилар оромгоҳига айлантирилган. Мустақиллик шарофати ила зиёратгоҳ тикланиб, ҳозирги кунда қўшни давлатлардан ҳам зиёратчилар ташриф буюрадиган, республикамизга машҳур жойлардан бирига айланган.

Булоқ сувлари таркибидаги минераллар турли касалликларга даъво бўлганлиги сабабли узоқ даврлар давомида маҳаллий аҳоли учун шифо-маскани вазифасини ўтаган. Жумладан, Ўртачирчиқ туманидаги Кўк булоқ ота халқона қарашларга кўра Ҳазрат Алининг Дулдул отининг оёқ изларидан ҳосил бўлган булоқ бўлиб, сув таркибида кремний, мис ва бошқа кимёвий элементлар мавжудлиги сабабли тери касалликларига касалликларига даво ҳисобланади, бугунги тиббиёт ривожланган даврда ҳам бу булоқлар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Асосан баҳор ва ёз ойларида булоқларга зиёратга келувчилар сони кўп бўлиб, зиёратчилар томонидан оммавий сайиллар ўтказилиб, қурбонлик қилинган. Фарзандсизлар фарзанд, касаллар дардларига шифо сўраб, ўтган авлиёлар руҳига дуолар қилиб, дарахтларга латта боғлаб, чироқ ёқишган. Ҳозирги кунда зиёратгоҳларда дарахтларга алам боғлаш ва чироқ ёқиш каби одатларга қарши тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Чунки бу одатлар ислом динида ширк одатлардан бири ҳисобланиб, чироқ ёқиш маросими идизлари оташпарастлик динига бориб тақалади.

Ўзига хос булоқлардан бири Оҳангарон туманидаги Жаннат булоқ бўлиб, булоқ сувидан ичиб, сувига ювинган киши барча гуноҳлардан фориғ бўлиб, жаннатга тушади деб эътиқод қилишади.

Воҳа аҳолиси томонидан булоқлар суви муқаддас ҳисобланиб, булоқдаги балиқлар ва атрофидаги дарахтлар ҳам илоҳийлаштирилган. Шу сабабли балиқларни истеъмол қилиш, дарахтларни кесиш мумкин эмас деб ишонишади. Масалан, Паркент тумани Кумушкон қишлоғида жойлашган Масжидали зиёратгоҳи Ҳазрат Али номи билан боғлиқ кўркам қадамжо бўлиб, улкан чинор ва шифобахш булоқ суви зиёратчилар томонидан эъзозланиб, бу мўъжизаларни маҳаллий аҳоли айнан Ҳазрат Алининг ташрифи билан боғлайдилар. Ушбу ҳудудда қадимдан кумуш конлари мавжуд бўлиб, булоқ сувларига ижобий таъсири натижасида инсон саломатлигига ниҳоятда фойдали ҳисобланади.

Ангрен шаҳри яқинидаги Эрвали бобо зиёратгоҳи ёши икки юз йиллик ёнгоқ дарахти, булоқ суви ва балиқлари билан машҳур бўлиб, Кўлбулоқ ва Торозибулоқ суви зиёратгоҳ ҳудудини обод қилиб туради. Маълумотларга кўра, совет даврида (50-60 йиллар) булоқ сувини қувурлар ёрдамида қишлоқ ҳудудига олиб кетишмоқчи бўлишганда булоқ суви қуриб қолган. Қурилиш ишлари тўхтатилган сўнг яна қайта чиқа бошлаган экан. Бугунги кунда ҳам булоқлар суви зиёратгоҳ ҳудудидан ташқарига чиқмайди. Булоқлар суви шифобахш бўлиб, турли тери касалликларига даво ҳисобланади [16].

Сувни муқаддас ҳисоблаш, улуғлаш Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган қадимий одатлардан бири бўлиб, вақт ўтиши билан бу қарашлар ўзгарсада, ислом дини таъсири остида ҳам йўқолиб кетмади. Аксинча, исломий қарашлар билан янада бойитилиб, сув поклик, тозалик ва ҳаёт манбаи сифатида



бугунги кунда ҳам улуғланиб келмоқда. Исломий қарашлар асосида сув Оллоҳнинг неъмат сифатида улуғланиб, уни исроф этиш гуноҳ ҳисобланади. "Уммон олдида бўлсангда, исроф этма" каби ҳадисларга амал исрофгарчиликка йўл қуйилмаган. Воҳада истиқомат қилувчи аҳоли томонидан сувни истеъмол қилиш бўйича ўзига хос оилавий тарбия шаклланиган.

Совет даврида ҳукм сурган атеистик қарашлар, табиатни бўйсундуришга қаратилган ҳаракатлар натижасида бугунги кунда кўплаб глобал экологик муаммоларга дуч келмоқдамиз. Шундай урф-одат ва анъаналаримиз борки, улар даврлар ўтса-да ўз аҳамияти йўқотмайди. Айниқса, "сувга туфлама", "ахлат ташлама", "сувни беҳуда исроф этма" каби ахлоқий қарашлар бугунги кун учун ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тошкент воҳасида ХХ аср 30-йилларига қадар ариқ ва каналлар сувларидан истеъмол қилинган. Ариқ ва каналлар суви истеъмол учун яроқли бўлган, аммо ҳозирги кунда истеъмол қилиш эмас, ҳатто чўмилиш учун ҳам хавфли бўлиб қолган. Сувни исроф этишнинг машъум натижасини-Орол фожеасида яққол кўришимиз мумкин. Бу инсонларнинг оддий ҳақиқатни, сув - бу илоҳий неъмат эканлигини унутиб қўяётганлигимиздан дарак беради. Демографик ўсиш ва иқлимнинг ўзгариши сув истеъмолининг ошиши сув ресурслари танқислигини янада ошироқда.

БМТнинг 2019 йилдаги сув ресурслари ҳолатига доир Бутунжаҳон ҳисоботида кўра, дунёда 2,4 млрд. киши сув ресурслари билан боғлиқ зарур санитария хизматларига, 1 млрд.дан ортиқ киши хавфсиз сувдан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бу ўз навбатида 250 млн. касаллик ҳолатига, 2,2-5 млн. ўлим билан туговчи ҳолатларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, кундалик турмушимизда кенг фойдаланиладиган сувнинг бугун қадри олтиндан бале десак муболаға бўлмайди. Сувдан оқилона фойдаланиш учун аҳоли ва ёшларнинг билимларини ошириш, инновацион ирригация тизимларидан фойдаланиш зарур. Шу боис ҳозирда сув билан боғлиқ билим ва қарашларни мужассам қилган минтақавий маданиятларни турли фанлар(тарих, этнология, экология, маданиятшунослик, фольклоршунослик) кесимида илмий асосда ўрганиш аҳоли орасида, хусусан, ёшлар онгида экологик маданиятнинг шаклланишига асос бўлади. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳар биримиз сув ресурсларини сақлашга ўз ҳиссамизни қўша оламиз. Бу эса келажак авлодга сув ресурсларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жабборов И. Ўзбеклар. -Т.: «Шарқ», 2008.34-бет.
2. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар ("Тафаккур сарчашмалари" туркумидан). Тўплам-3. -Т, 2009. 13-бет.
3. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар ("Тафаккур сарчашмалари" туркумидан). Тўплам-3. -Т, 2009.39-бет.
4. Жабборов И.Ўзбеклар. 2008.36-бет
5. «Авесто» ва унинг инсоният тарихидаги ўрни.Тўплам. Тошкент-Ур-



ганч, 2001. 124-бет.

6. Филимонова Т.Д., Вода в календарных обрядах.//Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. Исторические корни и развитие обычаев.М.,1983.С.132-133.

7. Ёрматов И. Қорасувёқа.Тошкент: "MERYUS",2010. 82-бет.

8. Абрамзон С. М.Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. / Авт. вступ. ст. - Ф.: Кыргызстан, 1990. С.183.

9. Каруновская Л. Э. Представления алтайцев о вселенной, стр. 166. Ср. КРС, стр. 365.

10. Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований об рядах узбеков Хорезма», Москва 1963. с-238.

11. Аширов А. А. Фаргона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ мифологик қарашлари ва урф-одатлари. // O'zbekiston tarixi, 2018 №1.77-бет.

12. Мухиддинов И. Реликты доисламских обычаев и обрядов у земледельцев Западного Памира (XIX -начало XX в.). - Душанбе: Дониш, 1989.

13. Снесарев Г. П.Обряд жертвоприношения воде у узбеков Хорезма, генетически связанный с древним культом плодородия. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1957 г. МХЭ, вып. 4. М., 1960, с. 198-199.

14. Богомолова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков // Известия АН Тадж. ССР. Отделение общественных наук (ИООН), с 117-118.

15. Эрвалиев Б., Остонақулов И., Абдулаҳатов Н. Ўзбекистон зиёртағоҳлари ва қадамжолари. Т.: "Tugon Zamin Ziyo".2015. 265-бет

16. Дала ёзувлари. Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Тошкент воҳаси аҳолисининг сув билан урф-одатлари ва анъаналари этнографик материаллар асосида таҳлил этилган. Муаллиф томонидан сув ресурслари билан боғлиқ қарашлар, маросимлар ва Тошкент вилоятида жойлашган зиёртағоҳлардаги булоқ сувлари билан боғлиқ урф-одатлар тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, сувнинг аҳамияти, бугунги кунда сув ресурсларига муносабатда диний ва миллий қарашларнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья раскрывает суть на основе этнографических материалов обычаев и традиций населения Ташкентской области. В статье автор приводит примеры водных ресурсов и связанные с ним традиций и обычаев. Также описывается отношения религиозных и национальных взглядов в отношении водных ресурсов и её значение.

RESUME

This article reviews the traditions and customs of water related of Tashkent's oasis based on ethnographic materials.

The author provides information on water views, ceremonies, traditions and holy places which are associated with spring water in Tashkent region. Also, the role and importance of religious and national views on water resources are now described.



Фахриддин Хайит - шоир,
«Ёшлик» журнаlining бош мухаррифи.

O'z vatani bo'lsin

Хар ниҳолнинг илдизин ёйиб
Унарга ўз ватани бўлсин!
Хар қушнинг кенг қанотин ёзиб
Жунарга ўз ватани бўлсин!

Ўлоғидан ўрласин тугун,
Насибаси бўлсин бус-бутун.
Хар одамнинг осойишта кун
Қурага ўз ватани бўлсин!

Кулиб иккинчи сувҳидам қуёш,
Нурдан яшнаб кетсин тоғу тош,
Оқшом ҳориб, қўяй, деса бош,
Шунарга ўз ватани бўлсин!

Беватанда ловулайди тан,
Қумон қайнар ҳасрат-дардидан.
Иди оман хар зотининг ортидан
Сурага ўз ватани бўлсин!

Бир кунни тор келганда олам,
Қилса жонни азиз, мукаррам.
Ёвог отга миниб сўнги дам
Жунарга ўз ватани бўлсин!

Sohibqiron yo'li

Юмалоқ Ер шафи ёғ қулоғин -
Қонинот юраги, инсоннинг ҳоқи.
Зулмат тўсолмаган тинчлик қуёшин,
Шоки бардавондир инсон идроқи.

Иволар оловин пуфкайди рўё,
Қўзғайди сўнган ўт асоратини.
Барқарор бўларди юқтирса, дунё,
Жаҳоннир Темурнинг жасоратини.

Жасорат билмакда бўлмайдди бунёд,
Юракда тугилар, қон каби яшар.
Ақлу тафаккурдан олар ҳарорат,
Ҳаёт каби яшар, ҳсон каби яшар.

Бордир хар халқнинг ўз ўтмиши, ёди,
Келажак ниш уфур тугилар, қати бор.
Хар давроннинг тугилар тафаккурини,
Хар замоннинг тугилар ҳақиқатини бор.

Ҳамон қудратини эгар намоев,
Ҳайрат солар дилга маҳобатлари.
Оламга мангулик бахш этибхар он,
Сабоқ бериб тугилар иморатлари.

Боглари хар баҳор гуллайди қийнос,
Шўлар булбулларнинг хуш лақ-лақига.
Ниҳоллар бди бераф инорларга хос,
Дарахлархам дуо қилав ҳақига.

Дунё, адоватни буткул унутиб,
Эзу йўлда сурху ярашми ўрган!
Адолат тугини бошинида тугилар,
Оламда музаффар яшашини ўрган!

Кел, соҳибқироннинг сағанасини қуё,
Қалбини тут замоннинг гулдиростига.
Билим-тафаккурда, адолатда - қуё,
Қўй, мана, тарихнинг тарозистига!



Ayol

Сабрдан кийди либос,
тоқатдан тақди маржон.
Ғарби дайди шамоллар
соғларин тортқилади.

Шовонига отди ўқ,
кўксига саниди ханжаф:
Аёлга не дард берсан
барғасин орқалади.

Ғимирлайди илди
ушли-унсиз товушлар,
Ҳориб қайтар даладан
ковуши тўла пурроқ.

Боласини опиллар,
юрагини ҳовулар...
Ўқтин-ўқтин ўртаб жон
кафтисида гуллар қадоқ.

У алвон полазорини
жуда-жуда кўрар хуш,
Балки қирмиз лолалар
Бўёқ олган қонидан.

Ийманади бағоят
тушида ҳам бояқши:
Кўзини юмиб ўтар
Гул дўқони ёнидан.

Фалак шундай камсуқум
этган соҳибжамолни,
Бир завқига минг бир байт
булбул тўқир қасида.

Қобирғамдан яраган
десанг маъсум Аёлни,
Асра, уни тоҳайт
қобирғани орасида!

Ona tilimga

Қошғарий лутф қилган табарруқ калом,
Шеър тузукларда муҳр этган мағни.
Сен Аршдан иноят, мозийдан инъом,
Навоий боғсан, Бобур ғамани.

Қодирий кўзида қалқиб турган мун,
Фитратини қалбида уйғонган исён.
Бехбудий дардини сўзга солган сен,
Ўқпонини кўксига порлаган ўқтон.

Миллат тили-номус, миллат тили-шаён,
Рухимни оловга тоблаб турган кўф.
Сени ранжитганлар - ён бермас душман,
Қанга ёғиб бўлса, мени келсин дў!

Энди тошларғамас, кўксимни ёриб,
Юракка ёзаман мангу бир биттик.
О, онажон тилым, манилайини ёрув
Асрлар қаддини фотлаб турар тик.

Дунёда элат кўп, тил кўп шу қадаф,
Хел кимдан арзим йўқ, эгипрозим йўқ!
Синх кўриб битса, оламда агар
Сени қоним билан айлайман кўптур!

Қашқирлардан қирда кўй-кўзинини қил ҳимоя,
Худо берган ҳатол фикр-фўзинини қил ҳимоя.
Бирин барғу бирин гул, қоқилмасин олоҳ бўл,
Жониндан азиз ўил-қизинини қил ҳимоя.

Адо бўлмас хел ғамини, сира тўрмайди камини,
Шашлаган ҳар қадамини, изинини қил ҳимоя.
Қимлар уғраф йўлинда, нелар кеймас дилтиндан,
Бол томса ҳам тилинidan сўзинини қил ҳимоя.

Бўғзинга тўлар зарфа, кейсанг гар алҳазардан,
Ёмон наҳсу назардан кўзинини қил ҳимоя.
Рухдан либос кийган тан, илмида капта душман,
Фахри, аввал ўзиндан ўзинини қил ҳимоя.



MUQARRAR

**Бекзод УКТАМ,
«Қашқадарё» газетасининг сиёсат ва
хуқуқ бўлими муҳаррири.**

Одам ўлдирилган!

Маҳкама хизматчиси тилидан ай-тилган бу сўз буткул ўзга хаёлда дарвозахонага монанд узун кутиш йўлагига дилтанг турган уч кишини тамоман доводиратиб қўйди. Улар тагига сув кетишидан зах нақ иккинчи қаватгача кўтарилиб зангтус олган бу кўҳна даргоҳга ўз юмушимизга кўра келдик, деб хаёл қилишган, шунча йил яшаб жиноят содир этишдан мудом ўзларини тийиб келгани боис дастлаб хизматчи шунчаки ҳазиллашяпти, деб ўйлашди.

- Совуқ ҳазил қиларкан, - деди шифокор. У юрак хасталигини даволашда тенгсиз, маҳкама бошлиғи эса залворли вазифада бўлгани, шу баҳона курсида қимирламай ишлагани оқибат юрагини ёғ ўраб борар, аксига олиб ҳаракатга эмас, заҳарзаққум дорига зўр берганди - ҳузурига кирсам, тонгда, яхшиси қош қорайганда югуринг, бошқа ҳеч иложи йўқ, демоқни кўзлаб турганди дўхтир. Одатда уни ўзлари олиб кетишар, шу сабаб ишининг, аввало ўзининг қадрини юқори санаб юрарди. Нуфузли кишилар, айниқса, мана бу амалдорлар хизматидан эса бўйин товламасди. Товлаб, товланиб бўлмасди ҳам.

- Ҳали ёш бўлса керак, - деди тилларанг гардишли кўзойнагини

олиб кўзини ишқаганча адвокат. - Ҳа, янги. Уни аввал учратмаганман. Ёшларнинг димоғи баланд бўлади, катта ишга ўтса, ўзларича шундай димоғдор бўлиб қолишади.

- Аммо-лекин ҳазиллашаётганга ўхшамайди, - кўнглидагини айтди мужовул - эгнида кулранг тўн, қўлида дўппи тутган, қаттиқ ҳаяжонда эканини соққасининг ҳар томонига бориб келаётган қорачиқлари айтиб турарди.

- Ҳозирги урф, - деди адвокат бепарво оҳангда. Тор дарвозахонада туриш уни асабийлаштирарди, қолаверса, не бўлганда ҳам қонуну инсон ҳимоячиси, манави дўхтиру аллақандай мужовулнинг олдида мулзам бўлиб ўтиришни ўзига эп кўрмаётганди. - Аввал обдон куттиришади. Ўзларининг қадрини оширишади. Асабингиз тамом бўлгач, ҳар қандай шартга кўниб кетаверасиз. Бу эскирган услубдан терговчилар кўп фойдаланади. Жиноятда гумон қилинганни чақириб, эшиги олдида соатлаб куттиради. Бояги бечора айби бўлмаса ҳам папирос чекавериб, ўйлайвериб, адоий тамом бўлади. Кейин тиркалган айбни ҳам осонгина бўйнига олади-қўяди. Агар чиндан ҳам жиноятчи бўлса, узоққа бормади - бирданига фош этиш мумкин.



Унга фақат мужовул эътибор берар, қонун вакилининг ҳар сўзини астойдил маъқуллаб турарди. Доктор эса бир олам иши қолиб кетаётганидан алағда, шу сабаб бир жойда туролмасди. Қўлини аввал шимининг, кейин бахмал тусли костюмининг чўнтагига солар, бўйинини қисиб қордай оқ кўйлагининг ёқасига ишқарди. Адвокатнинг гаплари уни асабийлаштираётганди.



- Сизни яхши танишади, бир суриштириб кўрмайсизми, - деди у адвокатга. - Сўранг-чи, нимага чақирибди? Ҳаммамиз ишли одаммиз, вақт кетяпти... Касаллар кутиб қолди...

Қонун вакили бу пайтда ўзини жон-дили билан эшитишга тайёр одам топилганидан хурсанд ҳолда айбланувчи ва терговчи психологияси ҳақида гапирарди. "Жиноятчи бўласизми-йўқми, терговчи ишни қўполликдан бошлайди. Сенсирайди, сўкинади, ҳақоратлайди. Яъни... аввал руҳан синдиради. Гўддайиб турган одамни тилидан ушлаш қийин-да... Руҳи чўккан одамни эса қайириб олса бўлади. Чўнтагингиз тўла ақча бўлсин - ўзингизга ишонч ортадими? Ортади. Сарик чақангиз ҳам бўлмаса, бу ишонч сусайиб, муттасилик асносида ҳатто йўқолиб кетади. Шундай аҳволга тушасизки, терговчи баён қилган тафсилотларни ҳеч нарса билан инкор этолмайсиз. Шунинг учун ичкарига кирсангиз терговчининг бу тахлит муомаласидан ҳайрон ҳам, хафа ҳам бўлманг. Ўзингизни босиб, бемалол жавоб қайтаринг. Менимча сизда ҳеч

қандай гуноҳ йўқ... "

Мужовул бу дамда тинмай "Асло!.. Зинҳор!.. Худо сақласин..." деб такрорларди. Докторнинг даъватидан оғринган адвокат шунчаки одам эмаслигини кўрсатиб қўйиши керак эди. Ҳарқалай, доктор иши кўплиги важдан эмас, адвокатдан кўп гапирмай амалда нимадир қилишни талаб қилаётганди.

Қонун вакили бу тор жойда товуши кимгача етиб боришини чамалаб кўрди. Бу тахлит иморатлар тарҳидан аёнки, яқин-ўртада ҳеч ким уларни эшитмайди. Нарироқдаги асосий бинодан тушиб келиб керакли гапни етказишади. Шунинг учун адвокат айна чоғда чорасиз эди.

- Тушишсин, кейин айтамыз, - деди у "Нима, ҳеч ким йўқлигини кўрмаяпсизми?" деган оҳангда. - Дўхтир кўп-ку, касаллар фақат сизга маҳтал бўлиб қолмагандир?

Кейин худди қонун вакили экани эсига тушиб қолгандай дафъатан сўради:

- Нимага асабийлашяпсиз ўзи? Ё...

Докторнинг энди чиндан ҳам жаҳли чиқди:

- Тилингизга эрк бераверманг!.. Билиб турибман қандай шубҳага бораётганингизни. Мен докторман, шаҳардаги биринчи рақамли доктор. Соҳамда менга тенг келадигани йўқ, буни ҳамма билади... Мени айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Айниқса сизнинг...

Қўрс жавоб адвокатни эсанкиратиб қўймади. Қайтага хотиржам



RUHIYAT SURATI

торттирди. Ҳар ҳолда кимнингдир тиззаси қалтираяптими, ўшанинг бўйнида бир иллат бор.

- Тўғри, биринчи рақамли бўлишингиз мумкин, - деди адвокат. - Бу дегани айбингиз йўқ дегани эмас.

- Қўйинг, адвокат бува, - орага кирди мужовул. - Гумон иймондан айиради дейдилар. Чиндан ҳам бу киши таниқли дўхтир, бундай одамлардан шубҳа қилиш дуруст эмас.

- Бўлмаса нега сиз хотиржам турибсиз? - деди адвокат заҳдан қуми титилиб кетган деворга қўлини тираб. - Айбингиз йўқ, биласиз. Шунинг учун кўнглингиз тўқ.

У гапини давом эттиролмади:

- Эй, биродар, ишим кўп дедимку. Касаллар кутиб қолди. - Доктор шундай дея костюмининг тугмасини бўшатди. Унинг асабий ҳаракатлари ва олдинга туртиб чиққан қорни адвокат эътиборидан четда қолмади. - Юрак касали билан ўйнашиб бўлмайди. Томоғи ё тиши оғриган одам кутиб турар, лекин юрак ишнинг кўп-камлигига қараб ўтирмайди. Таққа тўхтайди.

Мужовул энди докторни маъқуллаш бошлади: "Тўғри, ҳар кимнинг ризқи узилса, бунга чора йўқ". Адвокатнинг эса доктор мавзуни чалғитаётганидан хуноби ошарди. Айни ҳолатда у айбдорни шу ерда аниқлаб, ўзининг айбсизлиги учун тарадуд кўраётгандай эди. Мужовул ҳам буни сизди ва унинг қилиқларига ортиқ эътибор бермай қўйди.

- Мен бир нарсага тушунмаяпман, - деди анча хотиржам ҳолда доктор. - Мана сиз, адвокатсиз. Ҳуқуқ ҳимоячиси. Лекин нимага менга ёпишиб олдингиз, ҳайронман. Терговчи эмассиз, суд эмассиз. Айбим бўлса, жавоб берарман. Асабий-

лашяпти эмиш... Аслида сиз кўпроқ жиғибийрон бўляпсиз! Ўзингизни тутишингиз номаъқул иш қилиб қўйиб, айбини бировга тўнкаган ёш боланинг қилиғини эсга солади...

- Э-э, ақлингиз жойидами? - деди пинагини бузгиси келмай адвокат. - Нима деяётганингизни ўйлаб кўряпсизми? Мен шунча йил қонунни ўрганиб келдим, уни бузишни эмас. Ким сизга ёпишиб олибди? Шунчаки нега асаб бузаётганингизга қизиқдим. Шунга шунчами? Хўш, нимага жаҳлингиз чиқаяпти?

Шу дамда шифтдан бир бўлак оҳак парчаси шип этиб ерга тушди. Ҳаманинг нигоҳи унга қадалди.

- Заҳдан, - деди адвокат. Идора нуфуздан бохабар киши у жойлашган бино бу қадар путур топиб бо-раётганига ҳайрон бўлиши табиий эди. Мужовул шифтга қараркан, деворни уриб кўрди. Худди шуни кутиб тургандек неча асрлардан буён қулфлаб ташлангандай ва ундан ҳеч бир жонзот кириб-чиқмагандай та-ассурот уйғотувчи кўҳна эшикнинг оғир овози жаранглади ва маҳкама ходими чиқиб келди. Мужовул деворга мушт туширганимни ходим кўрмадимикан, деб қўлини орқага яширди. Ходим эса уваланиб кетаётган деворни тешар даражада тикилиб, айнан унга сўз қотди:

- Сиз! Мен билан юринг...

Мужовулнинг ранг-туси ўчиб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Нималарнидир пичирлаганча хизматчи-га эргашди. Қовоғи солиқ ходим занглаб асл туси билинмай кетган эшик тутқичидан ушлаганча мужовулнинг ичкари ўтишини кутди. Докторнинг "Бизни нимага чақиритибди, билмайсизми?" деган сўроғига ҳеч қан-



дай жавоб бермай эшикни қарс этиб ёпди, яна қум зарралари ёгилди.

"Қумдаги аёл...". Адвокат шу номдаги китобни ўқиганди, сочи ва елкаси оша тушган зарралар ўша таниш битикларни ёдига солди.

...кутилмаган тасодиф билан биз ҳам асир тушган кўринамиз. Фақат асир олувчи жонон эмас, қовоғи уюқ хизматчилар...

Йўлақдаги икковлон қўнғиртоб-яшил тусдаги темир эшик чиқарган зингилаган товушга диққат бўлиб туришаркан, бу овоз худди мужовулга ўқилган ҳукмдай жаранглади. Суд жараёнларида баъзан, ҳатто аксар ҳолларда бой беришга ўрганиб қолган адвокатга бу ёмон таъсир қилди - деворга суянганча худди яна ютқазиб қўйгандай хомуш бўлиб қолди.

- Бизга қандай айб қўйишни билишмаяпти шекилли, - деди бироздан кейин у ҳазил қилишга уриниб. Унинг бояги беўхшов гумонидан докторнинг гашлиги ҳалиям тарқаммаганди, шу сабаб ҳеч нарса демади.

- Ҳа, менимча, бизни бироздан кейин қўйиб юборишади, - гапида давом этди адвокат. - Адашмовчилик ҳар жойда бўлади. Айбимиз йўқ, нимасидан қўрқишимиз керак? Мужовулни қаранг жим туришини. Ким нима деса маъқуллаб турибди, писмиқ. Ўзи бошда ёқмаганди менга шу нусха. Қилгиликни қилиб ҳеч нарса бўлмагандай туришини кўринг буни...

Айни дамда эса мужовул дим ва бўғиқ хонада ҳаво етмаётгандек пишиллаб нафас олаётган хизматчининг чўччайган оғзига илҳақ қараб турар, қимир этмасдан тошдай қотганди гўё. Семиз хизматчи олдида

уюлиб ётган қоғозлардан бош кўтармай ниманидир астойдил изларди.

"Бугунлар тополмаса керак, - ўйлади мужовул. - Бормисан, йўқмисан ҳам демайди-я!.."

Ташқаридаги ҳавога изғирин игналари сочиб юборилган бўлса, хона иссиққина, ходимлар ҳам кўйлақчан юрар, овози пасайтирилган телевизорда қийшанглаган гавдалар, бир қарашда на эркак, на аёллигини билиб бўладиган нусхалар гўё дунё фақат шулардан таркиб топган каби бот-бот кўринар, қизғиш жавонда номига тахланган қалин китоблар ҳар қандай ҳукм ўзига қараб чиқарилишини билгандай вазмин турарди. Ниҳоят излагани топилди шекилли хизматчининг чўччайган оғзи икки томонга қараб камон шаклида ёйилди, кейин қаршисида қаққайиб турган киши ўз хонасига қандай келиб қолганига тушунмагандай ҳайрон бўлиб қаради.

- Шу десангиз, тушдан кейин қорин шишиб кетади-да...

Хизматчининг кутилмаган гапи мужовулни эсанкиратиб қўйди. Пичинг қиялпими, ё киноями, тушунолмади. Чиндан ҳам, ташвишда турган одам бировнинг қорни ҳақида қандай ўйлаб кўрсин ва нима десин?!

- Билмасам, тақсир. Кўп ўтириб ишласангиз керак-да.

- Шу-да, кўп ўтирамиз. Бошқа илож йўқ. Манави қоғозлардан қочиб қутулиб бўлармиди? Лекин шу... одамнинг кучини олиб қўяди-да. Ҳар ўн-ўн беш дақиқада диванга чўзилмасам бўлмай қолди. Ётсам, билинмайди. Ўтирсам, белимдан бўғзимгача қаттиқ бир оғриқ бор.

- Ундай бўлса, дўхтирга кўринмасангиз бўлмайди...



RUHIYAT SURATI

- Сиз-чи?.. Дўхтирмасмисиз?
- Йўқ, тақсир...
Хизматчи чизиқсиз, ялтироқ пешонасини биққи бармоқлари билан мулойим силаб, озгина ўйланди ва деди:

- Менга дўхтир келди, дейишганди... Сиз нима қилиб турибсиз унда?..

- Чақиришган экан... Анчадан бери эшик тагида кутдик, кейин шу ёққа бошлаб келишди...

Энди хизматчининг мулойимлиги йўқолди, юзи қаҳрли бир тус олди:

- Ҳа, билмайсизлар-а, билмайсизлар. Қилғилиқни қилиб, гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдай турасизлар. Нима, биз бегуноҳ одамни ўзимиздан ўзимиз сўроққа тутаверамизми?

- Йўқ-йўқ, - ҳовлиқди мужовул. У вазият чигалашаётганидан хавотирга тушиб қолди ва боя адвокат уқтирганларини эсдан чиқарганини англади, тилига тузукроқ сўз ҳам келақолмади. Уни мушкул ҳолатдан хизматчининг ўзи қутқарди:

- Нима иш қиласиз ўзи?

- Шу... ўзимизнинг мачит, қабристонга қараб юрамиз...

- Тутлар кесилиб кетди-а? - сўради хизматчи. - Шоҳариқнинг бўйидаги тутларни айтаман. Бир кўрганимда ичи горнинг оғзидай бўлиб кетган экан. Қуриса керак деб қўйгандим.

Хизматчи билан суҳбат худди шахмат ўйинидай эди. Куттириб-куттириб, қорни шишганидан сўз очади, жиноятда гумон қила туриб, мачитдаги тутларни суриштиради. Бу ёқда бировнинг жони бўғзидаю нафаси халқумидан зўрга ўтадиган кимса қандайдир тутнинг ташвишини қилиб турса. Танаси бошқа дард билмас деганлари шу-да. Ҳар ҳолда

у гумондор. Бироқ хизматчининг тунд қиёфаси сал ёришгани мужовулга озгина ишонч берди:

- Йў-ўқ, у тутлар ҳали кўп яшайди... Эскида бирови кўпориб ташлайман деб бульдозер миниб қасд қилган экан, денг. Ўша пайти тили тортиб қолса-да. Минг йиллик тутлар, бировдан ош-нон сўраётгани йўқ эди, камига соя-салқинини аямасди. Шунинг учун бульдозерчига ҳеч кимнинг ёрдам бергиси келмади. Қаердандир қошиқ топиб, оғзига солишганди, барибир кор қилмади...

Буни айтишга айтдию, бирдан қаерда ва қандай ҳолда тургани эсига тушди. "Ҳа, ўл-а, - деди ичида. - Сендан биров шуни сўраяптими? Тили тортиб ўлганмиш, ҳеч ким ёрдам бермаганмиш. Шунинг ўзи жиноят-ку... Тилинг бошингга етмаса гўрга эди. Лекин у воқеага узоқ йиллар бўлиб кетди, энди нимага керак бўлдийкан?.. Буниси майли, нимага мендан шубҳа қилишяпти? Бир айбим - гувоҳлигимми..."

Хизматчи боя топган қоғозидан кўз узмай - табиийки, мужовулнинг ўйларида бехабар эди - осойишта оҳангда яна суриштирди:

- Қабристонда нималар бўляпти? Ҳар хил гап-сўзлар юрибди...

Шу гапдан кейин мужовулнинг маҳкамадагилар ҳамма нарсадан хабардору атайин синаб кўришаётганига ишончи комил бўлди. Адвокат айтганича бор экан, булар гапнинг пўсткалласини айтиш ўрнига бир бечорани ахлоқ қилиб ўтиришибди. Билганини сир тутиб, қаршисидаги кишининг ўзини тутишини - довлдираши, каловланишини кузатишдан мароқ туйиш фақат шу тоифага хос бўлса керак.



Мужовул энди амин эди: қилмиш – қидирмиш. Ахир, қачонгача ҳам-манинг кўзига бинойидай ҳаёт кечириётгандай, жамият ўрнатган қоидаларга зид яшамаётгандай кўри-ниб юрарди? Тўғри, қотиллик қилмагани аниқ, аслини олганда, у одам бўлиб бировга қўл кўтарган зот эмас. Худодан эмас, шунчаки одамлардан қўрққани, уларга ўзининг ҳам ҳаётда борлигини исботлаш учун дин йўлини тутганидан кўз юмолмайди. Шунақаси ҳам бўлади-ку: айримлар худодан қўрқиши баробарида унинг каломини такрорлаб турадиганлардан ҳам ҳайиқади, буни ҳавас ёки ҳурмат дейиш ҳам сал қийинроқ, тўғрироғи ёмон дуо қилишларидан ёки қарғашларидан чўчишса керак – тушунмагандан кейин ҳар турфа қарашлар пайдо бўлаверади. Оқсу-яклик деган ниқоб эса мўл имкони-ятларни туҳфа этади, кимки ўзини шу нарсалар билан ихоталаб олган ёки буни бот-бот таъкидлашни хуш кўрадими, ҳаётда муносиб ўрин топмаган, истаганига эришмаган. Ҳаммаси кейин бошланади: уч-тўртта оят чала-ярим ёдланади, давралар тўридан жой олинади, ҳаётда ўрни-ни топганлар, истаганига эришганлар билан қуда-анда тутинилади... Бу катта айб саналмаслигининг боиси шундаки, бир одам жамиятдан ажралиб қолмаслик, лозим бўлса, озгина устунликка эга бўлиш кўйида нимадир ўйлаб топса ва бу қонун мезонларию ахлоққа зид келмаса, уни кечириш мумкин.

"Кулранг-қорамтир булутлар тарқамаган ўша тўполонли кун жуда расво бўлди, бундай булутлар одатда ёмғир келтирмаслиги боис жуда ёқимсиз, буям етмагандай одамни беҳол қилиб қўяди. Кўкка ўқталган

мушт каби каллакланган тутлар ора-лаб қуёш ожиз бир тарзда ботаркан, буни ланжлик билан кузатиб турардим, – ўйларди мужовул. – Юракни эзадиган бундай кунда нимадир юз бериши керакдай эди. Аслида ўша жиноят ҳақида ўзим келиб хабар берганим яхши экан. Мана энди тавқингга "одам ўлдирган" деган лаънатни ҳам илишмоқчи... Бундай бўларини туш кўрибманми. Аслида у воқеа ҳам тушдай бир гап.

...Охирги вақтда қабристонда ўғирликлар кўпайиб қолди, кимнинг бунга қўли боряпти, ҳеч ақлим етмасди – қайси ноинсоф келиб-келиб ўликмақондан нарса ўғирлайди? Серҳашам мрамартошлар, қурбонликка деб келтирилган бенуқсон қўй-қўзи, эҳсон қилинган пуллар бошда оз-оз, вақт ўтиб таг-туги билан йўқолиб қола бошлади. Ўғирликнинг одамлар энди-энди мени "эшон бува"лай бошлаган пайтига тўғри келганини қаранг. Бу замонда айбдор бўлишдан осони йўқ, шунинг учун нарсалар йўқолаётгани ҳақида эшон бувани огоҳлантириб қўйдим. Тўғриси, кейинги пайтда эшоннинг ҳам муносабати ўзгарган, чамаси бунга тушум камайгани сабаб эди. "Билмасам, сизнинг вазифангиз, қаранг, олдини олинг!.." деди у гудурлаб. Қўшни чўпондан даштда юрган бир итини ижарага олиб, эҳсон қутисининг яқинига боғладим. Аммо итнинг ер тирнаб, тиш кериши эҳсон қилувчиларнинг қадамини узишини ўйламабман. Эшоннинг эса норозилиги баттар ортди: "Эс борми, эс, кучукка бало борми?!"

Итнинг ўрнини ўзим эгалладим, қўлим бошқа ишда бўлсам, кўзим,



дилим қутида. Аммо кечга бориб қутини очарканмиз, ичи қуп-қуруқ чиқади. Балки устомонлар йўлини қилиб ўзини пул ташлаётгандай кўрсатиб ичкаридаги пулни суғуриб кетаётгандир, на айбдорни била оламан, на ўйлаб ўйимга етаман. Эшоннинг эса тажанглиги авжига минган. Камига қутига қоровулик қилган куним, мрамартошларни ўмариб кетишади, тошларга қараб чиқсам, қўрадаги қўй-қўзи гум бўлади.

Бир муддат аввал мозор атрофини девор билан ўраш бошланган, каттаконлар бир кўриб кетганидан кейин қурилиш негадир тўхтаган – балки уларга нимадир ёқмагандир, худо билади – оз-моз шағал, гишт қолиб кетганди. Битта-яримта кўтариб кетиб, жавобгар бўлиб қолмай деб (ҳар ҳолда бу давлатнинг мулки!) шу тақир-тошларни ҳам кўриб чиқдим. Яқин-ўртада шоқолнинг увиллаши, бунга жавобан қишлоқ итларининг жўровоз вовуллаши демаса, кеча тинч-ташвишсиз эди.

Қум-шағалдан хабар олиб, йўлни яқинлатиш кўйида мозорни қийиб чиқаётгандим. Дўмпайган қабрлар орасида бир нарса қорайиб кўринаркан, танам бўйлаб томир ёйиб бир титроқ югурди. Камига қаердадир, жуда яқинда ит улиди. Чигиртканинг чириллаши ҳам қўрқинчали туюлади, чумчуқ пир этса, юрак шир этадиган, наинки бу, тарс ёриладиган ҳолат. Ногаҳон хаёлимга кеча бир кампирни ерга қўйишгани, қорайиб кўринган нарса янги қабрнинг тупроғи эканлиги келди. Танамдаги қўрқув осмонга довур етиб борди чамаси булутларни йиртиб, ой кўриниш берди,

шунданми кўнглим бироз ёришгандай бўлди, титроқ ҳам озгина босилди. Қорайган нарса ҳақиқатда ҳам янги қабр эканига ўзимни ишонтириш кўйида шу тарафга қараб юрдим.

Оёқларим бир-бирига чалишиб, гўрга яқинлашарканман... гўрнинг дўмпайиб кўринаётган тупроғидан одам шаклидаги қора бир шарпа ажралиб, мозор дарвозаси томон ўқдай учиб ўтди. Жонҳолатда қичқириб юбордим. Юраги ёрилиб ўлган одамлар ҳолатини ҳис этарканман, бир муддат ҳеч нарсани англомай, тилим айланмай қолди. Одам тушида кўп воқеаларни кўрадию, аслида у бир лаҳзада онгда кўриниш берган таассуротлар йиғиндиси бўлади-ку, мен ҳам шу ҳолда эдим. Энди ўйласам, ўша воқеа жуда қисқа муддатда бўлиб ўтган, қўрқув сабаб узоқдай туюлган экан.

Бояги шарпа ўқдай учиб кетаркан, нимагадир қоқилиб тушди ва "ҳе онангни..." дея ерга чўзилиб қолди. Бирданига танамдаги бор қўрқув қаергадир чекинди, чунки орада кулги, кулгили ҳолат пайдо бўлганди. Аслида нега қўрққандим ўзи? Даставвал хаёлимда гўрдан мурда чиқди, деган фикр жонланганди. Ё шарпани жин-алвасти деб ўйлагандим. "Онангни..." деб сўкиняптими, буларнинг ҳеч бири эмас.

Ниҳоят, ўғри қўлга тушган эди. Ойлар давомида тинчимни бузган, эшон олдида мени ўғрига чиқараётган, ўликка мансуб нарсалардан, эҳсон қилинган пуллардан ҳазар қилмайдиган жирканч кимса оёғим остида осмонга қараб ихраб ётар, тусмолимча чўкиб ер билан деярли баравар ҳолга келган кўҳна қабртошга тўқанаб, мувозанатини йўқотган-



ди.

Газабдан бўғриқиб, ёқасидан чангаллаганча зилдай гавдасини тортиб тургизарканман, бунча куч ўзимга қаердан келганига ҳайрон бир тарзда унинг қўлида ниманидир маҳкам ушлаб олганини пайқаб муштим билан шу чангалга уриб ҳолсизлантирдим. Панжалар осон очилди, қўлимга теккан шилимшиқ нарсдан ижирганиб, пойимда латта қўғирчоқдай шалвираб турган кимсанинг бўйнидан баттар қисганча уни ой ёруғига тутиб кўришга ҳам ҳафсала топарканман, хаёлимда ёйсимон бу нарса кеча кўмилган кампирнинг оғзидан ўпириб олинган тилла тишлар экани хусусидаги фикр яшиндай ярқ этди; сесканиб тишни улоқтирар асносида бу қадар қабиҳликдан тап тортмаган, ўмараётган шунча нарсасига қаноат қилмай энди ўликларни ҳам безовта қила бошлаган нусха билан кўзмакўз бўлдим ва... бояги омбурдай мустаҳкам қўлим жонсиз бир ҳолда сирғалиб тушди, гўё ичи бўшатилган қоқдай ҳилвираб қолдим. Қаршимда... ўзим... турардим..."

Яна қайта қоғоз титкилашга тушган маҳкама хизматчиси зўр бериб керишди-да, креслосидан сирғалиб сал наридаги диванга чўзилди.

- Қурилиш нега тўхтаб қолди? - сўз қотди у ётган жойида. - Пулни еб юборишган деган гаплар бор. Сиз нима дейсиз?

- У ишларга аралашмадим ҳисоб. Ҳовлида озроқ қум-шағал қолган, шунга қараб қўямиз.

- Ҳа, ҳеч ким тегаётгани йўқми? Анави... телефонни узатиб юборасизми...

Хизматчи ўз истаги мужовул то-

монидан бажонидил рўёбга чиқарилишини кузатиб, ётган жойида рақам тераркан, беҳафсала шифтга, хона деворларига кўз югуртирарди.

- Эй, менга қаранглар, мужовулни ким чақирган ўзи? Бирортанг ёмон туш кўриб, ис-пис чиқармоқчимидинг?.. Қаранглар-да энди...

Хизматчи трубкани хуш кайфиятда жойига қўяркан, деди:

- Билмаймиз дейишяпти. Нима бўларди, қурувчининг иши бўйича чақирган-да. Хўп, сиз бораверингчи... Лекин бефарқ бўлманглар ўғримуттаҳамларга...

Мужовул таниш йўлакдан чиқиб бораркан, адвокат четроқда тахланган эски-туски тахта бўлақларини ерга ёйиб ётиб олганига, докторнинг эса бир чеккада қунишиб ўтирганига кўзи тушди. Докторнинг савол оҳангидаги қарашига "Шунчаки, бошқа масалада чақиришган экан..." дея жавоб берди.

"Доира торайди, - хаёлланди доктор. - Демак, қотилликда айбланаётган ўзи. Бўлмаса нега адвокат бу қадар хотиржам, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди? Ўзидан гумон қилишларига эса асос йўқ, шу вақтгача бирор бемор унинг иштирокида ўлим топмаган. Фақат..."

"Ҳали ҳаётдан дарак берувчи юрак зарбларини титроқ бармоқларингда ҳис қиларкансан, бу қўлларда ҳеч қачон ҳеч ким ўлим топмайди, дея виждонинг олдида ичган қасаминг ёдинга келар, айни дамда қонига бўккан шу юрак эгаси бир вақтлар ҳаётингни бағишлаган, ўзлигингни унуттирган малак қалбини забт этганини ўйлаб, турмушинга тутатиши лозим ришталар девор оша бошқа бўғотларни кўзлаган кади палаклари сингари буткул



RUHIYAT SURATI

Ўзга ёқларга тарвақайлаб кетганию мана бу яримжоннинг нимаси сендан устун эканлигига тушунолмасдинг, ваҳоланки унинг бир умр ҳайдовчиликдан боши чиқмади, суюклигинга қандай "жаннат" яратиб бергани ҳам худога аён, мана энди автоҳалокатга учраб уни ярим йўлда ожиз ва маҳзун ҳолда ташлаб кетяпти; йиллар ҳукмини ўтказа бошлаган бўлса-да, кимдир хонанга ташлаб кетгани - суратда кўрганинг - келинлик либосида яшнаб турган суюклигинг (уни шу либосда кўришни қанчалар орзу қилардинг!) билан қўл ушлашиб турган нуханинг биринчи кўзга ташланадиган ўша жингалак сочлари, жарроҳлик ёритгичида ялтираб турган қорамағиз юзи ҳануз ўзгармаган ва бу қорамағиз жингалаксоч билан ҳисоб-китоб они қачондир юз беришини билардинг, орзу-умидларингни чилпарчин қилган бўлишига қарамай айнан у ҳаёт пиллапояларидан дадил кўтарилишинга сабабчи эканидан эса юз ўгиrolмайсан, у боис кўп хотиралар қалбингда узилмаган гул орзуси каби тиниқ, покиза сақланадики, бир вақтлар тут соя солиб турган дераза ёнида дарахтдаги марваридларга тикилиб орзу қилишдан чарчамасдинг, бугун иқрорсанки, ҳиссиётдан кўра ақл устунлик қиларди сенда - бутун қишлоқни тилларанг ифорга бўяб, сеҳрли кўринишга келтирган шафақ ёлқинини севгилинг билан майин шабада кезган баланд тепалиқда туриб кузатаркансан, шовуллаётган теракзор ёнлаб оқаётган шошқин сой ёқалаб велосипедда бораётиб унинг шамолда яйраётган гунгурт сочлари юзу кўзингни силаб ўтаркан, пиёздоғ ҳиди анқиган тунчўқарда тизза қадар келадиган қор узра югуриб, илк

бора бағринга босаркансан, барибир, ёринг ўзини бахтли санаши учун ҳаётда ўрнингни топиб, камқўстсиз муҳит яратиш зарурлигини англаб турардинг - тут салқинидаги хонадан чиқмай китобларга берилганинг боиси шу эди, асли муносабатлар чигаллашувиға ҳам келажакни ҳаддан кўп ўйлаганинг сабабмиди: у сени бугун билан яшамасликда айбларди, кўпроқ вақтингни унга ажратишинг, ўйнаб-кулишингни истарди, эртага умр йўллари боғланганда ҳам шу - қоғозлардан узила олмаслигингдан ҳадиксирарди балки; ниҳоят, ўқишга кириб узоқ манзил сари отланганингда эса уни кўрмай кетолмасдинг - аҳду паймон қилиш, у кутишга, сен унутмасликка ваъда беришинг керак эди, билет тунги поездга бўлгани учун кузнинг ғамгин нурлари сезила бошлаган, олам пуштиранг тусда товланаётган бир чоғда таниш мажнунтол томон секин қадам ташлаб бораркансизлар, мутлақо бекерак нарсалар, кечки поездда кетишинг, йўл узоқлиги, ижарада эмас, ётоқхонада туришинг, ўзинг билмаган ўқиш ва яна бир балолар ҳақида пойинтар-сойинтар гаплар айтиб валдирадинг, "Энди декабрда кўришамиз" деганингда ҳам у жим эди, эҳтимол декабрғача қанча вақт борлигини чамаларди - унинг олдида айбдордай сезардинг ўзингни, ташлаб кетади, деб қўрқарди у, бироқ сен уни эмас, у сени ташлаб кетди (балки юз ўгирди десак тўғри бўлар), умрингда илк марта уйингдан узоқ, мусофирликда ўзга манзил-макон, ҳиссиз қиёфалар аро эзилиб, бунинг устига узоқ пойтахтда қачон ўқиб одам бўлишингни кутаётган муштоқ нигоҳлар йўқлигини англаб яшаркансан, устингдан



кулишганига, ҳеч кимга кераксиз буюмдек ахлат қутисига улоқтириб юборишганига чидолмасдинг: бунинг учун бир кун афсус чекишлари, ҳали ҳаммасига жавоб беришларига шубҳанг йўқ эди, гўё барчаси ишқ-муҳаббат мавзусидаги кинолардагидек бўларди: сен ўқиб, жуда бойиб кетасан, узатган жойга қўлинг етади, машина, уй, сулув хотин, бир пайтлар келажагинга шубҳа қилиб, писанд этмаган аёл сендай одамни кутмаганига, ҳаёт йўллари боғланишини истамаганига минг пушаймон бўлади, қай тасодиф билан юз кўришиб қоласизлару, тақдир ато этган неъматлар у билан яшашдан кўра анча беҳроқлигини таъкидлаган каби унинг ёнидан бифарқ ўтиб кетасан; аммо кўп марта хаёлингдан ўтган бу якундан бирор қаноат туймайсан: ахир, у тоғасининг қўлида ўсган етим қиз эди, ихтиёр ўзида эмасди, хоҳлаганига, истаган вақтида турмушга чиқа олармиди, эри ширакайф ҳолда бировни туртиб юборгани, кейин енгилтак аёлларга иликишиб, рўзгорни абгор қилганини эшитганингдан кейингина шу ҳақиқат билан юзмаюз келдинг ва биринчи марта ўзингдан уялдинг, айнан сени деб етимликда ўсган қизнинг бошидан ташвиш аримади, сен эса ўшанда ё ўқишни, ё қизни танлашинг керак эди, балки узоқ пойтахт, ўқиш кутиб турар, аммо у кутолмасди, янгасию тоғаваччаларининг қошқовоғига қараб ортиқ яшолмасди, сенда қатъий қарор бўлмаганидан кейин нима қилсин эди, бошдаги қасос ўти вақт ўтиб, раҳмдиллик билан алмашаркан, қачондир кўришсанг, тазарру этиш истаги ҳам йўқ эмасди, асли хато сендан ўтга-

ни, таваккал қилишга қодир бўлмаганингни айтишга неча бор ҳозирланган кунларнинг бирида оғир жароҳат билан воқеа жойига яқин клиниканга келтирилган беморга назар ташларкансан, қони ҳали қотиб улгурмаган ўша таниш юз эгасини кўриб, ихтиёрсиз бир тарзда ёрдамга шошилдинг; жарроҳлик тиги, кесишлар, аппаратларнинг чийиллаши, юқоридан тушаётган нур ва бармоқларинг ҳар замонда тегиб кетаётган, сония сайин ҳаёт унсурлари тугаб бораётган юрак бирданига аввалги кечмишларингни ёдга солди, бир вақтлар ахмоқ бўлиб қолганинг, сени туфлаб ташлашгани фикру ёдингни забт этди, қароғингда асраганингни қора қонига беланиб ётган мана бу кимса топтаб хор этгани гайирлигингни баттар оширди, ҳолбуки ҳеч қачон хато қилмаслик ҳақида хусусий онтинг бор, боз устига дўхтирлар орасида биринчи рақамли эдинг ва юз беражак ўлим шуҳратинга соя солиши аниқ эди, аммо сенда ҳиссиётдан кўра ақл устунлик қилишини теварагингдаги ёрдамга шай ходимларинг билишмасди..."

Девор орасиданми, пол остиданми чийиллаган овоз эшитилар, сичқон ё каламушларнинг дукурлаб чопгани қулоққа чалинади. Туйнукдан тундай қора қаргаларнинг бугунги сафари қариганини англатувчи кўнгилга хижиллик берадиган манзара кўзга ташланар, гўё бутун олам зулмат қаърига сингиб борарди. Адвокат ҳали у - ҳали бу томонига ўнгарилганча сотқинликда айбланиб, маҳкумларни зиндондан қутқаришга уринган бобоси ҳақида тушкўрар, бениҳоя безовта эди. Биров-



нинг тушига мўралаш нақадар хижолатли бўлмасин, бир вақтлар масжид бўлгани одамлар хотирасидан ўчиб кетган зиндондан қочиш режасини тузган маҳбуслар кечмиши шу қадар қизиқ эди. Қатагон йилларида маҳбуслар кўпайиб кетганидан ҳар камерага ўн-ўн бешлаб одам қамаб ташланган, жой танқислашган чоғлар улар тўда-тўда отиб ташланар, асли бунга у қадар эҳтиёж ҳам йўқ, кўплаб маҳбуслар очликдан силласи қуриб, ё бўлмаса касалликдан ўлиб кетарди. Ҳаммаси бир вақтлар таҳоратхона бўлган камера деворидаги тирналган, ўйилган минглаб битиклар орасида араб имлосида қон билан битилган "б", "ш" ва "р" ҳарфларидан кимдир маъно қидириб қолганидан бошланди. Қачонлардир оҳаклангани одам қўли етмайдиган шифтга яқин жойлардан кўриниб турган девордаги исмлар, хотиралар, орзу-умидлар, кундалик майда-чуйдалар билан тўла кечмишлар орасидаги бу ёзувни шу пайтгача биров "башар" деб ўқиб маҳкумлиқ инсоният бошидаги кўргилиқ қабилидаги хулосага келган бўлса, бошқа биров "Башир" деган маҳбус шунчаки исмини ёзиб қўйган, холос, дерди. Аслида унинг қон билан ёзилганини айтмаса, диққатни тортувчи айтарли хусусият кўзга ташланмас, кўпчилик ноҳақ айблангани ва энди шу жойларда ўлиб кетажанини ўйлаб бу каби майда нарсалар ҳақида бош қотиришга ўзида мажол тополмасди.

- Чиқиш йўли бу, - деди ўсиб кетган соч-соқол орасида қатъий нигоҳлари бўртиб турган маҳбус. Келган вақти - икки ойдан буён ломим демаган одамнинг қутилмаган гапи эътиборни тортмай қолмади.

Чамаси у узоқ ўйланганди: балки ёзув сирини, эҳтимол қандай қилиб бўлмасин бу ердан қочишни. Ҳар ҳолда у айтган тахмин деворнинг шу қисмига уч-тўрт кишини жамлади. - Мана қаранг, "Б"нинг тепага қараган ярим ой қисми - биз ўтирган жой, остидаги нуқта қуйидаги хонага ишора, "с" - унга ёндаш, энига қараган уч, йўқ, икки ярим камера, устидаги уч нуқта юқорига қараб яна 3 хона босиб ўтилади, дегани... Қизиг-а. Охиридаги "р"нинг "думи" - пастга қараган кескин қайрилиш, яъни чиқиш йўли. Илгари бу ерда таҳоратхона бўлганини ҳисобга олиб сувнинг чиқиш йўли билан борсак, ишимиз анча енгиллашади. Шаҳарда эскидан ер ости йўли бўлганини эшитган бўлсангиз керак, айтиб бўлмайди, балки унинг қай бир тармоғи шу ердан ўтгандир.

Аслида ҳеч кимнинг зиндонда ўлиб кетгиси йўқ эди, қолаверса бу тусмол ҳазилга ҳам ўхшамайди, ҳамманинг тепасида бир хатар турганда, бошнинг бирикиши осон бўлгани каби лаҳм кавлаб қутулиб кетишга ҳеч ким эътироз билдирмади. Қўшни камераларда жисмоний оғриқлардан дилни ўртайдиган ингралар бирин-кетин тина бошлаганида эса ишга киришишди. Дастлабки уч кеча одам сиғадиган кенгликда бўй баравар кавлашди (илгари бу ердан муттасил сув тушиб тургани сабаб иш анча осон кечди, боз устига маҳбуслар ҳам кўп эди), кейинги кунлар ўша арабча ҳарфларга амал қилиб қуйидаги хона тарафга йўл очилди. Ўн учинчи куни тонг оқара бошлаган чоғ "с"га ўтилди ва шу ерда ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди - косаю қошиқлар, темир бўлаклар билан ер кавлаётган



маҳбуслар қаршисида анча пишиқ тош пойдевор пайдо бўлганди.

- Йўлдан адашдик, - деди қора терига ботган бир маҳбус. - Мўлжал тескари олинган шекилли.

- Тўғри кетяпмиз, - деди ишбоши умидсизликка берилмай. - Шунча жой очилди, ёмон ишламадик. Балки шу тошдан ўтсак, нариёғи осон кетар.

Кўпчилик ҳолдан тойганди, бошида ишлаб дам олганлар кавланган тупроқни чиқариб хона бўйлаб ёйдида, эски-тускилар билан устини ёпиб, уйқуга кетишди. Уйғонишганда (бу орада ўлиб-нетиб қолмадимикан деган хаёлда соқчи хабар олиб кетганидан беҳабар эдилар) қўлида тўрвасини қўлтиқлаганча эшик ёнидаги бурчакка тиқилиб олган кўккўз маҳбус турар, кўзининг пирпирашидан бу ердагиларга ўзида ҳеч қандай гуноҳ йўқлигини англатишга уринаётгани сезиларди.

- Қўрқманг, бемалол жойлашиб олаверинг, - деди сўнгги кунларда камерада ўзига хос мавқега эга бўлган ишбоши. - Бу ерда жинойтчи йўқ, ҳаммаси ўзингизга ўхшаган одамлар. Муттаҳам зоти борки, ташқарида, роҳат-фароғатда юрибди.

Кўккўз кўп куттирмади, тўрға яқин жойга ўрнашди. Тун чўкиб гўё ухлагани ётишаркан, аксар ҳамхоналарда савол пайдо бўлди: кўккўзни ишга қўшиш керакми-йўқми?! Бир муддат ўйланган ишбоши "Боқибегам кўринади, кавлайверамиз" дегандан кейин галма-гал лаҳмга кириб, тош йўнишга тушишди. Биров бир энлик, яна кимдир айтгулик натижасиз чиқаркан, туйнук очиш нақадар қийин бўлмасин, бир ойлардан кейин пойдеворнинг икки қарич келадиган жойи ўйилиб қолди. Ав-

вал ҳафта-ўн кунда камерадан мурда чиқарди, қутулиш истаги ишонч бердими, ҳарқалай туйнук очишга киришилганидан бери ҳеч ким ўлиш ҳақида ўйлаб кўрмади. Бу орада кўккўз ҳам анча мослашиб, камига ҳамхоналарининг қочишга уринаётганларидан воқиф бўлиб олди. Энди лаҳм қазувчилар орасида у ҳам бор эди, астойдил ишласа-да, бундан бирор наф чиқишига шубҳа билан қарарди, тасодиф билан қутулмасак, ер кавлаб қочиб кетишимиз даргумон, дерди у. Бир сафар қазушга тушганида (улкан пойдевор енгиб ўтилганди), намликданми, устига бир замбил тупроқ тўкилиб тушди, жонҳолатда бақирганини эшитган ишбоши дарҳол қутқариб олди ва у қайтиб ер остига тушмади.

"Р"нинг "думи"га келишган кунларнинг бирида қўққисдан кўккўз йўқолиб қолди, бир неча соат ўтиб қайтиб келгач, ҳеч нарса бўлмагандай тутди ўзини - одатда маҳбусни камерадан ё отиб ташлаш, ё бошқа жойга сургун қилиш мақсадида олиб чиқишарди, унга балоям урмагани бошқаларда шубҳа уйғотдики, озодликка чиқиш илинжи тобора йўқолиб бораётган асабий маҳкум кўккўзнинг нақ бўғзига чанг солди, "Сотқинлик қилишимни ишташяпти... Бир-икки ҳамкасбларни суриттирди, уларни ҳам қаммоқчи" дегачгина қўйиб юборди. Қўйиб юбордию барибир ишонмаётганини билдириш кўйида қаншарига ўхшатиб мушт туширди. Шу дамда тергаб ўтиришга ҳожат қолмади: ниҳоят қочиш йўли очилганди. Одатдагидек, туйнукдан ишбошининг гавдаси кўринаркан, у ҳамон жиддий алфозда турарди, бироқ чиқиб олгач, бир четда мушт ейишдан



қўрқиб титраб турган кўккўзни кўтариб олди ва "Етдик! Қутулдик!" дея сал қолмаса бақариб юбораёзди. Шу вақтгача ўлик сукунат кезган хонадагилар от устида мағрур бораётган музаффар саркарда мисол ҳис қилардилар ўзларини.

Бошда келишилганидек, биринкетин ҳамма ўзини тартибга келтиришга тушиб кетди: биров соқол қиртишлаган, кимдир йиртиқ камзулини ямашга тушган, яна бири ҳаяжондан нима қилишни билмай ҳар томонга бориб-келади. Ҳар ҳолда ташқарига чиққанда кишининг турқи бировни шубҳалантирмаслиги керак, қолганига Худо - подшо... Келишилганидек, даставвал ишбоши чиқиши керак эди - айна дамда унинг қатъияти қаергадир ғойиб бўлган, неча ойлаб давом этган маҳкумлиқдан сўнг эрк билан рўпара келиб ҳаяжонини босолмасди.

Бирданига эшик тақиллаб қолди.

Ҳамманинг ранг-қути ўчган, қутулдик, деб ўйлашганида жуда ёмон нарсага тутилишгандек эди. Қийин вазиятларда ўзини қўлга ола биладиган ишбоши эшик тирқишидан ташқарига қараркан, кўрган манзарасидан лол эди: йўлакни тўлдириб гўё соқчилар қўшини турар, гўё улар қочишга ҳеч қанақасига имкон қолдирмасди. Ишбоши ортига ўгирилиб, ўлжасига отилган қоплондай кўккўзга ташланди, қолганлар нима бўлганига ҳайрон турар, ичкаридаги шовқин соқчиларни ҳам ҳаракатга келтирган, тақиллашлар кучайган, кўпайган эди. Бир неча сонияда эшикни бузиб киришди, яна бироздан кейин қочоқ-маҳкумлар қўли боғлиқ ҳолда калтаклар зарбидан сулайиб ерда ётар,

кўккўзни олдинроқ олиб чиқиб кетишганди...

Адвокат оиласи тарихига бобосининг шонли ўтмиши, зиндондан қочиш йўлини топгани ҳақидаги воқелик битилган, бу катта сармоя эвазига нашр қилинган китобда ҳам ифода этилганди. Адвокат фарзандлик бурчи сифатида қатагон қурбони бўлган бобоси ҳақида мақолалар ёзар, интервьюларида айтган, тузум жабрини чекканлар сафида доим у олдинги ўринда. Бироқ адвокатнинг кўзи кўк эканига ҳеч ким эътибор бермайди ва кўккўз маҳбусни фақат угина тушларида кўришидан зоти мардумнинг хабари йўқ.

...Кун қайтардаги уйқу бехосият бўлади, дейишади, гарчи осмонда анчадан бери қуёш кўринмаган бўлса-да, адвокатнинг уйқуси шу вақтга тўғри келгани боис лоҳас бир ҳолда уйғонди. Дастлаб қаерда эканини тушунмагандай турди, сал нарида ўйланиб турган дўхтирни кўриб, "одам ўлдирилган" деган айблов билан ўзларини ушлаб туришгани хаёлига келди, мужовул кўринмаётганига ажабланди. Шу пайт қўнғиртоб эшик очилди ва қўлида қоғоз тутганча бу сафар ходим қовоғи очиқ ҳолда кўринди-да, хушҳол оҳангда деди:

- Кечирасизлар. Англашилмовчилик бўлибди. Бемалол уйга қайтишларинг мумкин.

Гарчи бу хушхабар бонги янглиғ жаранг сочиши керак бўлса-да, доктор маҳзун бир алфозда жойида қотиб турар, адвокат эса худди ўзининг хизмати билан бу даргоҳдан қутулишгандек "Айтмадимми сизга", деганча шахдам қадамлар билан тутқичдан ушлади-да, ташқарига чиқди.



FARQLI DUNYOLAR

Бир замонлар кичик соҳил бўйи шаҳарчаси бўлган бу кўҳна шаҳарча энди кўҳна шаҳарча эмас. Ажиб апельсин боғлари, лимон, мушмула бўй таратган, кўча эшиги олдини ясминлар, гуллар беаган икки қаватли уйлар энди йўқ.

Эски ҳаёти поёнига етиб, янги бир ҳаёт тарзига кирган эди. Бир неча йил ўтиб, шундай азим бир шаҳарга айланади деб ким ҳам ўйлабди дейсиз? Бир пайтлар маҳаллий аҳоли орасида бир нечтагина мансабдор бўлар, баққол кўкчига ҳурмат кўрсатар эди. Энди у замонлар йўқ. Ҳар нарса бегона. Ҳар ким нотаниш. Янги меҳмонларни яхши таншмас, ҳар куни бири кетиб, бири келарди. Уларга қўшилиб дўкондор ҳам бегоналашди. Катта шаҳарлардаги олди-сотди қоидаларига амал қилина бошланди.

Катталар кўп тилга оларди. Бир пайтлар чўнтагинда пулинг йўқми ёки озмиди, ҳеч муаммо йўқ эди. Нима бўлганда ҳам таниш-билишчилик қилиб эпласа бўларди. Ҳозирчи? Кафтини берган, аранг қўлини қутқаради. Биров бировга ишонмайди, бу эса алоҳида бир муаммо.

Шаҳарчанинг туб аҳолиси борликка бор эдику-я, бироқ келган бегоналар орасида худди бир нуқта мисол эди. Бир таниши учраб қолгудек бўлса борми, ёт ўлкаларда кўришиб қолишгандек севиниб, қучоқ очишарди.



Арслан БАЙЕР,

Турк шоири. 1958 йилда Анталиянинг Аланя шаҳрида туғилган. 1999 йилда Анадоли университетининг турк бўлимида магистрлик даражасини тугатган. 23 та китоби нашр этилган. Айти вақтда "Guncel" санъат журнали асосчиси ва муҳаррири.

Соҳил бўйи шаҳарчасининг соҳили, топ-тоза денгизи ифлосланганди. Бу ерларга қизиққанлар учбеш йил ичида ҳужум қилиб, шундай гўзал соҳилни бетон уюмига айлантирдилар. Денгизнинг туби ялтирамай қўйганди. Олдинги сокинлиги йўқолган, "хоҳламайман" дегандек тўлқинларини қирғоққа қаттиқ-қаттиқ урарди. Авваллари шундаймиди? Қумларни шикастлаб қўймай деб кўрқар эди тўлқинлар.

Келганлар сони маҳаллий аҳоли сонидан ошгандан-ошди. Айтиқса, ёзда бошқача бир издаҳом. Бир неча йил ичида саноқсиз меҳмонхоналару мусофирхоналар пайдо бўлди. Ич-



ларида малла сочлиси, буғдой ранглиси, занжисию оқиш танлиси, ерлисию чет эллиги бўлса-да, бир бўлгани йўқ эди.

Ёз поёнига етгач, ерли халқ ва шаҳар гўёки ёз тиқилинчига чидай олмагандек одатга кўра балиқчилар қаҳвахонасида беркиниб олар эди. Ҳамма ҳам бу сассизликни истамас эди, истаганларни ҳам айбламасдилар. Негаки қадриятилар тугаб борарди.

Соҳил бўйи шаҳарчанинг шунчалар каттариб кетишини баъзилар табиий қабул қилаётганди. Чунки дунё ривожланиб, ўсиб борар, бу тараққиётдан шаҳарча ҳам ўз насибасини олиши ва замон билан ҳамнафас бўлиши керак эди. Дунё билан ҳар қандай шаклда алоқада бўлиши керак эди. Энди иқтисоди ривожланиб борар ва бундан фойда олмоғи лозим эди. Еру боғ ишларидан энди фойда келмай қўйганди.

Ости йўқ, усти йўқ дунёда мавжуд бўлган ҳақиқатларни кўрмоқ ва бунга мослашмоқ керак эди. Шаҳарча халқи икки бўлинганди: мамнун бўлганлар ва бўлмаганларга.

Мамнун бўлганлар "Қўлимиз пул кўра бошлади. Маҳсулотларимиз қадрлана бошлади," деб янада кўпроқ сайёҳлар келишини ёқлашарди. Бунинг учун қўлларидан келган ёрдамни аямас эди. Уйларининг бузилиб, ўрнига меҳмонхоналар кўтарилишига қарши чиқишмас эди. "Кетса кетақолсин, уч-тўрт апельсин дарахти кетгани билан бутун дарахтзору боғлар адо бўлмайди ахир," дейишар эди.

Мамнун бўлганлар ҳам ўзларига, ҳам четдан келган тадбиркорлару та-

шаббускорларга кўмаклашишар, меҳмонхона, мусофирхона, таътил қишлоқчаси каби манзиллар ёнига турли-туман дўконлар очилганди.

Авваллари кўчалар орасидаги баққолик, сабзавот ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун очилган дўконлар энди хилма-хил.

Баққоликлар ўрнига маркетлар барпо бўлган. Баққоликлар бир-икки маҳаллалар орасида учраб турса-да, уларнинг сони камайиб кетган эди. Маркетлар билан ёнма-ён тура олмай, бурчак-бурчакларга беркинишганди улар. Четдан келган ишбилармонлар дўкон эгаларига яхшигина пул беришарди. Баъзилар ҳатто аллақачон ўз дўконларига эга эдилар.

Саррофлик дўконидан тортиб те-ричигача, антиқачидан тортиб автоижара хизматигача бир талай турфа дўконлар йўлга қўйилган эди. Наҳазим бир шаҳарнинг ўзи. Ажнабий кассеталар магнитофондан таралган овозлари билан кўча-кўйни бошига кўтарар эди. Авваллари бу шаҳарчада неча киши ажнабий мусиқа тинглар эди?

Шаҳарча ёшлари ҳам энди меҳмонхоналардан иш топиб меҳнат қилардилар. Дастлабки пайтларда хорижий тил олтинга тенг эди. Лицейда яхши ўргана олмаганлар дурустроқ мулоқот қила олишлари учун китоблардан, курслардан фойдаланар эди. Туризм соясида бир талай қўшимча ишлар ҳам пайдо бўлган эди. Таксилар туни билан ишлар, дискотекалар тонга қадар очиқ эди. Балиқчилар энди балиқ тутмай қўйганига ҳеч ҳам ранжимас эди.



Негаки денгиз турлари йўлга қўйилганди. Бошқа касбларда бўлгани каби улар учун ҳам янгица фойда манбаи пайдо бўлганди. Новвойлар кечакундуз нон ёпарди. Шунча меҳмонхонага нон етказиш осонми? Ресторанлар бир-бирини қувалаб туну тонг хизмат кўрсатарди. Бу ҳам иқтисодга ҳисса қўшарди. Яна қандай бўлсин?

Шаҳар тунлари нақ минг бир кеча масалларини ёдга соларди. Ранг-баранг ёғдулар денгизда акс этганда фосфор нурлар бармоқ тишлаб қолар эди. Дискотекаларнинг чиқиш жойлари таксига тўла, ёшлар тонгга қадар сайёҳларга кўз тикиб ўтирарди.

Бунчалар жадал ривожланишга қарши бўлмаганлар йўқмиди? Бор эди, албатта. Улар ҳам ўзаро бир фикрга эга эмас эдилар. Баъзи кимлар "Бу воқеалар бир кунмас бир кун бўлар эди, бироқ жуда тез ривожланиб кетди. Бунчалик бўлмаслиги керак эди, режа асосида кетиши керак эди. Келгусида шаҳар бу юкни кўтаролмай қолиши мумкин," дейишар эди.

Бошқалари эса одоб-ахлоққа путур етаяпти деб қарши чиқишаётган эди. Албатта, улар ҳам ўзларича ҳақ эди. Аммо уларнинг қўлидан ҳам бир иш келмай қолганди, ўқ ёйдан чиқиб бўлган эди. Муҳими - қолган кадриятларни асраб қолиш энди.

Ўғиллар дискотекалардан бери келмай қолган, уйларда чет эл мусиқаларини тинглаш урфга кирганди.

Қарши бўлганлар фикрига кўра, маънавий кадриятлар бой берилаётган оилаларда ҳурмат ҳисси озайган, фарзандлар сўзга юрмай қўйган-

ди. Қовун қовундан ранг олади. Ёнларида, бозорда бир сайёҳ тўхта-са ёки ўтиб кетса, бошларини эгиб олардилар.

"Яқинларимиз учун нима қилсак экан?" деганлар оз эмас эди. "Улар билан бозорга чиқолмай қолдик, якка ўзларини жўната олмаяпмиз." Сайёҳларнинг этагию кийинишларини кўрганда жиғибийрон бўлишар, "товба, товба" дея четлаб ўтардилар.

Шавқи шаҳарча йигитчаларида бири эди. Лицейни битирганига бир йил бўлган, оиланинг ягона фарзанди бўлгани учун отаси баландроқ жойларга юбормаганди. Ўзи Шавқи ҳам университетларда ўқийман деб ўлиб-тирилмасди. Унинг бор дарди чет тилию Европа эди. Отасининг пойабзал дўкони бўлиб, Шавқи ўша ерда ишларди. Ўқишни битиргандан сўнг ора-сира қочиб қолмаса, кўп ҳолларда дўконни саҳарлаб очар, ўша ерда ишларди. Келишган бир йигит эди. Маҳалладан ўтиб-қайтганда ёш қизлар унга маҳлиё бўлар, пичир-пичирлари яққол эшитиларди.

Шавқи бундай ишларнинг яқинига йўламаса-да, барибир бу пичир-пичирлар унга хуш ёқарди. Унинг ёшида бошқаларга ёқиш ажиб бир ҳис, албатта. Бу қизгиналар ҳамма йигитга шундай қилишармиди ёки йўқми билмас эдию аммо ўтиб борар экан баъзан мўйлови остидан жилмайиб қўяр эди.

Бир ажнабий қиз билан танишсин, ўшанда кўринг Шавқини. Қишлари канда қилмай қатнаб турган отасининг дўконига, ёзлари онда-сонда борадиган бўлди у. Кўп вақ-



тини пляжда ўтказарди. Отасининг жаҳли чиқса-да, кўп ҳам қулоқ оса-вермасди. Ёки онасидан куч оларди. Шаҳарчадан бир нечта ёшлар сайёҳлар билан дўстлашиб олиб, Европага кетган эдилар. Шавқи шунга ҳаракат қилиб, биттасини топишни миясига қўйиб олганди.

Ҳар куни пляжга борар, денгизга кирарди. Охирги пайтларда пляж унга ўхшаш ёшларни ўзига оҳанграбодек тортгани тортган. Авваллари ошна-оғайниси билан тўп ўйнашарди, энди эса у замонлар ўтиб кетди. Пляжлар шулар билан рангоранг тусга кирганди. Оқиши, сариғи, уст кийими бори, йўғи - ҳамма ўша ерда. Шавқи учун азим шаҳарлардан келган-келмагани

қизиқ эмасди. Нима бўлса ҳам чет элик ва оқ-сариқдан келган бўлиши керак. Негаки ўзи қорагина бугдойранг йигитча эди. Келишган йигитку-я ўзи, аммо нима бўлганда ҳам сариқ сочлисини севиши керак эди.

Бир куни яна саҳари мардондан денгизга йўл олди. Соҳил ҳали кимсасиз эди. Бир муддат у ёқ-бу ёқни айланди. Сўнг чойшаб каби тўшалган денгизга кирди, қулоч ёзиб узоқ сузди. Силласи қуриб бир қизга яқин

ўтирди. Оёқлари сувда. Ҳаминқадар билган инглизчаси билан қиздан исмини сўради, ортидан томдан тараща тушгандек "Дўст бўламизми?" дея сўради.

Қиз тонгги титроқ шабадасида гўзал овозда "Элизабет" деди.

Дунёларга сизмай кетди Шавқи.

Бир муддат қараб тургач, "Сузамизми?" деди.

Элизабет ҳеч тортинмай рози бўлиб, Шавқидан олдин сувга кирди. Узоқ-узоқ суздилар. Ҳар доим қумда қуёш остида ўтирадиган Шавқи бу гал Элизабетнинг соябони остида ўтирди. Ўша куни ҳар гал сузиб чиққанида қизнинг сочиғида артинар, бу унга битмас-туганмас завқ берарди.

Элизабет йигирма бир кунлик таътилининг бир ҳафтасини Шавқи билан танишишидан аввал ўтказиб бўлган эди. Бўйи 1,70 бўлиб, нақ Шавқи излаган сариқ соч голландиялик бир қиз эди. Узун оёқлари, хипчадек бели жуда гўзал, қўллари ҳеч ишлатилмагандек эди. Шавқи ўзининг қўлларига қараб уялиб кетди.

Ниҳоят бир куни Элизабетга пойабзал ҳадя қилмоқчи бўлиб борганини ҳисобга олмасак, Шавқи қиз





билан танишган кундан бери ҳеч дўконга қадам босмади. Тунларини айтмасак, севишганлар ҳар куни бирга эдилар. Шавқининг кўзига уйқу келмас, тунги соат бир-иккида ухласа-да, саҳарлаб қизнинг меҳмонхонадаги хонаси эшигида ҳозир ру нозир эди.

Бир куни қизни оиласи билан таништирди. Вақти келган эди-да. Отаси у ёқ-бу ёқдан қулоғига чалиниб, ўглининг қилмишларидан аччиғичиқиб юрганди. Уйига боришаётганларида Элизабетга доим кийиб юргувчи калта-култа кийимини кийдирмади. Ўзи олган гулдор матодан тикилган узун либосни кийдирди. Нима бўлганда ҳам оиласи билан илк бор таништираётган эди, биринчи кундан қаршиликка учрашини хоҳламас эди.

Қизнинг таътили тугагунига қадар доим бирга бўлишди. Ҳар иккаласи ҳам бир-бирига шайдо бўлганди ёки шундай ўйлашар эди. Таътил ниҳоясида Шавқи қиз билан Голландияга кетишни истаётганини айтди. Элизабет бунга эътироз билдирмади. Фақат бориб оиласи билан маслаҳатмоқчи бўлди, шу сабаб йигитни албатта олиб кетишига ишонтириб, уни вақтинча қолдириб кетди.

Орадан кўп ўтмай Элизабетдан хабар келди. Мактубда ҳамма тафсилотлар ёзилган эди. Шавқи мактубни олган куни қувончдан нима қилишни билмай ҳаяжонга тушди. Қисқа вақт ичида ҳамма керакли ишларни битириб Шавқи юртидан жўнаб кетди.

Шавқининг оиласи бунга рози эмас эди, аммо начора, бўлган иш

бўлди. Оиласи уни ўзларининг ишида ишлашини, ҳалол сут билан катта бўлган қизга уйланишини ишташган эди. Бўлмади. Шавқи уларнинг қўлларидан учиб кетганди. Маҳалла-кўй олдида уятли бўлиб қолмаслик учун қайгуларини билдирмадилар.

Шавқи Голландияга бориб қизнинг оиласи билан суҳбат қилгач, уларга маъқул келди. Унга бир иш ҳам топиб беришди, яшаш рухсатномаси олиб, қизга уйланди.

Ўша йили уйига келмади Шавқи. Телефон ва мактублар билан алоқа қилиб турди. Бир машина олиб, кейин боришни хоҳлар эди. Негаки кетганлар одатда шундай қилган эди-да.

Иккинчи йил таътил олиб, йигирма бир кунга келди. Борадиган манзили албатта уйи эди. Машинани уйнинг қаршисида тўхтатиб, Элизабет иккаласи тушиб келгач, онасини чақирди. Отаси бу пайтда одатда дўконда бўлишини биларди.

Бир неча кун дам олдилар. Онаси қизнинг мусулмон қизга айланиши кераклигини, диний никоҳ ўқитиш кераклигини уқтирди. Қўни-қўшни нима дейди бўлмаса. Шавқи буларни ўйлаб юриб, бир куни Элизабетга оғиз очди. Қиз ҳеч бир эътирозсиз рози бўлди. Жавоб ҳам Шавқини, ҳам оиласини қувонтирди. Жума куни ҳамма ишни бир пасда битирдилар. Энди Шавқи ҳам хотиржам эди.

Элизабет баъзан ёлғиз, баъзан Шавқи билан денгизга бориб турарди. Мусулмон бўлгач, йигитнинг оиласи билан боғлиқ муаммо қолмаган эди. Эмин-эркин бориб ке-



лишарди энди.

Бир куни Шавқи Элизабетнинг ортидан денгизга борди. Кўрган манзараси ҳеч ёқмади унга. Элизабет уст кийимсиз денгизга кирган эди.

- Денгизга бундай кўринишда кирма.

- Нега энди? - бироз асабийлашди қиз. У Шавқининг нега бундай деганини англай олмади. Шавқи:

- Тез кийиниб, кейин туш денгизга, - дея бақиргач, чидай олмади.

- Қандай кирай?

- Устингга кий.

- Таътилдаман ахир. Истаганимдек кираман. Аввал бир атрофга боқ, сўнг бақир.

- Дуруст-дуруст кир денгизга. Менга бундай нарсалар ёқмайди.

- Қандай нарсалар? Кўчада эмас, денгиз бўйидамиз.

- Бўлса бўлсин денгиз бўйи. Сен устингга кий, етар.

- Мен истаганимдек кираман. Аралашмагинда, тобланишимга халал берма.

- Аралашаман, бунга менинг ҳаққим бор.

- Майли, унисини тушундим. Лекин мен шу ҳолатда денгизга кираман, эътирозинг борми?

- Мен буни қабул қилолмайман.

- Мен ёмон иш қилаётганим йўқ.

- Унда буниси нима?

- Нимаси нима? Тушунмаяпман сенга.

- Кўрмисан, атрофингга бир қара.

Сўз билан кийим кийдиришга

уринди, аммо бўлмади. Элизабет ҳеч унамади. Шавқи яна бир бор ҳаракат қилди.

- Кияқол шуни, биров кўриб уйдагиларга айтса, нима бўлади? Қара, ҳамманинг кўзи бизда.

- Мен эркин аёлман. Бундай масалаларда аралашингга қаршиман.

Ғазаби қайнаган Шавқи урмоқчи бўлиб қўл кўтарган эди, атрофдагилар уни тутиб қолди.

- Менга қўл кўтаряпсанми? Менга-я? Ҳамманинг олдида эркак-лигинг тутдимми?

Элизабет энди жаҳл отига миниб, бақирингга тушди.

- Вой, бу номуслини қаранг. Икки йил олдин мени шундай кўрганингда ҳеч нарсга демагандинг? Ўша пайтлар менга ошиқмидинг ёки баданимгами? Айт, эшитсин ҳамма. Эркакмиш. Доим шундайсизлар, баданга ошиқсиз. Чин дилдан севмайсиз бизни. Икки йил аввал номусинг йўқмиди? Ёки энди номусли бўлиб қолдингми? У замонлар бошқача фикрлардинг. Мен устидан босиб ўтиладиган нарвон зинаси эмасман. Мени боримча қабул қил. Боримча қабул қилмасанг, сен ўз йўлингга, мен эса Голландияга.

Шавқи бу аччиқ тортишувдан фойда йўқлигини англагач, ортига қарамай соҳилни тарк этди.

Элизабет эса янада эркин сулуқат билан ложувард сувга шўнғиб асабларини тинчлантиришга уринди.

Турк тилидан Мунира Норова таржимаси